



Сен – қудрат манбаи, садоқат маскани, жонажон Ўзбекистоним!

30–31  
(1452–1453)–  
сонлар  
28–август  
2020

ERURSEN SHOHI, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

# Хабар

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

IX Қурултой: Соҳа касаба уюшмачилари ўтган беш йил сарҳисобини қилишди **2-бет**

### ДАВР ТАЛАБИ

Рақамли иқтисодиёт – ақлли тараққиёт **7-бет**

### ЭССЕ

Бу оламда оқ атиргулдек аёл бор эди... **14-бет**

### РАҚАМЛИ АВЛОД-2020

Ёшларга энг зарур дарс ва кўникмалар берилади **16-бет**

### БУХОРО ВИЛОЯТИ:

Олти ойда 195 миллиард сўмлик хизматлар нўрсатилди **17-бет**

### ЭЛЕКТРОННЫЙ ТЕНДЕР

У оператора по государственному закупкам появился конкурент **20-бет**

### ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТ

Давлат хизматчисининг малакавий қобилиятлари тестдан ўтказилади **29-бет**



## Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик куни муборак бўлсин!

### ХУШХАБАР

## IT-Park AQShda ўз ваколатхонасини очди!

2020 йилнинг 18 август куни IT-Park хорижий буюртмаларни Ўзбекистон ҳудудида жалб қилиш йўлида навбатдаги қадамини ташлади — AQShнинг Делавер штатида ўз ваколатхонасини расман рўйхатдан ўтказди.

Ваколатхона IT-Park резидентлари хизмати ва маҳсулотларини халқаро бозорларда илгари суриш, стартап лойиҳаларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий компаниялар ва фрилансерлар томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг аутсорсларини кўпайтириш мақсадида очилган.

### Нега айнан AQSh?

Бугунги кунда AQSh дунёдаги энг йирик IT бозорларидан бири ҳисобланади, CompTIA (Америка компьютер технологиялари уюшмаси) берган маълумотга кўра, AQShнинг ахборот технологиялари бозоридаги ҳажми 2019 йилда 1,7 трлн. долларни ташкил этган ва бу бутунжаҳон IT бозорининг 32 фоизи демакдир. AQSh жаҳон аутсорсинг бозорининг 68 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда AQSh бозорига IT хизматларини экспорт қилувчилар, асосан Ҳиндистон, Хитой, Малайзия ва Бразилия.

IT-Parkнинг айнан AQSh ҳудудида биринчи вакилликни очилиши ҳам мазкур давлатда ривожланаётган давлатлардаги IT ташкилотларини жалб қилиш ҳисобига ўз маҳсулотларини арзонлаштиришга эҳтиёжи бор дунёнинг йирик IT компаниялари жойлашганлигида.



### КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ЭКСПОРТИ (ТОП-10)

2019 йилда компьютер техникаси экспортидан энг кўп даромад олган мамлакатлар.

1. Хитой — \$148 млрд.
2. Мексика — \$32 млрд.
3. Нидерландия — \$28 млрд.
4. AQSh — \$26 млрд.
5. Гонконг — \$21 млрд.
6. Германия — \$15 млрд.
7. Чехия — \$13 млрд.
8. Тайланд — \$12 млрд.
9. Тайван — \$9 млрд.
10. Сингапур — \$8 млрд.



Манба: Howmuch

## 2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Umadan  
umagacha

# IX ҚУРУЛТОЙ

## Соҳа касаба уюшмачилари ўтган беш йил сарҳисобини қилишди

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг IX Қурултойи видеоконференция алоқа тизими орқали ўтказилди. Қурултойда карантин чекловларига қаршисини амал қилган ҳолда 98 нафар делегат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий студияларда, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги делегатлар эса “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти” нодавлат таълим муассасаси марказий студиясида ҳамда “Ўзбектелком” АК малака ошириш филиали студиясида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 август кун мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бош вазир ўринбосарига уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 август кун Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бажарилаётган ишлар, саноат корхоналари фаолияти билан таъинланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 август кун Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи, давлат ва жамоат арбоби Карим Камолов хотирасига бағишланган таъзия маросимларида иштирок этди. Шу кун давлатимиз раҳбари Бухоро халқаро аэропорти биносига мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, бугунги мураккаб шароитда аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, пандемия сабабли зарар кўрган иқтисодий тармоқларини тиклаш масалалари батафсил қўриб чиқилди.

26 август кун Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси ўртасида Меморандум имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати раиси, Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси раиси Т.Норбоева иштирок этди.

Афғонистон Ислоҳ Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Ханиф Атамар бошчилигидаги делегация 28-29 август кунлари Ўзбекистонга ташриф буюради.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорлар ҳамда “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармон эълон қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шўхрат Содиқов видеоконференция алоқа тизими орқали иштирок этди ва сўзга чиқди.

Соҳада қарийб 30 мингга яқин ходимлар меҳнат қилади, – деди ўз сўзида Шўхрат Содиқов. – Ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимли йўлга қўйилган. Бу борада Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу йил юртдошларимиз кўп синовларни бошидан ўтказмоқда. Мана шундай пайтда соҳа ходимлари фидойилик кўрсатиб хизмат қилишди. Айниқса, Бухоро вилоятининг Қорақўл, Олот, Жондор, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Мирзабод туманларида рўй берган технологик талафотларни тез фурсатларда бартараф этишда жонбозлик кўрсатишди. Пандемия вақтида ҳам соҳа ходимлари бир зум бўлсин алоқа хизматларини тўхтатиб қўйишгани йўқ, Албатта, бу ҳамкасбларимизнинг ўз касбларига садоқатини кўрсатади. Соҳа касаба уюшмасининг IX Қурултойи ишига омад тилайман ҳамда барча ҳамкасбларимизни яқинлашган энг улуғ, энг азиз байрамимиз – давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриқлайман.

Маълумки, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмасининг Уставига мувофиқ Қурултой олий раҳбар органи ҳисобланади, ҳар беш йилда бир мартаба ўтказилади. Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2015 йил август ойидан 2020 йил август ойигача бўлган фаолияти ва келгуси даврдаги стратегик вазифалари Қурултой кун тартибидagi асосий масала сифатида қўриб чиқилди.

Қурултойда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор



Ишанходжаев ўтган беш йил давомида амалга оширилган ишлар, келгуси вазифалар тўғрисида таҳлилий маълумотларни тақдим қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмасининг Тафтиш комиссияси томонидан ҳисобот даврида Устав талаблари ва белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борган фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба

уюшмасининг 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳамда Уставига киритилган таҳлилий ўзгариш ва қўшимчалар лойиҳалари юзасидан делегатлар томонидан билдирилган таклиф ва фикрлар негизда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултой делегатларига ҳавола этилган маърузада ҳисобот даврида тизимдаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятларида эришилган ютуқлар баробарида йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди. Ана шу камчиликларни барнараф этиш юзасидан аниқ

таклифлар белгилаб олинди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан делегатлар сўзга чиқиб, келгуси фаолиятни янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуманда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилиб, янги муддатга Республика кенгаши ва Раёсати ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги Қурултойига делегатлар ҳамда Кенгаш таркибига вакиллар сайланди.

### ЎТГАН БЕШ ЙИЛ ДАВОМИДА:

● Тизимда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари сони 2015 йилга нисбатан 9 фоизга ўсишига эришилди.

● Хорижий ва МДҲдаги турдош касаба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик қўламини кенгайтириш мақсадида Республика кенгаши Россия алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан меморандум, Беларус алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан шартнома, Тожикистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Қозоғистон ахборот, алоқа ва телекоммуникация соҳаси ходимлари касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси билан келишувлар имзоланди.

● Шунингдек, Қирғизистон, Молдова ва Озарбайжон алоқа ходимлари касаба уюшмалари билан меморандум имзоланишига эришилди.

● Бугунги кунга келиб, иккита Тармоқ келишув, иккита Тариф келишув, битта ягона Жамоат шартномаси ва 205та корхонада жамоат шартномалари белгиланган тартибда қабул қилинди.

● Жамоат шартномалари орқали 2015-2019 йилларда қабул қилingan Давлат дастурлари ижросини таъминлашга сарфланган маблағ жами 10 млрд. 191 млн. сўмдан зиёд бўлиб, 2015 йилга қараганда 5,4 мартаба ўсишига эришилди.

● Ходимларнинг ўртача ойлик маошлари ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар миқдори ҳар йили ўрта ҳисобда 20 фоиздан ошиб боришига эришилди.

● Ҳисобот даврида аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларида жами 1 млрд. 723 млн. сўм ўйналтирилиб, 1647 нафар ходим, ҳўжалик органлари ҳисобидан 2225 нафар ходимга 546 млн. сўм ҳамда ижтимоий сўғурта маблағи ҳисобидан 2 млрд. 558 млн. сўм сарфланиб, 2150 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштиришга эришилди.

● Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан 201та ёзма мурожаатлар, 579та оғзаки (шахсий қабул ва телефон орқали) мурожаатлар, корхоналар ва бошланғич ташкилотлардан тушган 138та хат (ҳўжат)лари қўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 90 фоизи қабуллантилди, 20 нафардан кўпроқ ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари судларда ҳимоя қилинди.

● Ҳар икки йилда бир мартаба тизимдаги бошланғич ташкилотлар ўртасида ташкил этиб келинган “Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилот” кўрик-танлови совриндорлари сони 30дан ошди.

● “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида олиб борилган ишлар негизда 2019 йилнинг ўзиде тизимдаги бошланғич ташкилотлар иш берувчилар билан ҳамкорлигида 7 миңдан зиёд ишчи-ходим, уларнинг оила аъзолари, меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд оилалар вакилларининг саёҳати уюштирилди.



# IT-Park AQShda ўз ваколатхонасини очди!

## IT-Park AQSh vaколатхонасининг мақсадлари

Вакилликнинг асосий вазифаси миллий маҳсулот ва хизматларимизни AQSh бозорига олиб чиқиш учун қулай шарт-шароитни яратишдан иборатдир.

Вакиллик AQShда юртимиз компаниялари хизмат ва маҳсулотлари оммабоплигини ошириш, реклама ишларини олиб бориш, буюртмалар топиш, IT-Park резидентлари ва AQShлик буюртмачилар ўртасидаги шартномалар имзоланишини рағбатлантиришни ўзига вазифа қилиб олган.

Бундан ташқари, вакиллик икки тараф учун қафолат вазифасини ўтайди – буюртмачи учун бажарилган иш сифати, бажарувчи учун эса, тақдим этилган хизматга яраша ҳақ тўланишини таъминлайди. Бунинг учун жаҳон стандартларига мос келувчи сугурта ва кафилик тизимлари татбиқ этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бир қатор IT-Park резидентлари AQSh, Европа ва MDX давлатлари бозорига аллақачон мослашиб улгуришган. Шу ўринда, 2020 йил биринчи ярим йилликда резидентлар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 6 млн. доллардан ошган.

Ваколатхонанинг яна бир ўзига хос жиҳати, AQSh IT бозори билан яқиндан таниш бўлган, AQSh IT сектори ва ишга алоқадор муносабатлар борасида яхши тажрибага эга бўлган, AQSh ҳудудиди истиқомат қилувчи шахс (AQSh фуқароси ёки ҳамюртларимиз) танлов асосида вакил этиб тайинланади.

IT-Park ваколатхонаси фаолияти бир вақтнинг ўзида ҳам ваколатхона иши, хусусан, IT соҳасида фаолият юритаётганлар билан ҳам, AQShда ҳам вакил, ҳам юрдошларимиз орқали амалга оширилиши режалаштирилган.

## Ўзбекистон учун афзалликлари

IT хизматларни экспорт қилувчи мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий бозорларни ўзлаштиришда асосий омиллар ишлаб чиқаришнинг арзонлиги ва мамлакатда етарли соҳа мутахассисларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистонда етарлича имкониятлар яратилган. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистондаги IT компаниялари барча солиқ тўловларидан озод этилган, маҳсулотни четга олиб чиқишда эса, божхона имтиёзлари тақдим этилган. Буларнинг бар-

часи, маҳсулот таннархи тушиши ва шу орқали уни ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Инсон капиталини IT соҳасида ривожлантириш IT-Park фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади, зеро, малакали кадрларсиз мамлакат IT хизматлари экспортини ошириш мумкин эмас.

*IT-Park томонидан IT авлодини яратиш мақсадида:*

- 100 мингдан зиёд ёшни тайёрлашга мўлжалланган "One million Uzbek coders" дастури амалга оширилмоқда;

- мамлакатимизнинг барча ҳудудларида IT-марказлар ташкил этилмоқда (2021 йилга келиб, 188та марказ ташкил этилади). Бугунга қадар IT-марказларда 8 минг киши ўқитилди;

- олий таълим муассасалари томонидан ҳар йили ахборот технологиялари соҳасида 5 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланади.

IT хизматларини экспорт қилиш мутахассислар учун зарур инфратузилма ва иш шaroитсиз мумкин эмас. Бунинг учун 24/7 тартибда хорижий платформаларни техник қўллаб-қувватлаш учун узлуксиз электр таъминоти, юқори тезликдаги интернет ва зарур жиҳозлар талаб қилинади.

Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида мамлакатимиз вилоят марказларида IT-Park филиаллари очилмоқда (ҳозирги вақтда учта филиал тўлиқ иш бошлаган), мазкур ҳудудий бўлимлар IT мутахассислари учун барча зарур шарт-шароитлар билан жиҳозланган.

## Натижа

Мазкур стратегия амалга оширилиши натижасида 2023 йил учун қуйдагилар режалаштирилган:

- 100 млн. долларлик IT экспортга эришиш;
- 500 мингдан ортиқ малакали IT мутахассисларини тайёрлаш;
- IT соҳасида 15 000дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш.

Таъкидлашимизча, IT-Parkнинг AQShдаги ваколатхонаси хорижий IT буюртмаларни жалб қилиш йўлидаги биринчи қадам бўлади. Келгусида Австралия, Япония, Бирлашган Араб Амириклари ва Европа Иттифоқи давлатлари каби мамлакатларда бундай ваколатхоналар очилиши режалаштирилган.

Яқинда IT-Park бу соҳани ривожлантириш ва рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида жаҳон бўйлаб ватандошларимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёргарлигини маълум қилган.

# Телекоммуникация хизматлари фойдаланувчилари учун ҚУЛАЙЛИК ЯРАТУВЧИ ҲУЖЖАТ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

“Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Республикамызда ахборот-коммуникация тармоғини ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни барпо этиш борасида мазкур соҳада замонавий қонунчилик базани яратиш энг асосий негизларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда мавжуд бўлган қонуний ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги кун талабларига ва норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси билан “Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари” норматив-ҳуқуқий ҳужжати ишлаб чиқилди ва вазирликнинг 2020 йил 30 июндаги буйруғи билан тасдиқланди. Ушбу ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июн куни давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат илғор маҳаллий ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, республикадаги телекоммуникация хизматлари фойдаланувчилари учун қулайлик яратади ва ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришга янада туртки беради. Мазкур ҳужжатнинг энг муҳим жиҳати ва афзалликларига тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, мазкур Қоидалар унификациялашган ва такомиллаштирилган лойиҳа ҳисобланиб, ўз ичига АКТ соҳасида фаолият кўрсатишда қатор муҳим масалаларни инобатга олган: лицензиялаш, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахсга доир маълумотлар масалалари ва бошқалар акс этган.

Бу эса, ўз навбатида, бозордаги хизмат кўрсатувчи профессионал иштирокчилар ва абонентлар учун қулайлик яратиш беради, шу билан бирга қонуний жиҳатдан ҳам иш юритишни осонлаштиради, ягона қоида ва талаблар асосида ҳаққоний қарорларни қабул қилишга замин яратади.

Иккинчидан, мазкур ҳужжат замонавий талаблардан келиб чиқиб ўз ичига долзарб ўзгариш ва қўшимчаларни қамраб олган. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация хизматларини кўрсату-

тиш тартиблари, хизматлар турларига қараб, 1996-2018 йиллар оралиғида қабул қилинган 10та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 17та уларга киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар билан тартибга солинган эди. Мазкур ҳужжатлар ўтган даврда техника ва технологияларнинг ҳамда соҳадаги бизнес юртиши имкониятларининг ривожланишига мутаносиблигини йўқотган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгаришларни тўлиқ қамраб олмай қолган эди.

Халқаро тажриба асарият ҳолатларда телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ягона ҳужжат билан тартибга солинишини ва ушбу тажрибанинг қатор ижобий жиҳатларини намоён қилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш йўналишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, мавжуд хизмат турлари янгиланди ва замонавий хизмат турлари киритилди. Янги хизмат турларидан мобил алоқа тармоқларида абонент рақамларини кўчириш хизматларини тақдим этиш тартиблари белгиланди.

Мазкур норматив ҳужжат етти та бўлим ва 391та моддадан иборат бўлиб, унда телекоммуникация соҳасига оид атамалар ва таърифлар кўрсатилган, телекоммуникация хизматларини, жумладан, телефон, телеграф, мобил, интернет алоқаси, телевидение, ахборот-маълумот, қўриқлаш хизматларни тақдим этиш тартиби, оператор, провайдер ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномавий муносабатлари батафсил кўрсатилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат АКТ соҳасида ягона қоидаларни белгиллаган ҳолда, мазкур соҳани янада ривожлантиришда мустаҳкам асос солади. Энг муҳими, мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи операторлар, провайдерлар, дилерлар ва эшиттирувчилар билан фойдаланувчилар ўртасидаги телекоммуникация хизматлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

## 4 | УЧИНЧИ ТАШАББУС

## ЭЛЛИКҚАЛЪДА ҲАМ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ


Қорақалпоғистон Республикасида Рақамли технологиялар ўқув маркази яна биттага кўпайди. Куни кеча Эллиққалъа тумани ёшлари учун ҳам шундай марказ фойдаланишга топширилди.

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Эллиққалъа ТБда ташкил этилган Рақамли технологиялар ўқув марказининг тантанали очилиш маросимида туман ҳоқими Сейдадат Аюезов, АКТ вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тимур Баекеев, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси корхона, ташкилот ҳамда компаниялари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Маросимда сўз олган туман ҳоқими С.Аюезов давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта ташаббус доирасида очилган ушбу марказ аҳамияти ҳақида сўз юритиб, ёшларни бу каби имкониятлардан кенг фойдаланишга даъват этди.

Тадбир иштирокчилари марказда ёшлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиди.

Ўз мухбиримиз



## ЭЪТИРОФ

## МАРД ЎҒЛОНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”-ғи қарори эълон қилинди.

Қарорга кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган бир неча фидойи ва мард ўғлонларимиз “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

Тақдирланган ёшлар орасида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали 1-босқич магистри Фаррух Қодиров ҳам борлиги қувонарлидир.



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлатириш вазири Шўҳрат Содиқов Фаррух Қодировни ушбу ютуқ билан табриқлади. Вазирлик раҳбариятининг қимматбаҳо совғасини эса қашқадарёлик соҳа мутасаддилари мард ўғлонимизга етказишди.

Биз ҳам бу юксак эътироф билан Фаррухжонни муборакбод этиб, келгусида малакали мутахассис сифатида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшишига тилак билдираимиз.

### ➔ АБИТУРИЕНТ-2020

## Тест синовлари: ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНЛАНИШ ПАЛЛАСИДА

Фарғона шаҳридаги Фарғона Давлат университети спорт-соғломлаштириш мажмуасида, “Истиқлол” стадионида, Қирғидаги “Нефтчи”, Кўқон шаҳридаги марказий ўйингоҳда, Марғилондаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ва Сўх туманидаги “Сўғдиёна” стадионида ўтказилган тест синовларига тайёргарлик ишлари қизғин.

Тайёргарлик доирасида “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси ҳам ўз зиммаларидаги ишларни пухта ва сифатли адо этишга ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, 16 км.дан ортиқ оптик алоқа линиялари тортилиб, зарур миқдорларда vps, switch, шкаф, охиловчи идентификация қурилмалари ўрнатилди. Бу ишларда фили-

алнинг ахборот хавфсизлиги ва узатиш тармоқларини бошқариш бўлими бошлиғи Малжон Миллажонов, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими бошлиғи Миржаҳон Эшимовлар, олий тоифали муҳандис Ҳусанбой Мирзабоев, 1-тоифали муҳандислар Сарвар Нуриддинов, Санжар Каримов, Жасур Эргашевлар ҳамда Сардор Холмирзаев, Шерзоджон Пирматов, Анваржон Ҳайитов, Илҳомжон Маткаримов, Бахтиёржон Мадатов, Музаффар Аҳмедов, Юнусбек Курамамов, Умарбек Мирзааҳмадов каби электромонтер ва кабел пайвандловчилар масъулиятни теран ҳис этган ҳолда меҳнат қилишяпти.

Жорий йил олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари амалдаги қонунчилик

меъёрлари асосида ташкил этилаётганида филиал жамоасининг хизматлари катта бўлиши аниқ албатта. Бундан ота-оналар беҳад мамнун.

– Мен ҳам тест синовлари шаффофлиги тўлиқ таъминланиши учун филиалимизнинг билимдон йигитлари ҳисса қўшишдан фахрланаман, – деди кадрлар бўлими ходими Раънохон Ибрагимова. – Бизнинг икки фарзандимиз бештадан олий ўқув юртига хужжат топширишган. Тест синовларида ўз дилбандларимизга, қолаверса, 135 миң нафар абитуриентнинг барчасига омад кулиб боқилиши тилаб дуодамиз.

Тест синовлари икки сменада соат 8дан 11.00гача ва 17.00дан 20.00гача бўлиб ўтиши белгиланган.

Ҳафиза САЛЯҲОВА

### ➔ ОНЛАЙН АРИЗА

## Техникумларга ҳужжат топшириш бошланди

Техникумларга ўқишга кириш учун онлайн ариза топшириш платформаси – [technikum.edu.uz](http://technikum.edu.uz) 25 август куни соат 14:00дан бошлаб ишга тушди. Бу тўғрида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Raqamli oliy ta'lim канали хабар бермоқда.

Техникумларга электрон платформа орқали куйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

- Электрон ариза;
- Умумтаълим мактабининг 11-синфни тугатганлигини тасдиқловчи аттестат (электрон) нусхаси ёки ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом (электрон) нусхаси;
- 3x4 фотосурат.



# ИНФРАТУЗИЛМА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

## Ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлашдан IT-Парк филиали қурилишигача

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида ўтказилган йиғилишда соҳамиз олдига 2021 йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикасидаги барча умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улашиш учун зарур телекоммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш вазифасини қўйган эди.

### Вазифалар ижроси амалда

Ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 1416та ижтимоий соҳа объектларининг 2019 йил давомида 476тасига (255та халқ таълим, 118та мактабгача таълим, 103та соғлиқни сақлаш) оптик толали алоқа линияларини тортиш режалаштирилган бўлиб, шундан 505тасига (274та халқ таълим, 118та мактабгача таълим, 113та соғлиқни сақлаш) яъни, 106 фоиз объектларга 302 км. узунликдаги оптик толали алоқа линиялари тортилиб, 170та объектга охириловчи қурилмалар ўрнатилди ва юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди.

Жорий йилда белгиланган вазифа давоми сифатида 477та (207та халқ таълим, 184та мактабгача таълим, 86та соғлиқни сақлаш) ижтимоий соҳа объектларга 530 км. оптик толали алоқа линиялари тортилиб, 43тасига охириловчи қурилмалар ўрнатилди ва юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди. Жорий йил якунига қадар халқ таълим объектларини 80 фоизга, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш объектларини 100 фоизга глобал тармоққа улаш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, республикамиз бўйлаб GPON технологияси асосида 1 361 км. оптик толали алоқа линиялари тортилиб, 53,7 мингта портга мўлжалланган 28та OLT қурилмаси ўрнатилди. Бугунги кунда абонентларни улаш ишлари давом этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 26та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, телекоммуникация ускуналари модернизация қилинди, янги Huawei компаниясининг DW7000 ускунаси ўрнатилди ва ҳозирги кунда тест тартибда ишламоқда.

Магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилотлараро даражасида 200 Гбит/с, туманлараро 40 Гбит/с.га етказилди.

### Худудларда мобил алоқа ва мобил интернет қамрови

Қорақалпоғистон Республикасида мобил алоқа ва мобил интернет қамровини ривожлантириш бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 46та янги база станциялари ва 269та мавжуд станцияларда модернизация ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда жами база станциялар сони 2290тага етказилиб, 1,4 млн. фойдаланувчига хизмат кўрсатмоқда. Аҳоли яшаш масканларининг мобил алоқа қамровини жорий йил бошига

нисбатан 97,4 фоиздан 97,6 фоизга ва мобил интернет қамрови 38,1 фоиздан 78,4 фоизга етказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси 1,9 миллиондан ортиқ кишини ташкил этиб, шундан 45 фоизи ёшлар ҳисобланади. One Million Uzbek coders платформасида 1900дан зиёд ёш йигит-қизлар рўйхатдан ўтди ва 378 нафар тингловчи курсни тугатиб, ўз сертификатларига эга бўлди.

Мазкур лойиҳани аҳоли ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд Рақамли технологиялар ўқув мар-



● Нукус шаҳрида ташкил этилаётган IT-Парк филиалининг ташқи кўриниши.

RUM карталар берилди, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш мақсадида ташкил этилган суриштирув гуруҳидаги Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Темурбеклар мактаби"да тузилган штаб 8та CDMA AWP-



● Рақамли технологиялар ўқув марказларида ўқув жараёни.



кази, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда ҳудуддаги умумтаълим мактабларида ахборот постерлари жойлаштирилди.

Ёшларимизни ушбу лойиҳага жалб қилиш мақсадида, ҳудудий бошқарма томонидан олий ва ўрта махсус, халқ таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

### Пандемия даврида Call-Center

Қорақалпоғистон Республикасида коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун махсус ажратилган тиббиёт муассасалари, карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ва коронавирус инфекциясига қарши курашиш марказий штабларини алоқа ҳамда интернет тармоғи билан узлуксиз таъминлаш юзасидан ишлар олиб борилди.

Хусусан, 16та карантин объектида интернет тармоқлари ташкил этилди, мавжуд шаҳар ва туман алоқа линияларининг узлуксиз ишлаши назоратга олинди, профилактика ишлари олиб борилди, ҳар бир карантин объекти линиясига масъул ходим бириктирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги санатория, юқумли касалликлар касалхонаси, Нукус тумани Ногиронларни реабилитация қилиш маркази, Тахياتош туманидаги санатория профилакторияси, Нукус юридик коллежи, Тўрткўл тумани транспорт-саноат коллежи 29та CDMA AWP-Z600 аппарати ва 7000 дақиқалик

Z600 аппарати ва 7000 дақиқалик RUM карталари билан таъминланди. Коллежга битта шаҳар телефони ўрнатилиб, тиббиёт ходимлари ва карантинга олинган юрtdошларимизга алоқа соҳаси бўйича юқори имкониятлар яратилди.

Шунингдек, Республика махсус комиссиясининг қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази ташкил қилинганлиги сабабли карантин даврида ижтимоий химояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида вазирлик томонидан 1197 қисқа рақами ажратилганлиги, Қорақалпоғистон Республикасидан мурожаат қилган фуқораларимиз кўнгилроқ пайтида кутиб қолмаслиги учун 8та шаҳар телефони қўшимча равишда ўрнатилиб, узлуксиз ишлаши таъминланди.

Коронавирус касаллигидан даволанганларни тиббий хизматлар билан таъминловчи ва улар ҳақида маълумотни ўрганиб турувчи 1105 қисқа рақамли Call-маркази ташкил қилиниб, қўшимча равишда 8та шаҳар телефони ўрнатилди ва www.call1105.uz ахборот тизими ишлаш чўқилди. Ушбу тизимга операторлар томонидан ҳар бир кўнгилроқлар бўйича маълумотлар киритиб борилмоқда.

Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ тиббий масалалар бўйича 1003 Call-марказлари ташкил қилинди.

**Тимур БАЕКЕЕВ,**  
АКТ вазирлигининг  
Қорақалпоғистон Республикаси  
худудий бошқармаси бошлиғи




● Ижтимоий соҳа объектларига оптик толали алоқа кабелни тортиш учун қазилган лавҳа.



● MSAN ускунасини сошлаш ишлари.

# ОЛДИМИЗДА УЛКАН МАРРАЛАР

Мустақиллик энг улуг ва энг азиз неъматдир. Бу йил ҳам мамлакатимизда истиқлолимизнинг шонли санаси муносиб қарши олинади. Чунки, жойлардаги ўзгариш ва янгилıklar, ҳатто энг чекка ҳудудларда амалга оширилаётган улкан ишлар кутлуг тўйимизга тўёна. Гап исботи билан деганларидек, Хоразм вилоятида ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳасида олиб борилган ислохотлар билан таништирмоқни мақсад қилдик.



Даставвал, “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали томонидан карантин даврида амалга оширилган ишларга назар ташлайлик. Жорий йилнинг шу давригача филиалда умумий сифими 96 минг рақамли 124та АТС орқали аҳолига телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоғида модернизация қилиш ишлари натижасида 33728 порт сифими замонавий 104та универсал мултисервисли HUAWEI MSAN қурилмалари ўрнатилиб ишга туширилди. Шу билан бирга, GPON технологияси, яъни ҳар бир хондонда оптик толали кабел асосида жаҳон андозаларига хос хизматлари кўрсатиш ва абонентлар сонини ошириш мақсадида 54 272та абонентга мўлжалланган 26та indoor OLT қурилмалари ўрнатилиб, аллақачон аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади.

Интернет хизматларига тўхталсак: албатта, бугунги кунда интернетдан фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг тезлигига боғлиқ. Бу борада вилоят бўйича кенг полсалари қурилмаларнинг монтаж сифими 81,4 минг портга етказилди. Йил бошида ушбу сифим 56,7 минг портдан иборат эди. Айни пайтда жами 24,7 минг порт кенг полсалари қурилмалари ўрнатилиди.

Филиалнинг галдаги режаси йил якунига қадар вилоят телекоммуникация тармоғини ривожлантириш мақсадида 1 000 км. оптик толали алоқа линиясини қуриш. Бугунга қадар эса ушбу режанинг 70 фоизи бажарилган. Шунингдек, вилоятда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш орқали ижтимоий соҳа объектларига алоҳида этибор қаратилган. Яъни, мавжуд 540та мактабдан 492тасига 727 км., 311та мактабгача таълим муассасаларидан 284тасига 153 км. ҳамда 193та соғлиқни сақлаш муассасаларидан 174тасига 91 км.,

жами 1044та объектдан 950тасига 971 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Филиал томонидан мобил алоқа сифатини яхшилаш ва қаров даражасини кенгайтириш мақсадида 2020 йилнинг ўтган даврида вилоятда 32та янги объект қурилиши ва мавжуд тармоқни модернизациялаш натижасида 503та мобил алоқа база станциялари ишга туширилган. Жорий йилнинг 7 ойи давомида эса мобил алоқа операторларининг вилоятдаги база станциялари сони 2182тага етказилди.

Йил бошида вилоятда аҳоли масканлар кесимида мобил алоқа тармоқларининг 2G қамрови 100 фоизни, 3G қамрови 75 фоизни, 4G қамрови эса 25 фоизни ташкил қилгани бор гап. Лекин, апрел-май ойларига келиб, бу қамров 3G 80 фоизни, 4G 50 фоизга етказилди. Ҳозирда “Ўзбектелеком” АК “ТТТ” филиали 9-техник боғламаси томонидан 18та объектда ўрнатилган транспорт телекоммуникация тармоғи қурилмалари ҳамда 562,3 км. магистрал оптик толали алоқа линиялари эксплуатация қилинмоқда.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси магистрал телекоммуникация тармоқлари ва алоқа инфратузилмаларини ривожлантириш ЖВС лойиҳаси доирасида техник боғламага қарашли барча магистрал станцияларига ҳамда Хоразм вилоятининг барча туман марказларига жами 16та Япониянинг NEC компанияси DWDM узатиш тизимларини монтаж қилиш ишлари амалга оширилди. Магистрал тармоқ ишончилигини ошириш лойиҳаси доирасида Тупроққалъа РТС – Саримой РТС йўналишида 40 км. узунликдаги оптик толали алоқа линияларини қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бундан ташқари, вилоят аҳоли яшаш масканлари 100 фоиз рақамли телевидение сигналлари билан қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, эълон қилинган карантин даврида вазирликнинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– Урганч давлат университетида ташкил қилинган вилоят штабида оптик толали алоқа линиялари орқали юқори тезликдаги интернет ҳамда 10та телефон нуқтаси ташкил қилинди. Урганч шаҳридаги Ёшлар маркази биносидан ташкил қилинган Хоразм вилояти ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтерларнинг вилоят ҳудудидан 1197 рақамга амалга оширилувчи кўнгироклар вилоят марказига йўналтирилди. “Call Centre”да 10та оператор учун телефон нуқталари ташкил қилинди. Марказ “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали томонидан оптик толали алоқа линиялари орқали 50 МБ/с тезликда интернет хизматларига уланди.

Шунингдек, вилоят марказидаги Тез тиббий ёрдам хизмати 103 қисқа рақамга ажратилган телефон нуқталари сони бтадан 15тага, вилоятнинг қолган ҳудудларида ушбу кўрсаткич тегишли тартибда икки баробарга оширилди. Эътиборлиси, COVID-19 пандемияси даврида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ташкил қилинган мобил гуруҳлар учун 400та мобил алоқа воситасига эҳтиёж аниқланиб, “УзМобайл” мобил алоқа оператори томонидан чексиз сўзлашув имконияти билан белгиланган тартибда Соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдим қилинди.

Шу билан бирга, Хоразм вилояти ҳудудида телекоммуникация хизматларини ташкил қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалаларини оператив ҳал қилиш бўйича АКТ вазирлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан барча чоратadbирларни муддатда амалга оширилиб келинди.

Ҳозирги кунда вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Урганч ахборот ва компютер технологиялари касб-ҳунар коллежи бино ва иншоотлари ҳамда моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш мақсадида коллеж негизида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки Хоразм вилояти ҳудудий филиалини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркин Хоразм вилояти филиалини ташкил этиш орқали келгусида 800та янги иш ўринлари яратилиши, резидент корхоналар сонини 200тага ошириш ва йилига 1000 нафар ёшни дастурлашга ўқитиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари томони

дан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусдан учинчиси – аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида ҳам вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларни замонавий ахборот технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида вилоят ҳудудларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунга қадар вилоятнинг Хива шаҳри, Янгибозор ва Гурлан туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди ва зарур анжомлар, компютер, техник қурилмалар ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди.

Ушбу ўқув марказларини кенгайтириш борасида ҳозирда Тупроққалъа ва Ҳазорасп туманларидаги тегишли биноларда таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Марказлар мебел жиҳозлари, зарур компютер техникаси ва бошқа замонавий қурилмалар билан таъминланмоқда. Вилотимиз ҳудудларида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш учун “Ўзбектелеком” АК ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг бинолари танланган бўлиб, жорий йил якунига қадар барча шаҳар ва туманларда шундай ўқув марказларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар ҳам кўмак дош бўлмоқдалар. Мухими, ёшлар ушбу ўқув марказларида ахборот технологиялари, робототехника ва дастурлаш соҳаларида инновацион ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. Рақамли технологиялар ўқув марказларининг ишга туширилиши натижасида шаҳар ва туманлардаги ёшларнинг мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳасида фаол ва самарали иштирок этишларига имконияти яратилади.

Қувонарлиси, жорий йилда Рақамли технологиялар ўқув марказларида вилоят бўйича 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган 1000дан ортиқ ёшларни ахборот технологиялари соҳасида бепул ўқитиш ҳамда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда 500дан ортиқ ёшларни лойиҳада иштирок этиш мақсадида амалий кўмаклар берилди. Ташкил этилаётган мазкур ўқув марказлари вилоят ёшлари учун муносиб туҳфа бўлиб, келгусида уларнинг қадрдон масканларига айланишига ишонамиз.


Хоразм вилояти соҳа ходимлари ана шундай ютуқлар ила байрамни хуш кайфият билан кутиб олишмоқда. Олдинда эса яна улкан марраларни забт этиш масъулияти турибди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,  
“Хабар”нинг Хоразм  
вилоятидаги мухбири

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркин Хоразм филиалини ташкил этиш орқали келгусида 800та янги иш ўринлари яратилиши, резидент корхоналар сонини 200тага ошириш ва йилига 1000 нафар ёшни дастурлашга ўқитиш режалаштирилган.”**

Рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш ва уни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт режасидан мустақкам ўрин олганлигини барчамиз яхши биламиз. Шу боисдан ҳам, иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг қўллаб-қўллаш чора-тадбирлар кўрилади. Электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилиб, электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилади.

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АҚЛЛИ ТАРАҚҚИЁТ



Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш Давлат хизмати ривожлантириш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

### Кадрларнинг “психологик портрети”

Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида бугунги кунда агентлик томонидан замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ягона дастурий-аппарат комплекси яратилмоқда.

Ушбу дастурий-аппарат комплексининг ишга туширилиши натижасида давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали тизими яратилишига, миллий кадрлар захирасини шакллантириш имконини таъминлаш ва давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш ҳамда уларни бошқаришга, давлат фуқаролик хизматидаги киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифат-

лар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олиш платформаси яратилишига, реестрларни шакллантириш ва юритиш тизимларида ишлаб чиқилган ўзаро муносабатлар қоидаларини ҳисобга олган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари, шу жумладан, “Электрон ҳукумат” тизими билан ўзаро интеграцияни ташкил этилишига, кадрлар масалалари бўйича маълумот алмашиш имкониятини таъминлайдиган хавфсиз ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини яратилиши каби кенг имкониятларга эга бўлишига эришилади.

Шунингдек, ушбу дастурий-аппарат комплекси тўлиқ ишга тушгандан кейин, ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш, лавозимда кўтарилиши, малака ва мартаба даражаларини берилиши ва қўллаб-қўллаш кадрлар фаолиятига оид бўлган йўналиш-

лар электрон кўринишга ўтказилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги томонидан жорий йилда замонавий ахборот технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритиб келатган ходимлар “Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш” тизими билан ўзаро интеграцияни ташкил этилишига, кадрлар масалалари бўйича маълумот алмашиш имкониятини таъминлайдиган хавфсиз ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини яратилиши каби кенг имкониятларга эга бўлишига эришилади.

Шунингдек, мазкур агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд вакант лавозимлар очiq мустақил танлов орқали эгаллигини таъминлаш мақсадида [vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz) ягона электрон платформаси яратилди.

Кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг афзалликлари бисёр. Телекоммуникация инфратузилмаси бу жараёнда муҳим вазифани бажаришини ҳам алоҳида эътиборга олиш керак.

Аҳолини интернет тармоғидан фойдаланиш даражаси қанчалик юқори бўлса рақамли иқтисодиёт, шу жумладан, электрон ҳукумат тизими ҳам шунча самарали фаолият юритади.

### Навоий тажрибаси ҳозирча Ўзбекистонда ягона

Навоий вилоятида қисқа фурсатлар ичида бу соҳада талайгина муваффақиятлар қўлга киритилди.

Биргина мисол, Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги ташаббуси ҳамда Sensorika масъулия-

ти чекланган жамияти томонидан ягона марказлашган бепул WiFi тармоғи ишга туширилди. Мазкур лойиҳа ҳозирча мамлакатимизда ягона ҳисобланади. Лойиҳани молиялаштириш ишлари Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан бошқичма-бошқич амалга оширилётган бўлиб, айни пайтгача лойиҳа доирасида Латвиянинг “Микротик” компаниясидан 218 миллион сўмлик WiFi қурилмалари олиб келиниб, 150дан ортиги ўрнатилди. Ушбу жараён йил охирига қадар давом этади. Навоий шаҳрида 400та мана шундай мосламалар ўрнатилди ҳамда 6-10 километр радиусда бутун шаҳар бўйлаб бепул WiFi тармоқлари ишга туширилади.

Ҳудди шунингдек, Зарафшон шаҳрида ҳам “CITY WIFI” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Ақлли шаҳар” лойиҳаси доирасида жорий йилда ушбу ҳудудни тўлиқ WiFi билан қамраб олиниши кўзда тутилган. Кейинги босқичда бу янгиликни барча туман марказларида йўлга қўйиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир раҳбар ўз фаолиятига рақамли иқтисодиётни олиб кириши давр талаби, шунингдек, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим шарт эканлигини теран англаши зарур.

**Сардор ЖўРАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Навоий вилоят филиали етакчи инспектори

Навоий шаҳрида  
400та мана шундай  
мосламалар  
ўрнатилди ҳамда  
6-10 километр  
радиусда бутун  
шаҳар бўйлаб бепул  
WiFi тармоқлари  
ишга туширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январ куни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига навбатдаги мурожаатида илмий ва технологик ривожланишнинг муҳимлигига алоҳида урғу бериб, қуйидаги таърифни келтирди: “Шарқнинг буюк мутафаккирлари айтганидек: “Энг катта бойлик – ақл ва илм, энг катта мерос – яхши таълим, энг катта қашшоқлик – билим етишмаслигидир”.

**Х**озирги кунда замонавий билим ва маърифат барқарор ривожланишнинг асоси бўлиб қолмоқда. Айниқса, бу соҳада дунё миқёсида шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар, ахборот технологиялари ва бошқа замонавий билим соҳаларини чуқур ўзлаштиришимиз мамлакатимиз тарқиқетига эришиш учун энг қисқа йўлдан боришимизга имкон бериши таъкидлаб ўтилди. Рақамли технологияларнинг иқтисодий соҳаларида қўлланишига асосланган “рақамли иқтисодий”ни шакллантириш унинг тегишли инфратузилмасини, улкан ресурсларини ва мутахассисларини шакллантиришимиз зарурлиги белгилаб берилди. Рақамли иқтисодийга жадал ўтишининг келгуси беш йил учун устувор вазифалари белгилаб берилди, рақамли технологияларнинг нафақат маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириши, балки харажатларни камайтириши, коррупцияга қарши курашда самарали восита эканлиги, электрон тижоратни ривожлантиришнинг асоси эканлиги таъкидлаб ўтилди.

1995 йилда АҚШ Массачузетс университети профессори Николас Негропонтэ томонидан киритилган “цифровая экономика” – “digital economy” термини ҳозирги кунда жуда машҳур бўлиб кетди. Олим ўз китобида “атомларни қайта ишлашдан битларни қайта ишлаш афзалроқдир”, деган назариясини илгари сурган, яъни ҳозирги мавжуд товарларнинг оғирлиги, тури, ташиш турлари каби муаммоларидан воз кечиб, уларни виртуал ҳолда сотишга, товарларни оғирлиги ва ташиш усуллари талаб қилмайдиган усулга ўтишни, бир сўз билан айтганда рақамли иқтисодийга ўтишни тақдиф қилган.

Рақамли иқтисодийга турли манбаларда турлича таъриф беришади, Оксфорд университети лугатида, уни интернет технологияларига асосланган ҳолда бизнес юритиш ва битимлар тузиш деб қаралади. Уни кўпинча интернет технологияларини қўллашга асосланган иқтисодий ёки веб-иқтисодий деб ҳам аташади. Кўпгина

# ИҚТИСОДИЙ

## Мамлакатнинг бу борадаги қуввати рақамли иқтисодий

ҳолларда уни интернет ва бутунжаҳон интернет тизимига асосланган бозорлар орқали бизнесни электрон ҳолда олиб бориш деб қабул қилинмоқда.

Рақамли иқтисодий – бу иқтисодий фаолият тури бўлиб, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотларни ишлаб чиқариш, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва уларни таҳлил қилиш натижаларини анъанавий бошқарув шаклларига солиштириш орқали ишлаб чиқаришнинг ҳар хил турлари, технологиялари, ускуналари, сақлаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Электрон тижорат рақамли иқтисодийнинг бир шакли бўлиб, у орқали товарлар ва хизматлар савдоси таъминланади ва амалга оширилади. АҚШ, Хитой ва Европа Иттифоқи давлатлари рақамли иқтисодийни “Дунёдаги инновациялар, рақобатбардошлик ва ўсишнинг ягона муҳим омили” деб қарамоқдалар.

Рақамли иқтисодий соҳасидаги нуфузли экспертлардан бири бўлган The Boston Consulting Group (BCG) маълумотларига кўра, ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидagi рақамли иқтисодийнинг улуши 2010 йилдан бери 1,2 фоизга ўсди ва 5,5 фоизни ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 3,6 фоиздан 4,9 фоизгача ошди. Қуйидаги жадвал орқали маълумотлар билан танишамиз (1-жадвал).

Ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидagi рақамли иқтисодийнинг улуши (1-жадвал)

Г/р	Мамлакатлар	2010 й.	2016 й.
1	Буюк Британия	8,3	12,4
2	Жанубий Корея	7,3	8
3	Хитой	5,5	6,9
4	Европа Иттифоқи	3,8	5,7
5	Ҳиндистон	4,1	5,6
6	Япония	4,7	5,6
7	АҚШ	4,7	5,4
8	Мексика	2,5	4,2
9	Саудия Арабистони	2,2	3,8
10	Австралия	3,3	3,7
11	Канада	3	3,6
12	Аргентина	2	3,3
13	Россия	1,9	2,8
14	ЖАР	1,9	2,5
15	Бразилия	2,2	2,4

\*Манба: The Boston Consulting Group (BCG).

Mc Kinsey Глобал институтининг тахминларига кўра, 2025 йилга келиб рақамли технологиялар Хитой ялпи ички маҳсулотининг 22 фоизга, Россия учун эса 34 фоизгача ошишига олиб келади. 2025 йилгача АҚШда рақамли технологияларнинг яратилишидан кутилаётган харажатлар 1,6-2,2 триллион АҚШ доллари даражасига етиши мумкин. (Бу ерда коронавирус пандемияси ҳисобга олинмаган).

Дунё миқёсида рақамли иқтисод технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда дунёнинг ривожланган давлатлари томонидан уни янада ривожлантириш ва у орқали электрон савдо тизимини ривожлантириш устуниликка эришишга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнги йилларда бутун дунёда электрон тижоратдан фойдаланишга талаблар ортиб бормоқда. Электрон тижоратнинг энг машҳур турларидан бири B2B (Business-to-Consumer) бўлиб, корхона ва истеъмолчи ўртасидаги тижорат муносабатларидир. Бунда ташкилот ёки жисмоний шахс интернетдан фойдаланган ҳолда товарлар сотиб олишга буюртма бериши ва тўлов тизимлари орқали тўловни амалга ошириши мумкин. Буюртма қилинган товарлар анъанавий почта ёки курьерлик хизматидан фойдаланилган ҳолда жисмоний шахснинг почта манзилига етказиб берилди. Бу анчайин тез ва қулай шаклда амалга оширилиб маблағлар, вақт ва бошқа харажат-

ларнинг кескин камайишига олиб келади.

Электрон тижорат кўпинча инновациялар, рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Сўнги бир неча йил ичида глобал электрон тижорат савдоси ўн бараварга ўсди. Халқаро “eMarketer” тадқиқот компаниясининг маълумотига кўра, 2019 йилда бутун дунё бўйича электрон тижорат савдосининг ҳажми 3,535 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич 6,542 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиши кутилмоқда.

Жаҳонда электрон тижорат тизимлари орқали онлайн-савдо бозори тобора ривожланиб бормоқда. Бу соҳада дунёда етакчи бўлган АҚШнинг Amazon, шунингдек, Хитойнинг Alibaba ва JD.com каби компаниялари электрон тижоратнинг супергигантлари ҳисобланиб, ҳозирги кунда уларнинг улуши жаҳон интернет-магазинлари савдосининг 40 фоизи атрофида бўлиб, дунёдаги энг йирик электрон тижорат бозорларининг ўндан еттасини бошқаради ва глобал логистика тармоғида товарлар ҳаракатининг йўналишларини белгилайди.

Дунёда кундан-кунга ўсиб бораётган электрон тижорат бозори маҳсулоти бўлмиш турли посилкалар ва майда пакетлар орқалидаги маҳсулотларни чегара бўйлаб мисли кўрилмаган миқдордаги алмашилишни ошиб бормоқда, бу эса турли мамлакатлар почта ва божхона хизматлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар қачонгидан ҳам мукамал қилишни талаб қилмоқда. Божхона тартиби ва тартибга солиш механизмлари бутунги кунда электрон тижоратнинг жадал ўсишига мос келмай қолмоқда. Янги бозор Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ)нинг Халқаро божхона ташкилоти (ХБТ), Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (ХХТА), Халқаро фуқаро авиацияси ассоциацияси (ХФАА) билан глобал логистика тармоғининг узлуксиз, мувофиқлаштирилган ва ишончли ишлашини таъминлаш масаласида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни талаб қилади.

БПИ-ХБТнинг почта жўнатмаларини божхона расмийлаштируви бўйича қўшма қўлланмасига биноан, божхона маъмурияти тайинланган оператор билан ҳамкорликда божхона орқали ўтадиган почта жўнатмаларини чиқариш тартиби қоидаларини соддалаштириш, амалда стандартларни/процедураларни мувофиқлаштирил-

СўНГИ ЙИЛЛАРДА БУТУН ДУНЁДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАЛАБЛАР ОРТИБ БОРМОҚДА. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ЭНГ МАШҲУР ТУРЛАРИДАН БИРИ B2B (BUSINESS-TO-CONSUMER) БЎЛИБ, КОРХОНА ВА ИСТЕЪМОЛЧИ ЎРТАСИДАГИ ТИЖОРАТ МУНОСАБАТЛАРИДИР.



# САЛОҶИЯТ

## технологиялари ва электрон тижоратнинг ривожланишига боғлиқ

ган тарзда амалга оширилишида амалий ёрдам бериши керак. Божхона ҳамкорлик Кенгашининг товарларни божсиз қабул қилиш бўйича тавсияси мавжуд бўлиб, агар улар совғалар бўлса, уларнинг қиймати 41 АҚШ долларидан ошмаслиги керак. Бундан ташқари, ушбу тавсияда қайси товарлар совғалар тоифасига кириши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, ушбу йўналишда ҳам тартибга солинмаган импорт фаолиятини камайтириш учун чеклов чоралари қўлланилади. Куйидаги жадвалда турли мамлакатларда почта орқали товарларни божсиз олиб кириш меъёрлари келтирилган (2-жадвал).

Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатларида 2020 йил 1 январдан бошлаб, интернет-савдо доирасида жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб кириш чегараси 500 евродан 200 еврогача туширилган. Шу йилнинг апрел ойида Россия Федерацияси молия вазирлиги 2020 йил 1 июлдан божсиз олиб кириш чегарасини 100 еврогача, 2021 йилдан 50 еврогача, 2022 йил бошидан 20 еврогача туширишни тақлиф қилган. Шу билан бирга, агар қиймати ёки вазн чегараси ҳозирги бир килограмм учун 2 евродан 3 еврога ошса, солиқнинг минимал ставкасини оширишни тақлиф этган.

Бироқ, Евроосиё иқтисодий комиссияси ҳозирги вақтда Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари учун онлайн-харидларни амалга оширишда божсиз олиб кириш меъёрини тақлиф қилган деб ҳисобламайди. Евроосиё иқтисодий комиссияси май ойида панде-

мия авжига чиққан пайтида ушбу мавзунинг муҳокама қилишни тўхтатди. Бунгача Россия томони 2021 йилнинг ўрталарига қадар 200 евродан 100 еврога тушириш мuddатини кечиктириш тақлифини илгари сурган.

Бу борада Ўзбекистон фуқаролари, жисмоний шахслар, шахсий фойдаланишлари учун чет элдан товарларга буюртмалар беришлари мумкин. Интернет ва мобил иловаларнинг ривожланиши бу имкониятларни оsonлаштиради (сўнги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 23,9 миллион, фойдаланувдиги смартфонларнинг сони эса 19 миллиондан ортиқроқдир).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 февралдаги "Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан жисмоний шахслар томонидан республикага божхона тўловлари олинмайдиган товарларни олиб киришнинг чегараланган меъёрлари белгиланган бўлиб, булар куйидагича:

- Халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун — бир календар чорак мобайнида 1 000 (бир минг) АҚШ доллари;

- Халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун — 100 (юз) АҚШ доллари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги "Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш

тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб, нотижорат мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтиш масканлари орқали қўл юкида ва кузатиб борилаётган бағажда товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келадиган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган. Шунингдек, божхона қийматининг 30 фоизи миқдорда ягона божхона тўлови белгиланган, лекин ҳар бир килограмм юк учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови ставкаси белгиланди, бу жисмоний шахс томонидан олиб киришнинг максимал меъёрлари ошиб кетганда ундирилади.

Ҳўш, бу каби бож ва солиқ ўзгартиришлари электрон тижоратнинг ривожланишига қай даражада таъсир қилади, деган савол келиб чиқади. Албатта, бу каби ўзгаришлар юртимизда электрон тижоратнинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги, аксинча унинг мамлакатимизда янада ривожланишига хизмат қилиши лозим бўлади.

Жаҳон миқёсида пандемия шариоитида кўпгина халқаро авиарейсларнинг тўхтатилиши, юкларни етказиб беришнинг кескин сусайиб кетиши натижа-сида бир қатор муаммолар келиб чиқиши натижасида халқа-

ро почта ва етказиб бериш тизимларини янада такомиллаштириш, бунда электрон тижорат тизимини янада кенгайтириш зарурияти келиб чиқди.

Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш шариоитида ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улардан бири, бу хорижий интернет-дўконларидан товарларни етказиб бериш вақтини қисқартиришга эришиш зарурлигидир. Халқаро тажрибадан келиб чиққан унинг ечимларидан бири сифатида махсус божхона омборхоналарини яратиш ва улар фаолиятини тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда назорат қилишга эришиш лозим бўлади.

Масалан, Россия Федерациясида 2020 йил июл ойида Татаристон Республикаси Президенти Россия молия вазирлигига Татаристоннинг трансчегаравий интернет савдоси учун мамлакатнинг биринчи "B2B2C", яъни "бизнес бизнес учун", "бизнес миждоз учун" махсус "бонд зонасини" (божхона тўловлари тўланмаган товарлар омбори ёки омборлари зонаси) ташкил этиш тақлифи билан муражаат қилган. Буни синов тариқасида трансчегаравий интернет-савдога йўналтирилган республика ҳудудида алоҳида эркин иқтисодий зонани яратиш орқали амалга оширишни тақлиф қилган. Бонд зонани яратиш учун Татаристоннинг шартлари орасида логистика инфратузилмасини юқори даражада тайёрлаш, мақбул жүрғофий жойлашувини ва республика органларининг қўллаб-қувватлаши ҳам мавжуд. Россияда биринчи бундай зонани яратишга тўсқинлик қиладиган нарса, бу тартибга солишнинг нормативлари йўқлигидир. Амалдаги божхона қоидалари божхона омбори моделидан фойдаланилганда, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳудудидаги жисмоний шахсларга почта орқали товарларни жўнатишнинг соддалаштирилган тартибини қўллашга имкон бермайди.

Ҳозирги кунда Хитой ва Қозғистон, Қирғизистон ўртасида айрим умумий чегара ҳудудларида эркин савдо ва божхона бонд зоналари мавжуд бўлиб, улар фаолиятини ҳам танқидий ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Бизнинг республикаимиз мисолида, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва келажакда Афғонистон бозорларига йўналтирилган зоналарини яратиш мумкин бўлади. Бу эса Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар

билан трансчегаравий савдо алоқаларининг янада ривожланишига, яратилажак божхона "бонд зоналари" орқали электрон тижорат орқали жўнатилаётган товарларнинг етказилиб берилишининг тезлашишига ва миждозлар учун қўлайликларнинг янада ортишига олиб келиши мумкин. Албатта, бу масалани мутахассислар билан синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва лозим бўлганда мавжуд норматив ҳужжатларга тузатишлар киритиш талаб қилинади.

Жаҳон миқёсида ривожланган давлатлар томонидан электрон тижоратнинг ривожлантирилишига катта эътибор қаратилиши ва у орқали бўлаётган савдоларнинг ҳозирги кунда триллионлаб долларларни ташкил этиши республикаимизда уни янада тараққий эттириш заруриятини тақозо этади. Айниқса, юртимизда етиштирилаётган трансчегаравий интернет савдоси учун мамлакатнинг биринчи "B2B2C", яъни "бизнес бизнес учун", "бизнес миждоз учун" махсус "бонд зонасини" (божхона тўловлари тўланмаган товарлар омбори ёки омборлари зонаси) ташкил этиш тақлифи билан муражаат қилган. Буни синов тариқасида трансчегаравий интернет-савдога йўналтирилган республика ҳудудида алоҳида эркин иқтисодий зонани яратиш орқали амалга оширишни тақлиф қилган. Бонд зонани яратиш учун Татаристоннинг шартлари орасида логистика инфратузилмасини юқори даражада тайёрлаш, мақбул жүрғофий жойлашувини ва республика органларининг қўллаб-қувватлаши ҳам мавжуд. Россияда биринчи бундай зонани яратишга тўсқинлик қиладиган нарса, бу тартибга солишнинг нормативлари йўқлигидир. Амалдаги божхона қоидалари божхона омбори моделидан фойдаланилганда, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳудудидаги жисмоний шахсларга почта орқали товарларни жўнатишнинг соддалаштирилган тартибини қўллашга имкон бермайди.

Ҳозирги кунда Хитой ва Қозғистон, Қирғизистон ўртасида айрим умумий чегара ҳудудларида эркин савдо ва божхона бонд зоналари мавжуд бўлиб, улар фаолиятини ҳам танқидий ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Бизнинг республикаимиз мисолида, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва келажакда Афғонистон бозорларига йўналтирилган зоналарини яратиш мумкин бўлади. Бу эса Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар

**Т.ҚҶҚОРОВ,**  
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, и.ф.д.

Хорижий давлатларда интернет-савдо - почта жўнатмалари орқали товарларни божсиз олиб кириш меъёри (2-жадвал).


Мамлакат/Ҳудуд	Почтадаги товарларнинг қиймати, улар солиқ ва бож тўловларидан озод қилинган	Почта жўнатмасидаги товарларнинг қиймати, олиб келинганда ККС тўланади, аммo божхона тўлови тўламайди	Почта жўнатмасидаги товарнинг қиймати, бунда солиқ ва бож тўловларини тўлайди
Европа Иттифоқи	22 евродан кам	22дан 150 еврогача	150 евродан ортиқ
Буёқ Британия	15 фунтдан кам	15 дан 135 фунтгача	135 фунтдан ортиқ
Швейцария		65 франкдан кам Китоб учун 200 франкдан кам	65 франкдан ортиқ Китоб учун 200 франкдан ортиқ
Евроосиё иқтисодий иттифоқи	200 евродан кам		200 евродан ортиқ
Украина	100 евродан кам		100 евродан ортиқ
Жанубий Корея	150 доллардан кам		150 доллардан ортиқ
Хитой	500 юандан кам		500 юандан ортиқ
Канада	20 канада долларидан кам		20 канада доллардан ортиқ
Ўзбекистон	100 доллардан кам (почта жўнатмалари) 1000 доллардан кам (чоракада бир мартаба)		100 доллардан ортиқ (почта жўнатмаси) 1000 доллардан ортиқ (чоракада бир мартаба)

Изоҳ: Баъзи бир давлатларнинг қонунчилигида жисмоний шахсдан жисмоний шахсга юбориладиган шахсий совғалар учун божсиз олиб кириш меъёрлари турлича ўрнатилган (<https://www.vzone.com/articles/besposhlinny-limit-dlya-posylok-v-raznyh-stranah>).

# ALSKOM

суғурта компанияси

**Ватан равнақи йўлида садоқат  
билан хизмат қилаётган  
Ўзбекистон халқини  
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ  
МУБОРАК 29 ЙИЛЛИК ТЎЙИ  
билан табриклайди!**




**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ  
ХОДИМЛАРИ КАСАБА  
УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА  
КЕНГАШИ жамоаси**



*Жонажон юртимиз аҳолисини  
тобора яқинлашаётган  
Мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами  
билан муबारакбод этади!*

# 29




**MUHAMMAD AL-XORAZMIY  
NOMIDAGI TOSHKENT  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI  
UNIVERSITETI жамоаси**

**Халқимиз асрлар давомида  
кутган энг улуғ айём — Мустақиллик  
байрами билан қутлайди.**

**“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АҚ  
жамоаси**

**Ғурур ифтихоримиз  
бўлган мустақиллигимизнинг  
29 йиллик тўйи муносабати  
билан табриклайди.**



**Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ,  
ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ**

Гўзал дийримиз аҳолисини  
Мустақиллигимизнинг

**29**

йиллик байрами  
билан табриклайди.



Осмонимиз мусаффо, юртимиз обод,  
ҳаётимиз фаровон бўлсин!

**“АЛОҚАЛОЙИҲА” ДУК  
ЖАМОАСИ**

Ватандошларимизни  
Мустақиллик кунин билан  
муборакбод этади!



Ўзбекистонимиз  
доимо гуллаб яшнасин!



Юртдошларимизни  
Мустақиллик кунин —  
тинчлик, фаровонлик,  
ззгулик айёми билан қутлайди!

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ  
**“ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ”**  
филиали жамоаси

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ  
МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
29 ЙИЛЛИК** байрами билан  
самимий қутлайди.



**Кадрли хамюртлар!**  
Шундай улуг ва муборак кунда сизларга  
табрик йўллаётганимиздан мамнунмиз.

# ОЛТИТА ТУМАНДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вилоятда ана шундай замонавий ўқув марказларида йилига 100 мингдан ортиқ ёшлар ўқитилади ва малакаси оширилади

Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам кенг кўламли ишлар бажариляпти.

Вилоятимиз аҳолиси ва ташкилотларини телефон алоқаси ва интернет хизмати билан таъминлаш, вилоят телекоммуникация инфратузилмаси ҳолатини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг ўзида 900 км.дан ортиқ оптик алоқа линиялари қурилди ва 10,7 минг порт сифимли 13та замонавий станция ўрнатилди.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш орқали 706та мактабдан 405тасигача (57,4 фоиз), 547та мактабгача таълим муассасаларидан 237тасигача (43,3 фоиз) ва 255та соғлиқни сақлаш муассасаларидан 139тасигача (54,5 фоиз), жами 1508та объектлардан 781тасигача (51,7 фоиз) оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Мобил алоқа хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида йил бошидан мавжуд 253та база станцияси модернизация қилинди ва қўшимча 60та янги

рот технологиялари ва компютер дастурларини ўқитишга ихтисослашган Рақамли технологиялар ўқув марказлари очилган эди. Мазкур ўқув масканларида 935 нафардан зиёд ёшлар ахборот технологиялари ва компютер дастурлари бўйича ўқув курсларида бепул ўқитилди. Бундан ташқари, Учқўрғон туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази хоналарида таъмирлаш ишлари яқунланган ҳамда Чортоқ ва Наманган туманларида марказ учун ажратилган хоналарда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

интернет хизматлари кўрсатиш имкони яратилди.

Шунингдек, ушбу ҳудудда мобил алоқа ва интернет хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида "ЎзМобайл" филиали Наманган ҳудудий боғламаси томонидан "Парда Турсун" объектидаги мавжуд 2G таянч станциясини 3G ва 4G технологиясига модернизация қилинди. Вилоятнинг энг чекка ҳудуди қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган Янгикўрғон тумани Оқтом ва Қайроқи МФЙ ҳудудига 4G таянч база станциялари ўрнатилиб, аҳолига мобил алоқа ва интернет хизматларини тақдим этиш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ушбу ҳудуддаги аҳолига "Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиалининг 3G ва 4G стандартидаги мобил алоқа ва интернет хизматлари кўрсатилмоқда.

Янгикўрғон туманининг чегара ҳудудларидаги Сойбўйи, Кўкёр, Қизилёзи, Фуркат, Поромон, Наврўзобод, Исковот

филиали Наманган шаҳар А.Хўжаев кўчасида қурилиши бошланган.

Технопарк филиалининг ер майдони икки гектар, иккита бинони ташкил этади. Қурилишнинг биринчи босқичида уч қаватли бинони ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бинонинг барча қаватларининг учумий майдони 5800 квадрат метрни ташкил этади.

Йил якунига қадар вилоятда АКТни янада ривожлантириш учун қуйидаги мақсадларга 108,9 млрд. сўм маблағлар йўналтирилади:

- мобил алоқа хизматлари сифатини янада яхшилаш мақсадида 278та база станцияси модернизация қилинади ва қўшимча 43та янги станция ўрнатилади;

- магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти икки баробарга кенгайтирилади;

- ижтимоий соҳа муассасалари (152та мактаб, 373та мактабгача таълим ва 135та соғлиқни сақлаш муассасалари)да юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиш учун 600 км. оптик толали алоқа линиялари қурилади;

- 9,2 минг портли замонавий қурилмалар ўрнатилади;

- Учқўрғон, Чуст, Уйчи, Тўрақўрғон, Минбулоқ ва Наманган туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилади;


Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш орқали саккиз мингдан ортиқ ёшлар ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, киберспорт ва интернетдан самарали фойдаланиш бўйича ўқитилади ва малакалари оширилади.

2021 йил якунига қадар барча шаҳар ва туманлар марказларида IT-марказлар очилади ва вилоятдаги мактабларда ташкил этилган ахборот технологиялари йўналишидаги тўғарақларда йилига 100 мингдан ортиқ ёшлар ўқитилади ва малакаси оширилади.

Шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ходимларини ахборот технологиялари соҳасида масофавий таълим асосида малакаси ошириб борилади.

Вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Наманган шаҳрида IT-Парк Наманган ҳудудий филиали ташкил этилади. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида биттадан, жами 12та IT SCHOOL ўқув марказлари ташкил этиш режалаштирилган.

**Юсуфхон ЭШОНОВ,  
АКТ вазирлигининг  
Наманган вилояти ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи**



база станцияси ўрнатилиб, мобил алоқа қамрови 100 фоизга ва мобил интернет қамрови 78 фоизга етказилди. Ушбу мақсадлар учун 82,5 млрд. сўм маблағлар йўналтирилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5та муҳим ташаббус илгари сурилган. Мазкур ташаббуслардан бири аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Юқоридагиларни инобатга олиб, аҳоли ва ёшлар ўртасида ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида 2019 йили Наманган шаҳар ва Косонсой туманларида ахборот

Вилоятимизнинг тоғли ва чегара ҳудудларидаги аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида Янгикўрғон тумани, Мамай МФЙ, Олмазор маҳалласидаги Қўштепа тепалигига телевизион ва радиосигналларини узатувчи қурилмалар ўрнатилди. Натيجанда Янгикўрғон туманининг чегара ҳудудларидаги ўнга яқин МФЙларда яшовчи аҳолига 19та телевизион канал ва 5та радиоканал дастурларини кўриш ва эшитиш имконияти яратилди.

Вилоятнинг олис ва чегара ҳудуди ҳисобланган Поп тумани Имом ота МФЙ ҳудудига жорий йилнинг март ойида "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали томонидан жами 11 км. ОТАЛ тортилиб, 128 портли MSAN қурилмаси ўрнатилди ва ушбу ҳудуд аҳолисига сифатли симли алоқа ҳамда

МФЙлари ва Учқўрғон туманининг Соҳил ва Деҳқонобод МФЙлар ҳудудларида аҳолига мобил алоқанинг 3G ва 4G сигналларини тарқатувчи 9та таянч база станцияси қурилмалари ўрнатилди.

Наманган вилояти ҳоимийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказларида мурожаатларни қабул қилиш бўйича барча шаҳар ва туманлар марказларидаги штабларда 1197 қисқа рақами ташкил этилди. Ушбу марказларда мурожаатларни қабул қилиш бўйича Наманган шаҳрида тунук фаолият юритувчи Call-марказ фаолияти йўлга қўйилиб, марказга 12та симли телефон нуқтаси тушириб берилди.

Дастурий мақсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг Наманган

## Нодир ЮСУФОВ:

# "ИТАЛИЯЛИКЛАРНИНГ АКСАРИЯТ УРФ-ОДАТЛАРИНИ ЎЗИМИЗНИКИЛАРГА ЎХШАТАМАН"

Ардуино компаниясидаги амалиётчи ҳамюртимиз билан суҳбат

"Хориждаги ватандошлар" лойиҳаси доирасидаги навбатдаги суҳбатдошимиз Нодир ЮСУФОВ. У Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини тамомлаган. Бугунги кунда Италиянинг Турин политехника университетининг муҳандисликда бошқарув йўналиши магистратура босқичида таҳсил олади.

**“**Уйлашимча, энди бизга тадқиқотларни охиригача олиб боришдан қўрқмайдиган, ўзига ишонган, ахборотни яхши таҳлил қила оладиган, ўз навбатида, хорижий тилларда эркин суҳбатлашиб, чет тилидаги информацияларни тўғри синтез қила оладиган мутахассислар керак.

— Нодир, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз - суҳбатни шундан бошласак.

— Болалгимдан аниқ фанлар, айниқса, физика ва математикага қизиққанман. Шу боисдан бўлса керак, 2-9 синфларда математика фани олимпиадасининг мактаб босқичида доим биринчи ўринни қўлга киритардим.

Бакалавр босқичини Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидан олдим. Дарвоқе, 2018 йилнинг баҳорги семестрини Global UGRAND дастури қолиби бўлиб, АҚШдаги Фарбий Виржиния университетидан ўқиганман.

Бакалаврни тамомлаб бир муддат Инновацион ривожланиш вазирлигида етакчи мутахассис сифатида ишладим. Ҳозирги кунда Италияда магистратура давом эттирялман.

— Нима учун айна Италияда ўқишга қарор қилдингиз?

— Магистратура муҳандисликда бошқарув йўналиши бўйича ўқиш бакалавр пайтимдаёқ режамда бўлган. Лекин айна Италияда ўқиш асосий мақсад эмас эди. Дастлаб муҳандислик соҳаси энг тараққий этган Германияда ўқиш учун ҳаракат қилдим. Афсуски, DAAD (Германия академик алмашинув) грант дастурининг сўнги босқичидан ўта олмадим. Бироқ тушунлиққа тушмаган ҳолда ҳужжатларимни Италиядаги Турин политехника университетида юбордим ва олийгоҳга қабул қилиндим.

Очиғи, ҳозир Италияга келганимдан афсусда эмасман. Бойси, мамлакатга келиб ҳукуматнинг аҳолига тенг яшаш шароити яратиб берганига гувоҳ бўлдим. Масалан, Италиянинг кичик қишлоқларига замонавий ва кондиционерлар билан жиҳозланган автобуслар қатнайди. Интернет, онлайн хизматлар каби оддий заруриятлар бутун мамлакат бўйлаб таъминланган.

Қолаверса, давлатда саноатни кластерлаб эмас, балки мутахассислик бўйича ривожлантириш ишлари ҳам саноатнинг аксарият йўналишларида мамлакатни аққол етакчи айлантиргани сезилиб туради.

— Юқорида Италияга кетишдан олдин Инновацион

ривожланиш вазирлигида ишлаганингиз ҳақида гапирдингиз. Италияда ҳам шунга ўхшаш вазирлик борми? Бор бўлса, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қандай?

— Билишимча, инновациялар ва уларни жорий қилиш учун алоҳида вазирлик ташкил этилмаган. Бироқ Италияда Таълим, университетлар ва тадқиқотлар вазирлиги айна шу соҳаларга давлат бюджетини йўналтириш, ушбу соҳалардаги янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва бошқариш билан шуғулланар экан. Менинг фикримча, асосий фарқ айна шундаки, университетлар инновациялар билан шуғулланиши анча олдин йўлга қўйиб олган ва бу ягона бир давлат бошқарув органи томонидан назорат қилинмайди. Яъни, ҳар қандай инновация кучли билимга эга профессорлар назорати остида ёш талабалар томонидан ривожлантирилади ва қачонки лойиҳа катта масштабда жорий қилинаётгандагина юқоридаги вазирлик грантлар ажратади. Ўзбекистонда эса ана шундай эркин ишлайдиган тизим эндигина барпо этила бошланди. Масалан, ОТМлар қошидаги технопарклар, коворкинг марказлари ва инновациялар бўйича проректорларни келтириш мумкин. Уйлашимча, энди бизга тадқиқотларни охиригача олиб боришдан қўрқмайдиган, ўзига ишонган, ахборотни яхши таҳлил қила оладиган, ўз навбатида, хорижий тилларда эркин суҳбатлашиб, чет тилидаги информацияларни тўғри синтез қила оладиган мутахассислар керак.

— Сизнингча, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун Италиядан нималарни ўрганиш мумкин?

— Очиғи, Италия Европанинг энг ривожланган мамлакатлари Германия ёки Норвегиячалик digitalized, яъни рақамланган мамлакат эмас. Айниқса, жанубий Италияда иқтисод тармоқларини рақамлаштириш даражасини юқори деб бўлмайди. Италия почталарида ҳалигача айрим тўловларни қоғозли чек орқали тўлаётган инсонларни кўришингиз мумкин. Уйлашимча,

биз айна саноатнинг янги рақамли тизимларини, онлайн платформалар, Industry 4.0 ва Internet of Things (IoT)нинг ҳозирги иқтисодиётимизга жорий этиши, яхшиси, Фарбий яримшардан ўрганганимиз маъқул.

Италиядан эса электрон пул ўтказмаларини, жамоат транспортдан фойдаланиш тўловларини рақамлаштиришни, электрон car-sharing тизимларини ўрганишимиз мумкин. Мисол учун айтадиган бўлсам, айна ҳозирги карантин пайтида онлайн дўконлар ва door-to-door — эшикдан эшиккача етказиб бериш хизматларининг қанчалик қулай ва арзон йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўлдим. Сизга мабодо кийим-кечак, хўжалик моллари, техника керак бўладими, харидни уйдан чиқмасдан, ҳеч кимга телефон қилмасдан бемалол амалга ошира оласиз. Етказиб бериш хизматлари кўпчилиги сабаб нархлар арзон. Сотиб олган нарсаларингиз қайси нуқтада, қайси ҳолатда турганини истаган вақтда муаммосиз track — кузатиб бориш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, агар уйда кам вақт бўлсангиз, шаҳар бўйлаб кенг тарқалган Amazon Lockerларни бемалол ишлатсангиз бўлади.

— Италияликлар ҳақида таассуротлар қандай ва улар Ўзбекистон ҳақида билишадими?

— Италияликларнинг аксарият урф-одатларини ўзимизникиларга ўхшатаман. Мисол учун, ҳафтанинг дам олиш кунлари нуронийлар бошчилигида бутун оила бир дастурхон атрофида тўпланиши, фарзандларга меҳр-эътибор кўрсатиши қабилирни айтишим мумкин.

Мен Италиянинг шимол қисмида яшайман. Бу ерда жанубдагиларга нисбатан одамлар кўп ҳам меҳмондўст ва очиқфезъл эмас. Яъни, кўчада камдан-кам саломлашади. Мулоқотларда ҳам ортиқча гап-сўзлар қилишмайди.

Италияга келиб яна бир эътиборини тортган жиҳат маҳаллий аҳолининг гоятда оилапарвар эканлиги бўлди. Масалан, дам олиш кунлари кўчаларда оилали эркекларнинг уйда телевизор кўришдан кўра, фарзандларига ҳавфсизлик каскаларини кийдириш скейтборд, ролик, велосипед мининши ўргатаётганини кўрасиз.

Шунингдек, маҳаллий аҳоли жисмоний фаолликка интиляшади. Айниқса, ёшлар ва қаришлар ҳам тонг саҳар эринмай туриб югураётгани, ҳатто, футбол

ўйнаётганига кўп бор гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон ҳақида эса маҳаллий аҳоли деярли ҳеч нарса билмайди. Аммо аксарият қариялар Ангело Брандуардининг "Самарқанда" номли кўшиғи орқали Ўзбекистоннинг бой тарихга эга эканлиги, ўзбек ошхонаси жуда кўплаб мазали таомлардан ташкил топганлиги ҳақида билишади.

— Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз ва китоб муталаасига ҳам ҳақсала борми?

— Ҳозирда ўқишдан ташқари саноат ва таълимда қўлланиладиган микросхемаларни ишлаб чиқарувчи "Ардуино" компаниясида амалиёт ўтаялман. "Ардуино" билан жорий йилнинг январ ойида 6 ойлик шартнома имзолаган эдим. Лекин корона-вирус сабаб орада бир муддат танаффус бўлди ва шартнома муддати сентябрь ойи охиригача узайтирилди.

Компаниядаги асосий вазифам Amazon онлайн платформасида контент яратиш, Германия, Буюк Британия, Италия, Франция, Испания ва АҚШ онлайн бозорларида микросхемаларга бўлган талабнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, талабга қараб нархларни белгилаш ҳамда ҳафталик ҳисобот топшириш кирди.

Китоб муталааси бобида, очиги, иш ва ўқиш билан бўлганим учун ҳозир бунга вақтим бўлмаяпти. Аммо вақт қилиб Уолтер Айзексоннинг 40дан ортиқ интервюлар асосида ёзилган Стив Жобс номи биографик китобини охиригача тугатиб қўйишни режалаштирялман.

— Керусидаги режаларингиз қандай?

— Келажақда албатта Ўзбекистонга қайтиб, соҳам бўйича фаолият юритишни мақсад қилганман. Лекин бу айна қачон амалга ошишини билмайман. Ўрганганларимни амалда қўллайдиган соҳалардан ишга тақлиф қилинсам, магистр дипломини олиб қайтишим мумкин. Лекин Европада шахсий ва профессионал ривожланшимга имконият яратадиган иш тақлифи бўлса, маълум муддат шу ерда ишлаб малака ошириш интиям ҳам йўқ эмас.

Албатта, ҳаммасини вақт кўрсатади.

Нурилло ТҶУТАСИНОВ суҳбатлашди



Зулфия МҮМИНОВА

Йўқ, қизалоқ бу чанг кўчалардан жуда кўп марта ўтди. Унинг олдидан икки дона конфет чиқмади. Кейинги йиллар у укаларини кўтариб ўтди. “Қанийди олдидан икки дона конфет чиқиб қолса эди, биттасини укамга берар эдим. Биттасини ўзим еяр эдим”.

Қизалоқ 9 ёшида онасидан жудо бўлди. Бир оилада етти гўдак ярим етим қолди. Энди бу чанг кўчалардан унинг кичкина юраги катта айрилиқни тўзга кўтариб ўтарди. Бу қизалоқ мен эдим. Саккизинчи фарзандини туғиш арафасида, қирқ уч ёшида вафот этган муштипар аёл – менинг онажоним эди. Онажонимнинг исми – Муқимтош эди. Бобом ва момонинг фарзандлари кетмакет нобуд бўлавергач, Аллоҳнинг розилигини сўраб, шу қизимиз ўлмасин, тошдек муқим турсин, деб Муқимтош дея атаган эканлар. Афсус, ўша бебаҳо тош ҳам бўлақланиб, бир коса сувдек тўкилиб кетди. Биз суяниб турган жуда улкан тоғ қулади. Етти гўдак ерпарчин бўлиб йиқилдик. Қанотларимиз қирқилди. Атрофимизда болалар парвоз айлаб, учиб юришар эди.

Бизнинг парвозимиз кечикиб кетди. Кейинчалик билсам, оналарининг бевақт ўлими туфайли юраклари яра бўлган гўдаклар Ўзбекистонда кўпчилик экан. Уларнинг оналари ҳам менинг онам каби ўша пайтдаги давлатга ҳам, ҳукуматга, раҳбариятга ҳам керак бўлмаган.

Худди шунингдек биз ўзбек болаларининг фожиаси ҳеч кимни ташвишга солмаган экан. Бизнинг оналаримиз, орзуларимиз, келажагимиз, соғлигимиз пахта деган яккаҳокимдан кейин, учинчи, тўртинчи, бешинчи...ўнинчи ўринларда турар экан.

Биз етти фарзанд ерга қараб ўсдик. Шу гўдаклар ўксимасин деб, ҳолимиздан хабар олиб, байрамларда янги кўйлақлар тикиб берадиган холам ҳам орадан уч йил ўтиб вафот этди. Унинг исми Сангул эди. Бу тошгул деганидир. Бечора бобом ва момом бу қизларини ҳам бевақт ўлмасин деб, шундай аташгани экан. Замоннинг аёл тақдирига бефарқлиги тошгулни ҳам чил-чил синдирди. Холам ҳам онам каби гўзал эди. Қишлоқдагилар уни ёшлигидан Паригод деб аташар эди. Холамнинг орқасидан ҳам етти фарзанд зор йиғлаб қолаверди. Йўқ! Биз билан ўн тўрт фарзанд қақшаб қолавердик. Юрагининг икки бўлагидан жудо бўлган, ўн тўртта набирасининг кўзларидеги қайғусини кўта-

**Нарпайнинг чанг кўчаларида бола кўтариб олган, бир қўлида катта тугунчали аёл далага, пахта чопигига кетяпти. Орқасидан уч ёшли сингилчасини қўлчасидан ушлаб олган олти ёшли қизалоқ. Дала шийони жуда узок. Қизалоқнинг оёқлари толиқиб кетади. Шундай бўлсада сингилчасини йўлайди. Сингилчасини гоҳ опичлаб олади, гоҳ туширади. Сингилчаси тушириши билан инжиқлик қилиб йиғлай бошлайди. Қизалоқ уни яна опичлаб олади. Бўйи энгашганидан тупроқ кўчадан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Орқасида сингилчаси, қизалоқ ерга қараб кетаётиб бир нарсани орзу қилади: “Қани энди олдидеги тупроқ кўчадан икки дона конфет чиқиб қолса эди. Биттасини сингилчасига берар эдим, биттасини ўзим еяр эдим”.**

## БУ ОЛАМДА ОҚ АТИРГУЛДЕК АЁЛ БОР ЭДИ...

ролмаган моможоним – Санобар знам ҳам холажоним вафотидан икки йил сўнг, адо бўлган омонатини Яратганга топширди.

Ана энди бизнинг ҳаётимизни, оҳ, эссизгина болагимизни тасаввур этаверинг. “Оналик етим гул етим, онасиз етим шўр етим” деган нақл бор эди эл ичида. Бу дегани онам тирик бўлса отасизлигинг билинмайди, агар онам йўқ бўлса, пешонангни шўри ўшадир дегани экан. Биз ўша шўрлик етим бўлиб ўсдик. Ҳали ҳам онасизлигим билинади... Ҳали ҳамон онаси борларни кўрсам онамни эслайман. Ҳали ҳамон биронинг онаси вафот этибди деса, ўшанинг олдига ҳаммадан олдин дод, деб борувчи шўрида бағирман, сарғайган сағирман...

Мен сабрман, мен бардошман. Мен умидман, мен орзуман. Истиқлолни, юрт эъзозини кўролмай, хазон бўлиб кетган юзлаб, минглаб Муқимтошларнинг Сангулларнинг, Тошгулларнинг тилагиман.

Истиқлолгача ўзбек аёл ким эди? Ҳаммаси деҳқон эди. Ҳаммаси пахтакор эди, чўпон эди, кийгани чопон эди. Нимжон бўлса-да, камқон бўлса-да, бола туғавериши керак бўлган, жони борлиги унутилган темир эди. У даладами, Уйдами, Аравадами, Юк машинасидами... туғавериши керак эди. Қон кетишиданми? Нафас етишмаслигиданми? Қон босимиданми? Жигар эзилишданми? Упка силиданми? Оддий кўричакданми? Улиб кетавериши керак эди, қирилиб кетавериши керак эди.

\* \* \*

Оиламизнинг еттинчиси Собиржон укам ҳали икки ёшга тўлмаган эди. Онажоним саккизинчисига ҳомилалор бўлдилар. Негадир у бу ҳолати учун биздан уялиб юрди. Қандайдир айбдордек. Ўша кезларидеги ҳолати гўё, бир ишни рухсатсиз қилиб қўйган гўдакдек, яъни пиллани билмай синдирганимий, сутни тўкиб юборганимий болчадек ҳадик билан юрарди. Биз эса яна битта укамиз бўлади деб, бундан хурсанд бўлдик. Биздан бошқа ҳеч кимни онамнинг саккизинчи болага ҳомилалорлиги қизиқтирмади. Ҳатто отам ҳам унчалик хурсанд эмасдек эди. Бечора онам чумолидек оғир меҳнат қилишдан тўхтамади. Ҳар икки куннинг бирида хамир қориб, тандир-тандир нон ёпар эди. Бизнинг унга раҳимиз келар, аммо у қилган оғир ишларни қила олмас эдик. Нон

ёпса тандирга гўзапо ташиб берар, кир ювса сиқилиб юборар эдик, холос. Отам кечкурун ишдан келардию овқатдан сўнг тошдек қотиб ухлар эди. Бирор марта онамдан “Аҳволинг қандай?” деб сўрамас эди. Онам кундан-кун оғирлашиб борар эди. Изғирин қиш кунларида ҳам у нон ёпиб, сигир соғиб, қуви пишишдан, етти бола ва эрининг кирини ювишдан озод бўлолмади. Кечкурунлари ҳолсизланиб ўтириб қолса, кичкинтой укам кўксига бош қўйиб оларди. Тўғри ҳали унинг ҳам она сутни оғзидан кетмаган эди. Унинг ҳам онасининг пинжиги тиқилишга, ҳидини ҳидлашга ҳаққи бор эди. Аммо, она сутидан эрта ажратилгани етмагандек, ўзи хоҳлаганчалик она бағрида бўлолмади. Гўдакнинг инжиқлигини, аразини онам тоқат билан кўтарар эди. Онамнинг асосий вақти тандирхона ва ошхона, молхонада ўтарди.

Рўзгорнинг ошхонаси ва тандирхонаси билан отамнинг ҳеч ҳам иши бўлмаган.

Қаҳратон қиш кунларининг бирида усти айвон қилиб ёпилмаган тандиримиз ёмғир ва қор таъсиридан уюб, қулаб тушди. Энди онам қишлоқнинг нарига томонидеги ота-онасининг уйига бориб нон ёпиб келар эди. Ўзимизнинг тандир нурамаганида нон ёпиб бўлгач, тандир чўғини сандалга солиб бизни иссиқ қулчалар билан сийлар эди. “Мана оёқларинг ҳам, ичларинг ҳам иссиқ бўлади”, – дердилар қувониб.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, онам бечора момонинг тандирида нон ёпиб, чўғини эски пақирга солиб бизга олиб келгани... Ўчоқ бошининг қорларини кураб, хўл ўтинларни минг бир азобда ёқиб, қорларни эритиб кир ювардилар. “Қорнинг суви яхши, кир тез оқаради”, деб хурсанд бўлар эди бечораганим. У аёзли қиш кунларини онам шундай азоб билан ўтказди. Бизнинг қишлоғимизда нонвойхона умуман бўлмаган. Буханка нонни эса одамлар станцияга чиқиб поездининг проводникларидан сотиб олар эди. У ҳам доимий эмас эди албатта.

Қиш туғаб, баҳор кириб онамнинг “ойу кун” яқинлаша бошлади. У ўзи хоҳласа ҳам илгаригидек чаққон ҳаракат қилолмас эди. Ўша оғир кун ёдимда. Эрталаб онам ўрнидан турай деб кўзголувди кўзи тиниб ўтириб қолди. Анча ўтиргач, ўзига келди ва нонушта тайёрлади. Отам ишга, акам ва опам мактабга кетди. Менинг дарсим тушиқдан кейин бошлангани учун уйда эдим. Ука-

ларимга қараб ўтирибман. Молхона томонга кетган онам соат 10ларда уйга кириб ётиб қолди. Менга “Югур қизим, момонгни айтиб кел. Момонг йўлда табиб Омоний аммини олиб келсин. Менинг тобим йўқ, тез келсинлар” деди. Мен шамол тезлигида онамнинг онаси Санобар момонкига югурдим. Момом онамнинг аҳволдан хабар топгач, Омоний аммамни эргаштириб бизниқига келишди. Онамда қон кетиш бошланиб аҳволи оғир эди. Шунда момом менга “Укаларингни Сангул холаманкига олиб бориб ўзини бу ерга юбор, уйдан бобонга ҳам айт, бу ерга келсин!”, деди. Мен укаларимни Сангул холаманкига қўйдиму бобомнинг олдига бордим, бобом “Оқ йўрга” лақабли отига мени мингаштириб етиб келди. Биз бобом билан уйга кирганимизда Омоний амма “Бечора тўғолмаяпти”, деди. Мен кўрқувдан ташқарига чиқиб йиғлаб, Худога илтижо қилиб ўтирдим. Ичкарида онам гоҳ хушидан кетиб, гоҳ ўзига келиб икки йўл орасига бориб келар эди. Ичкарида нима маслаҳат бўлдию бобом отига миниб уйлари томонга кетди. Ҳаялламай бобом ов милтигини кўтариб келдилар.

Бобом Омоний аммамнинг маслаҳати билан инс-жинсларни қувдимий, онамни хушига келсин дедимий, уйимиз бурчакларига қарата ўқ узди. Аммо, онам кўзини очмади. Қишлоқда телефон йўқ, “Тез ёрдам” машинаси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бир кишида енгил машина бор, у ҳам ишга кетган, ҳозир уйда йўқ. Уйдаги тахликали ҳолатдан хабар топгандай бир юк машинасини миниб отам ишдан қайтиб келиб қолди. Улар: отам, бобом, шопир ва Сангул холам онамни катта кўрпага солиб, тўрт томонидан кўтариб машинанинг бортига чиқардилар. Улар онамни туман маркази туғруқхонасига олиб кетишди. Юк машинасида онамнинг ёнида отам, бобом ва момом кетдилар. Мен билан уйда қолган холам йиғлаб-йиғлаб қип-қизил қон бўлиб ётган кўрпа-тўшақларни совуқ сувда чайиб сўрига ёйиб қўйдилар. Кечқурун эшитишимча онамни операция қилишиб ичидаги нобуд бўлган болани олиб ташлашди. Улик туғилган чақалоқни отам қандай дафн этганини айтишининг ўзи оғир... Операцияда бир кун ўтиб онам кўзини очган. Шифохонага бизни олиб боришмади. Фақат катталар бориб келар, аммо ҳеч бирининг ичига чироқ ёқса ёришмас

эди. Онам бир ҳафта шифохонада ўлим билан олишди...

1970 йил 9 март. Кечаси билан “Қолон” лақабли итимиз беҳосият увлаб чиқди. Эрта тонгда мудҳиш хабардан юракчаларимиз бўлак-бўлак бўлди. Уйимизга қариндошлар келиб дод, фарёд билан онамни сўнги бор ўз уйига “меҳмон” бўлиб келишига тайёргарлик қилишди, кейин тумонат одам йиғилганини эслайман. Кўздан ёшимиз дараддек оқди, аммо фойдаси йўқ. Онам билан бирга уйимиздан кўт-барака чиқиб кетди. У ўз топган даромадига қурилган янги ҳовлида яйраб яшамади. Онамдан кейин ҳовлимизда йиғирматалаб сигиру новвос, юзлаб парранда, сон-саноқсиз қўйу эчки боқилмади. Онамнинг вафотидан сўнг ундан қарз олган қишлоғимиз аёллари қарзларни бирин-кетин бизга бериб кетишди. Биттаси 11 сўм (ўша пайтда 4 килограмм гўштининг пули), бири 25 сўм, бири иккита қўйнинг пули ташлаб кетганини эслайман.

Мен бу инсонларда ҳақиқий муслималик этиқодини кўриб қойил қолганман.

\*\*\*

**О**нам оқ атиргулларни яхши кўрар эди. Ҳовлимизда эрта баҳордан то совуқ кузгача атиргуллар очилиб турар эди. Ҳама йили киш қаттиқ келиб атиргулларни ҳам совуқ уриб кетди. Ёзи билан ҳовли файзсиз турди. Бу йили баҳорда отам билан онам кўчат бозорига бориб оқ атиргул кўчатини олиб келмоқчи бўлишди. Афсуски, кўчатчи ўзида оқ атиргул кўчати йўқлигини, фақат қизил атиргул кўчати борлигини айтибди. Қуруқ қўл билан қайтмайлик, дея отам ва онам бор кўчатларни олиб қайтишди. Кўчатларни ҳафсала билан парваришладик. Ёзининг иссиқ кунларида атиргуллар гўнчалай бошлади. Ажойиб кунларнинг бирида чаплар уриб очилган атиргулларнинг тенг ярми оқ атиргуллар эканини кўриб ҳайратда қолдик. Онам яхши кўрган оқ атиргуллар. Биз бу муъжизанинг сири-синаотида етолмадик.


Отам атайлаб таниш кўчатчиникига бориб, “Холбой ака атиргул кўчатларингиз орасида оқ атиргуллар ҳам бор эдимиз?”, деб сўрабди. Холбой тоға эса “Йўқ, ўша келганингизда ҳам оқлари йўқлигини айтудим, мана ҳовлимни қаранг ишонмасангиз”, дея қизил атиргулларини кўрсатибди.

Не бўлганда ҳам ҳовлимизда онам яхши кўрган оқ атиргуллар очилиб ётибди. Тонгда туриб уларнинг ёнида дуо ўқилса улар шундай хушбўй таратадики, ҳатто йўлдан ўтаётган одамлар ҳам – ҳовлиларингдан атиргул ҳиди келади, деб ҳавас қилишди.

Ҳа, бу оламда оқ атиргулдек бир аёл бор эди. У атиргулдек назокатли, нафасатли эди. Уни қисматнинг совуқ изғирини хазон қилди. Уни замонининг шафқатсиз бўрони ҳалок этди. Уни лоқайдлик суғуриб отди.

Аммо, у кучли эди. У барибир кўкариб яшил япроқ ёзди. У барибир гўнча очди. У иллизини чуқур олган экан. Унинг ифори оламни тутади. У фарқи лаптофат, пайванди муҳаббат, соҳибаи жасорат эди. У йўқолиб кетмади. У йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ҳар баҳор унга қараб “Бу оламда оқ атиргулдек бир аёл бор эди. У менинг онам эди”, дейман.



**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

**П**ойтахтдан минг қақирим нарида адабий учрашув бўларкан. Бир гуруҳ адиблар сафидан мен ҳам борадиган бўлдим. Манзилни эшитиб юрагим шиг этди: “Илҳомнинг онаси ҳам қатнашади. Онаси менадан Илҳомни сўнги бор сен кўргансан... Айт, боламга нима бўлувди, болам сенга нима дедди... деб сўроққа тутати”, деган ўй ўтди хаёлимдан. Ҳатто онаизорнинг қиёфаси ҳам кўз ўнгимда гавдаланди.

Орадан ўттиз йилга яқин вақт ўтпти. Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани ҳақида гап кетса, тамом, Илҳомни эслайман. Мен ўша давлар, айни қирчиллама ёшимда, ўша ерда Мангит деган шахарча борлигини илк бор Илҳомдан эшитганман...

Самолётдан тушяпману ҳамон алланечук хавотир юрагимни тимдалаяпти. Худди кимдир мени таъқиб этаётганга ўхшайди. Елкамга кимнингдир кўзлари қадалиб тургандай бўлади. Илҳомнинг нигоҳи қадалиб қолган елкамга. Мен уни аниқ-тиниқ кўраман... Менинг оёқ-қўлим қалтирагандай бўлади: оний лаҳзада. Чунки Илҳомни елкамга кўтариб олганман. Агар мен Илҳомни олиб кетмасам, Илҳом бу ерларда қолиб кетади. Агар Илҳом қолиб кетса уни душман олиб кетади, уни нимта-нимта қилишади... Чунки... биз...

Хаёл инсонда қандай пайдо бўлади? Буни билмайман. Хаёлни инсон тизгинлай олмайди, хаёл инсонга бўйсунмайди, шуни биламан. Аэропортда машинага ўтираётганимизда гуруҳ бошлиғимиз ажабланди:

– Бизни кутиб олгани шу ернинг ёшулларидан бири ҳам чиқибди. Нега сўрашмадингиз?

– А-а?!  
– Эй-ей, нега паришонсиз? Тобингиз йўқми?

– Яхшиман. Бир гап, шу мен бошқа бирорта туманга борсам, бўлмасмикан? – Мумкинмас. Рўйхат кетган. Ўзгармайди.

Майли, рўйхатинг ўзгармаса ўзгармай кўя қолсан...

Машина сахрони қоқ ёриб ўтган йўлдан шамолни қайриб ўқдай учади. Бироқ саҳро жойидан қимир этмайди. Гўёки мен оёқ-қўлим боғлиқ, қисмат уловида ўзим хоҳламаган манзил сари ноилоҳ ва ноҷор ҳолда кетиб бормоқдаман.

Тақдир улоқтирса одам боласи палахмон тошига айланади, ўзи истама-

**Тавба қилдим, баъзида одамнинг хаёлидан ўтган воқеа содир бўлади. Шунинг учун ҳа, деб ёмон хаёлларга боравермаслик керак. Катта энам раҳматли: “Ёмон хаёл қамални, яхши хаёл ҳамални қақиради...” дер эди.**

**ВАТАН НИМА?**

ган жойга бориб тушаверади. Худди менинг, Илҳомнинг ёшлиги каби.

Хаёл яна менга, фақат менинг ўзимга томоша қўйиб беради – мен бу томошада ўзимни, Илҳомни кўраман.

...Тоғда жанг. Қиёмат қойим. Агар топтамоқчи бўлсанг ўзга юртнинг тоши ҳам, гиёҳи ҳам сенга қарши уруш очади – ўқ отади. Бировнинг юртига босқин қилган биз шўрликларга қарши ўша юртнинг ҳар бир майса, тоши, гилу қуми ўт очаяпти – бошимизда ўқбўрон гувланди. Кўз очолмаймиз. Харсанг панасига бош уришдан ўзга чора йўқ. Биз тепаликка чиқолмадик. Тоғ йўл бермади. Тоғ бизни ўз этагидан худди куртқумурсқани силкиб, тўки ташлагани каби пастликка улоқтириб ташлади – биз чекиндик, жонимиз халқумимизга тикилиб, эмаклаб-эмаклаб қочдик, шармисор бўлиб қочдик. Взводнинг ярми тутдай тўкилди, взводнинг ярми қирилмади кетди. Қирилганнинг жони, қирилмаганнинг юзидан қони кетди. Тоғ адоғига етдик-етдик деганда асаби дош бермади чоғи, Илҳом ўрнидан даст туриб пастга қараб югура кетди. У ўзини текисликдаги бутазор ичига урмоқчи эди. Бир маҳал жойида таққа тўхтаб қолди, бир қўлини ҳаволатиб, ортага бир силтанди-да, ониятда тек қотиб, кейин елкаси билан қулади. У ўқдан тез учаман деб ўйловди. Йўқ, у ўққа учди.

Мен юзтубан ҳолимда юзидан сўл қочган Илҳомни тортқилаб, судрай бошладим, у ихроқ азобидан нималардир деб гулдирардим. Ўзига юзимни босиб, бошини силайвердим, нега бундай қилаётганимни билмайман, шундай қилсам юзимдан ҳарорат, жонимдан жон ўтади, деб ўйлаган бўлсам керак-да. Шундай қилсам, унга энгил бўлади, у тирик қолади, деб ўйлаган бўлсам керак-да. Эй-ей, менинг фўрғина ёшлигим-а...

Илҳом ўқчий бошлади. Қон сизаётган лаблари пирпирарди. Ичидан ожив бир ингроқ отилди:

– Улигим... Улигим қолиб кетмасин... Олиб кет бу ердан.

Илҳомнинг сўнги гапи шу бўлди. Жони узилди...

– Шоир, нега хаёл суриб қолдингиз? Нуқусда қолмаганингизга хафасиз-а? – деди гуруҳбоши тиржайиб.

Мен нима гамдаману кўбизим нима дейди. У олис йўлда азоб тортиди деб ўйлаяпти. Ичимдаги сабр тоши чил сидади:

– Биз бу ерга нимага келдик, умуман Амударёга нега боряпмиз? – дейман томдан тараша тушгандай.

Гуруҳбоши эсанкираб қолади.

– Ватан, мустақиллик, келажак ҳақида гапиргани, халқ билан учрашгани, – дейди у авзойим бузуқлигидан энсаси қотиб.

– Ватан нима эканлигини мен ёшлигимда ҳис қилганман. Ватаннинг моҳиятини менга ўн саккиз ёшида жон бераётган дўстим ўргатган.

– Тушунмадим.

– Эҳтимол, тушунмаганингиз яхшидир. Тушунмайсиз...

– Бу нима деганингиз?  
– Ҳа раҳматли дўстим менга ўликлар ҳам ўз Ватанини соғинишини, ўликлар ҳам ўз танасини Ватан тупроғи билан қоришиб кетишини исташини, ўликлар ҳам Ватан танлашини ўргатиб кетган. “Жасадим бу ерларда қолиб кетмасин...” деб инграган аскар илтижосида инсон қалби изоҳлашга ожизлик қиладиган буюк бир туйғу бор... Биз ана шу туйғунинг ҳис қилишимиз керак.

– Нега бундай деясиз?  
– Менга Ватан моҳиятини ўргатган ўша ўғлон туғилиб ўсган тупроққа оёқ қўяпмиз. Ҳозир биз ўша ўғлоннинг овулдошлари билан учрашамиз, дедим.

Учрашув жонли кечди. Адабиётни, шоиру адибни севган элнинг қарсақлари зални ларзага келтиради. Менинг юрагим безовта, кўнглимда бир титроқ ҳадик... Залга аланглайман. Худога шукр, тадбир ниҳоя топди. Ўзимни энгил ҳис этиб ташқарига чиқдим.

Йўл четигаги машиналарга ўтиряпмиз. Орқа эшикни очиб, энди ичкарилайман деб турувдим, костюмим баридан кимдир тортгандай бўлди. Юрагим шув этди. Уғририлиб қарадим. Қаршимда озгин, новча, чўзиқ юзи ва тор пешонасини ажин босган, ботиқ ва тим қора кўзлари порлоқ, дурраси остидан чиқиб турган бир тутам қумуш сочи хечрасига ярашиқ, истарали, қирқ беш ёшлар чамасидаги аёлни кўрдим.

– Раҳмат сизга, деди у, – Манавини олинг, – эгнига мос ипақгул халат чўнтагидан конверт олиб узатди.

– Нима бу?  
– Йўлда кўрарсиз...

У бурилиб кетди. Мен машина ўриндига чўқдим. Машина жилиши ҳамон конвертнинг очдим. Титраб кетдим. Дўстим Илҳом иккаламизнинг жанг олтидан бирга тушган суратимиз қўлимни қуйдарга, бу оташ бутун борлигимни қилраб олганди.

– Тўхтатинг. Тўхтат! Тўхтат машинани! – деб қичқирдим.

Мен катта йўлнинг қоқ ўртасида анчага саррайиб қолдим. Сўнг оёқ-қўлим бўшашиб яна машинага ўтирдим.

Илҳом... менга баъзида айтар эди: “Омон-эсон борсак, синглим бизга гуртук қилиб беради. У гуртукни боплайди”, – дерди...

– Гуртук нима?, – дердим.  
– Хамир овқат. Курка гўшти солинади. Қорақалпоқларнинг “бешбармоғи”, – дерди у.

– Синглинг неча ёшда? – дердим.  
– Мендан икки ёш кичкина. Ўн олтига тўляпти, – дерди.

Сўнг менга қараб нўпаса қиларди: – Илжайма, нега илжайсан?

Йўл-йўлакай ўйлаб бордим: синглисининг исми нима эди? Исми нима эди? Нодирамиди? Назирамиди? Нигорамиди? Йўқ, Назира эди... Назира... Кўзларимда филқиллаб ёш айланади. Машина сахрони тарс ёриб ўтган йўлда учиб борарди...

# РАҚАМЛИ АВЛОД-2020

## Ёшларга энг зарур дарс ва кўникмалар берилади

Бутун дунё нохуш пандемия даврини бошдан кечириётганига қарамай, рақамли иқтисодийётни босқичма-босқич йўлга қўйиш замон талаби эканини, уни барча жабҳага татбиқ этиш эса кун масаласига айланганини асло унутмаслигимиз керак.

Буни англаган мутасаддилар ҳар дақиқани ғанимат билиб, турли лойиҳалар устида бош қотиришмоқда.

– Бугун ёшларимизда АКТ соҳасига бўлган қизиқишнинг кундан-кунга кучаяётгани қувонарли албатта, – дейди Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослашган мактаб директори Ҳилола Умарова. – Аммо бошимиздан кечирган ва шу кунларда анча юмшатишган карантин даврида айна ўқиб-ўрганиш палласидаги ўқувчи ёшларимизнинг маълум бир видеодарслар билан чекланиб қолгани эътиборли масала.

Яқин икки йилликда ҳукуратимиз ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг рақамли технологияларни давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожига кенг жорий этиш йўлидаги жадал сазй-ҳаракатларидан руҳланиб, биз ҳам Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослашган мактаб

ташаббуси билан илк бор Digital Generation Uzbekistan – нодавлат нотижорат муассаса қошида Online Digital Camp – “Рақамли авлод-2020” лойиҳасини амалга оширишни ният қилдик.

Online Digital Camp “Рақамли авлод-2020” – бу бепул онлайн оромгоҳ бўлиб, унга рўйхатдан ўтганлар замонавий технология бўйича билимларини янада мустақамлаш имкониятини қўлга киритади.

Беш кун (24–28 августгача) давом этувчи ушбу лойиҳада ёшларга АКТ соҳаси ривожининг замонавий тамойиллари ҳақида маълумотлар берилиб, иштирокчилар қўйидаги йўналишларда таълим олишади: веб-дастурлаш, мобил-дастурлаш, desktop-илловаси дастури, рақамли медиа ва маркетинг, дизайн, робототехника ҳамда фриланс.

– Ушбу лойиҳадан қўзланган мақсад ёшларга энг зарур дарс ва кўникмаларни бериш ҳамда уларни иш билан банд этиб, пул ишлаб топишга ҳам тайёрлашдир, –

дейди Ҳилола Умарова. – Иштирокчиларга 5 кун давомида 4 соатдан онлайн дарс ўтиб, яна иш билан ҳам банд этамиз. Бир кунлик режими қўйидагича: эрталаб 2 соат дарс, тушликдан сўнг фрилансерлик бўйича очик дарс, яъни бунда қандай ва қайси сайтлар орқали даромад топиш йўллари ўргатилади. Сўнгра йўналишлар бўйича яна 2 соат дарс ўтилади. Кечки пайтга эса махсус меҳмонлар таклиф этилган. Улар орасида IT соҳаси бўйича илгор тадбиркорлар, инвесторлар, ўз стартаплари билан катта ютуқларга эришган маҳаллий ва хорижий спикерлар ҳам бор. Меҳмонларимиз ўз маърузалари ва тажрибалари билан ўртоқлашиб, ёшларни қизиқтириётган саволларга жавоб беришади. Хуллас, жараённинг қизиқарли кечиши аниқ. Рағбат сифатида совғалар ҳам тайёрлаб қўйганмиз.

Ҳа, рақамли авлод лойиҳаси ўз олдига улуг мақсадларни қўйган: ёшларга билим бериш, йигит-қизларни илм олишга чорлаш, илгор IT технологияларни жамиятга татбиқ этишга кўмаклашиш, соҳа бўйича тўғри йўл кўрсатиш, таълим бериш, қолаверса, иш билан таъминлаш, йўналишни аъло даражада ўзлаштирганлардан гуруҳ тузиб, улар-

нинг IT компаниялар резиденти бўлишига ёрдамлашиш, қўллаб-қувватлаш ва, яна бир муҳим жиҳати, ушбу соҳада қизлар улушини ҳам кучайтиришдир.

– Онлайн мактабнинг ўз платформаси бор, – дейди Ҳилола Умарова. – Унга кўра рўйхатдан ўтган ўқувчиларгина танлаган йўналишлари бўйича дарс олишлари мумкин. Шу боис биз онлайн оромгоҳга ёшларнинг мақсадли келишларини, яъни бу йўналишда озгина бўлса ҳам қизиқиши ва билими борларнинг иштирок этишини мақсадли қилишларини, Чунки биз рўйхатдан ўтган фаол иштирокчиларимизга “Рақамли авлод-2020” рақамли сертификатларини топишарамиз. Лекин фриланс бўйича очик дарсларимиз ва кечки пайтга таклиф этилган меҳмонлар маърузаларида барча хоҳловчилар иштирок этиши мумкин.

Мактаб раҳбарининг айтишича, олдидан бу каби лойиҳаларнинг бир нечаси режалаштириб қўйилган. Ташкилотчиларга ушбу мақсадли қадамнинг бардавом бўлишини талаб, навбатдаги лойиҳалар хабарини интиқлик билан кутиб қоламиз.

Шоҳида ИСРОИЛОВА,  
“Xabar” мухбири

### ➤ ОНЛАЙН МУЛОҚОТ

## СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Бу йил жонажон Ватанимиз мустақиллигига 29 йил тўлмоқда. Ушбу шодиёналарга муносиб тайёргарлик кўриш учун мамлакатимизда қатор ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ҳам байрамолди тадбирлар уюштириляпти.



таси аъзоси Тўлқинжон Каримов иштирок этди.

– Айни кунларда ҳур Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг 29 йиллик шодиёнасини нишонлаш арафасида турибди, – деди мулоқотда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Ш.Узақов. – Ватанимиз равнақи йўлида олиб борилётган ислохотлар шуни кўрсатадики, биз ўзгаришлар, юксалишлар, демократик эркинликлар йўлида илдам қадамларни ташламоқдамиз. Айниқса,

охирги йилларда юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда ислохотлар, янгиланишлар амалга ошириляпти, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ижодкорлик потенциали кундан-кунга ўзини намойиш этмоқда. Инсон шуури, иқтидори қадр топаётган замонамизда яшаш, яратиш, меҳнат қилиш, ўсиш, юксалиш бахти бизга сизга аталган экан, бу имкониятлардан фойдаланиш, ғайрат ва шижоат билан шиддатли рақобат майдонида давлатимиз равнақиға хизмат қилиш бахтига муяссармиз.

Тадбирда курсантларга Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ва сўнги йилларда қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган ислохотлар, тараққиёт ва ўзгаришлар ҳақида аниқ ҳаётий мисоллар билан тушунтиришлар берилди.

Гулчеҳра ТУРСУНОВА,  
Тошкент ҳарбий прокурори  
ёрдамчиси адлия майори

### ➤ ҲАМКОРЛИК



## AMITY УНИВЕРСИТЕТИ ВА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” МАРКАЗИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги Amity университети ва “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси ўзаро ҳамкорлик Меморандумини имзолади.

Ушбу қарор замонавий ахборот технологиялари, шунингдек, таълим соҳасида ривожланиш учун сазй-ҳаракатларни бирлаштириш, Ўзбекистонда ахборот жамиятини янада ривожлантириш бўйича иш ва тадқиқот устуворлигига кўмаклашиш шартномалари асосида кучга кирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга аҳамият берилган иқтидорли ёшларни самарали ривожлантириш бора-сидаги сазй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази техник инфратузилмани янада ривожлантиришининг янги ва устувор йўналишларидан биридир.

Яқин ҳамкорлар сифатида давлат муассасаси ҳар бир талабанинг тажриба орттириши ва давлат миқёсидаги лойиҳаларда иштирок этиши учун катта имконият яратади.

### ➤ АБИТУРИЕНТ-2020

## ОТМЛАРНИНГ БАКАЛАВРИАТИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИГА АЙРИМ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Ҳукумат қарори (499-сон, 21.08.2020 й.) билан олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низома ўзгартариш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳақда “Ҳуқуқий ахборот” канали хабар бермоқда.

Қарор билан Бадий академиянинг тасвирий

санъат бўйича республика танлови ғолиблари ОТМга танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши бекор қилинди. Низома киритилган қўшимчаларга кўра:


– Бадий академиянинг тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича республика танлови

ҳамда мазкур йўналишлардаги халқаро танловларнинг ғолибларига Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли ОТМларнинг касбий (ижодий) имтиҳонларида соҳа бўйича энг юқори балл белгиланган фонддан максимал балл олиш имтиёзи берилади; – агар касбий (ижодий) имтиҳонларда энг юқори

балл бир неча фанлардан белгиланган бўлса, абитуриентга имтиёзли максимал балл олиш учун фанлардан бирини танлаш ҳуқуқи берилади;

– агар айрим таълим йўналишларида 1та фонддан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш белгиланган бўлса, абитуриентга мазкур фан бўйича максимал балл берилади.





Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим тармоғи – ахборот-коммуникация технологиялари ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур йўналишда комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, юртимизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиляпти. Хусусан, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича Бухоро вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазвор.

Бухоро вилоятида 2020 йилнинг январь-июн ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 195 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106 фоизга ўсди.

# ОЛТИ ОЙДА 195 МИЛЛАРД СЎМЛИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛДИ

## Рақамли иқтисодиёт, тадбиркорлик

Вилоятда бу йўналиш доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Бухороагрокластер” МЧЖ фаолиятида SMART-MAP – масофадан туриб ерни бошқариш” ахборот тизимини жорий этиш ишлари олиб борилляпти. Мазкур ахборот тизими МЧЖ томонидан россиялик дастурчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳа Бухоро вилоятида сировдан ўтказилганидан сўнг, бутун республикада жорий қилиниши режалаштирилган.

Электрон тижоратни янада ривожлантириш мақсадида lemala.uz, mittivo.uz каби интернет дўконлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 100га яқин товар ва маҳсулотлар электрон савдо платформаси орқали истеъмолчиларга арзон нархларда етказилади.

Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК томонидан АКТ-DOC электрон ҳужжат айланиш тизими жорий қилинди. Ахборот тизимида жами 402 нафар фойдаланувчи аъзо бўлиб, 500дан ортиқ ҳужжат электрон базага киритилган.

Вилоятга ташриф буюрадиган меҳмонларга қўлайлик яратиш мақсадида mybooking.uz манзилида меҳмонхоналарни онлайн брон қилиш тизими яратилиб, ушбу тизим 142та меҳмонхонада жорий этилди. Шунингдек, вилоят диагностика марказида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида махсус дастурий комплекс жорий қилинди. Ушбу дастурий комплекс ёрдамида электрон навбат, беморларни рўйхатга олиш, таҳлил натижаларининг электрон базасини шакллантириш имкониятлари мавжуд. Бугунги кунда мазкур дастурий комплекснинг маълумотлар базасига 3500дан ортиқ беморлар тўғрисида маълумотлар киритилган.

Тиббиёт муассасаларида дори-дармонлардан фойдаланишни назорат қилиш, уларни харид қилишда маҳаллий бюджет маблағларини тежаш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан махсус ахборот тизими жорий қилинди. Ушбу ахборот тизимига 41та тиббий муассаса уланган, дори-дармонлар тўғрисидаги 500дан ортиқ ёзувлар маълумотлар базасида қайд этилган.

Бухоро вилояти прокуратураси ташаббуси билан вилоятдаги фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва хатловдан ўтказиш, ишга тушириш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича дастурий маҳсулот ишлаб чиқилиб, прокуратура органларида жорий қилинди. Мазкур дастурий маҳсулотнинг маълумотлар базасига 2127та объект тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар объектларнинг 250таси ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Бухоро вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси томонидан мазкур ахборот тизимини жорий қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят бўйича 11 304та фаолият юритувчи ташкилотнинг масъул ходимларига ахборот тизимидан фойдаланиш кўникмаларини ўргатиш бўйича 374та семинар-тренинг ўтказилган. 2020 йил 2 июн ҳолатида 25 минг 194та юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан тизимга 260 минг 287 нафар ходимлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирлари доирасида вилоятдаги 10та карантин зонаси (тиббиёт муассасалари) 10 дона планшет қурилмаси ҳамда мобил алоқа операторларининг сим карталари орқали 50 гигабайтлик интернет пакет билан таъминланди.

Пандемия шароитида аҳолига янада қўлайлик яратиш, электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида elak.uz манзилида озиқ-овқат маҳсулотлари интернет дўкони ишга туширилди. Ушбу интернет дўкон орқали 300дан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини онлайн харид қилиш имконияти яратилди.

## Таълим, ёшлар, компьютер саводхонлиги

Бухорода аҳолини IT мутахассисликлар бўйича ўқитиш ва компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш учун замонавий инфратузилма билан жиҳозланган янги IT-марказ ишга туширилди. Ушбу марказнинг очилиши 100дан зиёд янги IT-корхоналар очиш, 35 мингдан ортиқ янги тингловчиларни қабул қилиш ва 1000дан зиёд давлат хизматчиларининг малакасини ошириш имконини беради. Ҳукуматчилар ахборот технологиялари бўйича малакаларини ошириш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Dubai Future Foundation жағғармаси билан ҳамкорликда “Бир миллион дастуричи” – UzbekCoders.UZ лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят бўйича мазкур портал орқали рўйхатдан ўтганлар сони 1321 нафарни, иштирокчи сертификатига эга бўлганлар сони 83 нафарни ҳамда битирувчилар сони 35 нафарни ташкил этади.

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2019 йилда Қогон шаҳрида Рақамли технологиялар ўқув маркази ишга туширилди. Ҳозирги кунга қадар марказ томонидан ташкил этилган ўқув курсларида

жами 291 нафар (2019 йилда – 178 нафар, 2020 йилда – 113 нафар) ёшлар иштирок этган. Шундан, 132 нафар (2019 йилда – 90 нафар, 2020 йилда – 42 нафар) тингловчига сертификатлар топирилган.

Вилоятдаги 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг 20 фоизи (99 минг нафари)ни компьютер технологияларини чуқур ўрганишга жалб этиш мақсадида вилоятдаги жами 466та умумтаълим мактаби, 78та касб-хунар коллежи, 4та олий таълим муассасаси ҳамда улар қошидаги 3та академик лицей АКТ ўқув марказлари ва компьютер технологиялари, киберспорт тўғрақларини ташкил этиш дислокациялари ишлаб чиқилди. Бугунги кунга қадар вилоятдаги таълим муассасаларида (мактаб, коллеж, ОТМ) жами 50 минг нафар ёшлар “Компютер технологиялари” тўғрақларида иштирок этди.

## Телекоммуникациялар

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш лойиҳаси доирасида “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали томонидан 2020 йил давомида мавжуд телекоммуникация тармоғини кенгайтириш мақсадида Бухоро вилояти бўйича жами 1 252 км. оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Шундан 540 км. узунликдаги кабеллар инфратузилма объектларини телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш учун тортилган. Бундан ташқари, “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида вилоят бўйича 194та янги замонавий MSAN русумли станциялар ўрнатилди. Натижада кенг полсосали хизматларга уланиш портлари сони 54 416тага оширилди ҳамда интернет хизматига уланишнинг ўртача тезлиги 6 Мбит/сониядан 40 Мбит/сониягача оширилди.

Ушбу лойиҳа доирасида вилоятнинг телефонлаштирилмаган ҳамда олд ҳудудларини телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш мақсадида GPON технологияси бўйича 66 560 портга мўлжалланган 54та OLT қурилмаси ўрнатилиб ишга туширилди.

Ижтимоий соҳа муассасаларини юқори тезликдаги телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш мақсадида 572та халқ таълими объектидан 441та сифа (77 фоиз), 386та мактабгача таълим объектидан 237 тасига (61 фоиз) ҳамда 280та соғлиқни сақлаш объектидан 187тасига (66 фоиз) юқори тезликдаги интернетга улаш учун оптик толали алоқа линияларини тортиш ишлари тўлиқ амалга оширилди.

Магистрал тармоқни кенгайтириш бўйича: маълумотларни узатишнинг умумлашган тезлиги вилоят даражасида 4 марттаба – 400 Гигабит/сониягача, туманлар даражасида 4 марттаба – 40 Гигабит/сониягача оширилиб, тест тартибида ишга туширилди.

## Мобил алоқа

Вилоятда мобил алоқа операторлари томонидан 1 340та база станцияси ўрнатилган бўлиб, 1 млн. 330 мингдан ортиқ абонентага мобил алоқа (овозли) хизматлари, 800 мингдан ортиқ абонентларга мобил интернет хизматидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Йил бошидан ҳозирги кунга қадар мобил алоқа компаниялари томонидан 76та база станциясида оптимизация ва модернизациялаш ишларини бажариш, 14тасида қўшимча янги база станцияларини ўрнатиш орқали вилоятда мобил алоқа қамрови 99,6 фоизга ва мобил интернет қамрови 74 фоизга етказилди. Шунингдек, Шофиркон туманидаги олис ва бориш қийин бўлган Чуруқ аҳоли масканига “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали томонидан 3G ва 4G база станцияси ўрнатилиб, мазкур ҳудуддаги аҳолини юқори тезликдаги интернет қамрови билан тўлиқ таъминланди.

## Телевидение

Рақамли телевидение тармоқларини ривожлантириш бўйича вилоятнинг аҳоли масканлари 100 фоиз рақамли телевидение сигналлари билан қамраб олинган.

2017 йилдан бошлаб UZDIGITAL TV компаниясининг Бухоро шаҳрида сотиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўлими фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда тижорат телеканаллари хизматларидан фойдаланувчилар сони 7544 нафарни ташкил этмоқда.

## Ижтимоий ҳимоя

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, карантин муносабати билан ишсиз, даромадсиз қолган аҳоли вакиллариغا зарур озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида Бухоро вилоятидаги Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказларида 1197 қисқа рақами ташкил этилди. Шунингдек, аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарларда аҳоли муурожаатларини қабул қилишга мўлжалланган қўшимча телефон рақамлари ишга туширилди.

Туризмни ривожлантириш йўналишида сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган жойларда сайёҳлар учун почта хизматларини кўрсатадиган, почта товарлари, марка ва марказланган маҳсулотлар ҳамда филателия маҳсулотларини сотиш ишларини амалга оширадиган почта шахобчаларини ташкил этиш бўйича тегишли режа тасдиқланган бўлиб, унга асосан “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Бухоро филиали томонидан “Бухоро халқаро аэропортида”, Арк кўрғонидан, “Тоқи Заргарон” ва “Тоқи Саррофон” мажмуаларида сайёҳлар учун шахобчалар ташкил қилиниб, бугунги кунда миждозларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

**Фахриддин АЛЛАЕВ,**  
АКТ вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи



**MIKROKREDITBANK**



**1**  
**сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Мустақиллик куни*

**“Микрокредитбанк” жамоаси энг улуғ ва энг азиз байрам бўлган**  
**Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг**  
**29 йиллик шодиёнаси билан**  
**Сиз азиз ҳамюртларимизни муборакбод этади.**  
**Сизларга мустақкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!**  
**Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

**МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИ АРАФАСИДА**  
**“МИКРОКРЕДИТБАНК” ТОМОҒИДАН АЖОЙИБ**  
**ЯНГИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ**



ЭНДИЛИҚДА НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БАЛКИ  
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲАМ МАСОФАДАН ТУРИБ КРЕДИТ  
ОЛИШЛАРИ МУМКИН. ЯЪНИ ТАДБИРКОРЛАРГА  
“МКВ MOBILE BUSINESS” ЁКИ “INTERNET BANKING” ИЛОВАЛАРИ  
ОРҚАЛИ БАНККА КЕЛМАСДАН ОНЛАЙН КРЕДИТ  
ОЛИШ ИМКОНИАТИ ЯРАТИЛДИ.

**КРЕДИТ ФОИЗИ: 21 %**  
**КРЕДИТ МУДДАТИ: 12 ОЙ**

**МИКРОКРЕДИТБАНК – МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!**



# БИЗНИ КИМ ҚУТҚАРАР ХАТО ЙЎЛЛАРДАН?

**Юртимизда пандемия бошланганига ярим йил бўлди. Бутун дунёга кутилмаганда бостириб келган бу вирусга тиббиёт ходимлари сунъий касаллик, деб баҳо берса, мусулмонлар, “Гуноҳларимиз кўпайиб кетди, шунинг учун Яратган бизга синов қилиб юборди”, дея қабул қилди.**

## Ўрганган кўнги, ўртанса кўймас

Ҳақиқатан март ойининг охирида бошланган карантин қоидаларидан сўнг кўпчилик ўз хатти-ҳаракатларини ўйлаб, яшаш тарзини тарозига солиб кўриши учун бир имконият эшиги очилди. Одамларда бир муддат бир-бирларига озор бериш, алдаш, жароҳат етказиш тингандек бўлди. Минг афсуслар бўлсинки, бу ҳолат узок давом этмади. “Ўрганган кўнги, ўртанса кўймас”, деганларидек, айрим одамлар аввалдан касбга айлантириб олган фирибгарлик, ўғрилиқ, фоҳишабозлик каби одатларини ҳамон давом эттиришмоқда.

Юқоридаги мулоҳазаларнинг исботи сифатида, Олий суд мутасадди раҳбари берган хабарга кўра, 2020 йилнинг биринчи ярмида қўшмачилик қилиш, фоҳишахона сақлаш, транспорт воситаларини ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидадини бузиш, фирибгарлик, ўғрилиқ, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари ошганини келтириб ўтиш мумкин.

Маълумотга кўра 2020 йилнинг биринчи ярми давомида 12748 нафар шахс судланган. Бу кўрсаткич 2019 йилда 14733тани ташкил қилгани, жорий йилнинг биринчи ярмида судланганлар сони 1985тага ёки 13,5 фоизга камайганини кўрсатади.

Бироқ жиноят турига қараб таҳлил қилинганда жорий йилнинг биринчи ярмида қўшмачилик қилиш, фоҳишахона сақлаш жиноятлари 38тага, безорилик жиноятлари 174тага, фирибгарлик 14,2 фоизга, ўғрилиқ 11,2, гиёҳванд моддалар билан муомала қилиш жиноятлари 6,2 фоизга ошганини кўриш мумкин.

## Қоидабузарлик

Бир ой кучайтирилган карантин ҳолатида уйда ўтирдик. Дам олиш кунлари эса зарур бўлмаган ҳолатда одамлар ва транспорт воситаларини ҳаракатланишига чекловлар белгиланди. Аммо шунга қарамай ҳар куни йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани кишини ажаблантирди.

Тошкент шаҳар ИИББ маълумотига кўра, 2020 йилнинг 1 январ кунидан 7 июлига қадар Тошкентда 320та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган. Шулардан ўлим билан боғлиқ ҳодисалар 36тани ташкил этади. Бунда асосий сабаб қилиб тезликни ошириш, қарама-қарши ҳаракат йўлига чиқиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш кўрсатилган.

## Қайси жиноят турига киради?

Юқорида санаб ўтилган жиноятларнинг барчасини номи бор. Аммо дунёда ўз фарзандини сотишдек қабих жиноят тури борки уни қандай ном билан аташни ҳам билмайди одам. Ўз

фарзандини сотган аёлларнинг аксарияти пулга муҳтожлигини рўқач қилишади. Афсуски, улар ўзларини алдашади. Бу муҳтожликдан эмас, меҳрсизлик, жаҳолатдан дарақдир.

13 июл кунги ижтимоий тармоқларда берилган хабарга кўра, Сурхондарёда чақалогини 10 млн. сўмга сотмоқчи бўлган аёл ушланган. Ёки 28 июл куни Тошкентда 3 ойлик фарзандини сотётган она қўлга олингани хабар қилинган. 21 ёшли аёл ўзининг 3 ойлик фарзандини 5 минг АҚШ долларига сотётганида қўлга олинган. Ахир бу аёллар сотилган боласи харидор қўлида не кўйга тушишини билармикан? Бир муддат боласининг аҳолини кўз олдига келтирармикан? Биладди, ҳаммасига ақли этади, аммо нафс кургур устунлик қиладди. Наҳотки, шундай синовли паллада ҳам бу аёллар гуноҳга ботишдан қўрқмаса?

## Фирибгарлик...

Узоққа бормаёлик ёки ижтимоий тармоқларга мўраламайликда бу ҳолатга ўзимизни кундалик ҳаётимиздан мисол келтирайлик. Куни кеча Кўйлик дехқон бозорига тушдим. Картош каларнинг сараси 4,500 сўм экан. Сотувчи билан нархни пасайтириш учун талашмадим. “Менга мана шу юқорида териб қўйганларингиздан тўрт килограмм беринг”, дедим. Телефоним жиринглаб қолгани учун бир муддат кўнғироққа жавоб бериш учун чалғиб қолдим. Қарасам со-

тувчи челака пасдан ёрилган, чириган картошкани сояпти. “Бу нима қилганингиз, шундай шароитда ҳам одамларни алдашдан, гуноҳга ботишдан қўрқмайсизми?” десам, “Менга насиҳат қилма, хоҳласанг ол, хоҳламсанг олма”, дейди. Менга алам қилгани нима биласизми аёлнинг бу қилиғини атрофидаги сотувчилар ҳам оддий қабул қилишди, ҳеч ким фикр билдирмади. Демак, торозудан уриб қолиш, бировнинг ҳақига кўз тикиб яшаш айрим сотувчиларнинг қон-қонига сингиб кетган. Уларни ҳеч нарса бу йўлдан қайтара олмаслиги кишига алам қиладди. Бундай олибсотарлар билан харидорлар тенглашиб ўтирмай, жазоингни Оллоҳ берсин, деб кетишдан бошқа илож тополмайди. Бу аёлку бозордаги соябон тагида ўтириб, нари борса 3-4 одамни алдар, панд берар, аммо бундай юлғичли ҳолат эл озгига тушган супермаркетларда ҳам содир бўлаётганига нима дейсиз?

Ҳамкасбим яқинда пойтахтдаги супермаркетлардан бирига кирган ва хрен барглариининг бир килограмми 200 минг сўм деб ёзилган ёзувга кўзи тушиб қолибди. Менежерни қақриб: “Бу нимаси, ахир хрен далада ўсадиган оддий барг бўлса. Одамлар оляпти деб шунча нарх кўясизларми? Чет элдан олиб келинаётгани йўқку” деган. Йигит, “Биз оддий ишчимиз, раҳбарлар қўйиб берган нархда сотамиз”, деган. Хуллас ҳамкасбим дўкон раҳбарини қақирган ва хрени истеъмол қилиш ҳаммининг соғлиғига ҳам тўғри келмаслигини, кўпчилик одамларга ёрдам бериш ўрнига ошқозонидаги яраларни кучайтириб юбораётганини айтгач, дўкон раҳбари

хренинг нархини камайитиришга ваъда берган.

## Шу ўринда...

Яна бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтишни жоиз деб топдим. Утган ҳафтада ижтимоий тармоқларда нотаниш аёл дарс ўтаётган жараёнини телефони-га суратга олаётган вақтда унга халал берган болага кўпол сўз билан бақиргани акс этган видеоролик тарқалиб, муҳокама ҳамда қулгуга сабаб бўлди. Халқ таълими вазирлиги ушбу роликдан сўнг интернет фойдаланувчиларига ўқитувчиларни беҳурмат қиладиган турли роликларни тайёрлаб тарқатиш ўрнига, болаларда устозга ҳурмат ҳиссини уйғотадиган видеоларни суратга олиш таклифи билан чиқди. Бу ўринли таклиф, аммо интернет фойдаланувчилари бунга амал қилишармикан?


Бухорода 21 ёшли қиз йигитига юборган суратлари сабабли товламачилик қурбони бўлди. 31 ёшли Г.Б исмли аёл ўзининг 21 ёшли Ж.К исмли таниши ёқтирган йигитига шахсий фотосуратларини юборганини кўрган аёл бу ҳақда Ж.Книнг ота-онаси ва бошқаларга айтиб, шарманда қилиш билан кўрқитиб апрел ойдан 20 июлгача ундан 3700 АҚШ доллари, умумий баҳоси 20 000 000 сўм бўлган 1 дона тилло занжир, 3 дона аёллар тилло узуги ҳамда 1 дона аёллар тилло зирагини олган. У бу билан чекланиб қолмай яна 1 000 АҚШ доллари талаб қилган ва ушбу пуллардан 200 АҚШ долларини олаётган вақтда ушланган.

Хуллас, бу каби жиноятлар ва кўнғилсиз воқеаларнинг барчаси пандемия даврида содир этилган. Ва бу давом этапти. Куни кеча Zamoq информатсион кўрсатуви орқали берилган икки қўшни аёллар никоҳ таллашиб, бир-бирлари билан ёқалашгани ва бунга ички ишлар ходимлари аралашгани ҳақидаги лавҳани кўриб ёқа ушладим. Билага кучга тўлган йигит эса эски келишмовчилик сабабли қоровул бўлиб ишлаётган кекса қариндошини аямасдан тепкилаб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилингани ҳақидаги лавҳа эса ваҳшийликдан бошқа нарса эмас.

Биз ҳамон бировнинг хатосидан кулиб, завқланиб, буни бошқаларга ҳам улашиб яшашни канда қилмаяпмиз. Бундай қабихликлар орқали COVID деб аталмиш вирусни бўғзимизга янада қаттиқроқ ўрнашиб олишига йўл очиб бераёلمиз. Қачон яхшиликларни тарғиб қилишни ва яхши инсонлардан ибрат олиб яшашни ўрганамиз? Қачонки биз ўзимизни ўзимиз тарбияламас эканмиз, хатолашимиз, гуноҳларимиз кўпайишига йўл очаверади. Билас, ҳеч ким бизни хато йўллардан қутқариб қололмайди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
журналист

## 20 ЭЛЕКТРОННЫЙ ТЕНДЕР

У ОПЕРАТОРА ПО ГОСУДАРСТВЕННЫМ ЗАКУПКАМ  
ПОЯВИЛСЯ КОНКУРЕНТ

ООО XT-Xarid *technologiyalari* создала альтернативную электронную платформу по организации электронных конкурсов и электронных тендеров. Об этом сообщила пресс-служба Министерства финансов.

Теперь заказчики и поставщики могут проводить электронные тендеры и конкурсы как на УзРТСБ, так и на *tender.mf.uz*. Сравнив возможности альтернативных систем и качество обслуживания, они вправе выбрать ту электронную платформу, ко-

торая больше соответствует их потребностям.

Создание альтернативной платформы повысит качество услуг, увеличит развитие конкуренции среди операторов электронных закупок, считают в министерстве.

Системы конкурсных и тендерных торгов используют бальный метод и метод наименьшей цены. Заказчики могут сами выбирать один из двух, определять критерии оценки предложения претендентов:

- количественные показатели (количество специалистов, стаж работы на рынке,

цена, срок поставки и др.) оцениваются системой автоматически;

- качественные (экспертные) критерии оцениваются членами конкурсной (тендерной) комиссии, которые смогут работать удаленно.

Сейчас на платформе уже проведены первые торги. Регистрация в системе открыта для всех заказчиков и поставщиков. Существует также демонстрационная версия системы, в которой можно провести пробные торги, и специалисты могут оттачивать свои навыки работы в электронной системе.

## В ВИРТУАЛЬНАЯ КАССА

В РЕЕСТР ОНЛАЙН КОНТРОЛЬНО-КАССОВЫХ УСТРОЙСТВ ДОБАВЛЕНЫ

# ТРИ НОВЫЕ МОДЕЛИ

В реестр онлайн контрольно-кассовых устройств добавлены три новые модели (*Cashbox*, *Uzkass-185*, *Fiskalbox*), теперь их стало восемь, сообщили в пресс-службе Государственного налогового комитета.

Увеличился и список виртуальных касс — с включением *Set Retail-10* и *Artix* их количество также достигло восьми.

Каждая модель и версия отличаются друг от друга взаимодействием с бухгалтерскими программами, степенью автоматизации учета имеющихся и реализованных товаров. В комитете надеются, что эта информация позволит сделать оптимальный выбор (кликните на картинку для увеличения):

Переход на онлайн-ККМ и виртуальные кассы проходит поэтапно. Первыми стали компании, продающие алкогольную и табачную продукцию, лекарства, бензин, дизельное топливо и газ для автомобилей. Срок — до 1 января 2020 года.

Вторыми стали компании, чья выручка по итогам прошлого года превысила 5 млрд. сумов — срок до 1 августа 2020 года.

Следующими станут компании, чья выручка по итогам прошлого года превысила 100 млн.



сумов либо в течение года достигла этого предела — срок до 1 января 2021 года.

Все остальные компании перейдут до 1 января 2022 года. Предприниматели, перешедшие на онлайн-кассy, получают преимущества.

## Коротко



Microsoft поменяет интерфейс Windows 10. Компания Microsoft на днях выпустила обновление Windows 10. Изучив файлы базы данных Microsoft Program Database, энтузиасты пришли к выводу о том, что в настоящее время Microsoft проводит внутреннее тестирование обновленного дизайна ключевых функций операционной системы.

Если догадки верны, то в будущем Windows 10 может получить окна с закругленными углами, новые кнопки, больше элементов дизайна Fluent Design и несколько новых компонентов пользовательского интерфейса.

\*\*\*

Оppo оснастит самый тонкий смартфон 2020 года шестью камерами. Компания объявила, что скоро представит F17 Pro в Индии. Компания позиционирует его как «самый элегантный телефон 2020 года», поскольку он имеет толщину 7,64 мм и вес 164 грамма. Oppo еще не раскрыла полную спецификацию F17 Pro, но опубликовала короткий видеоролик, который не только подтверждает существование F17, но и раскрывает дизайн линейки F17.

Видео показывает, что линейка Oppo F17 будет упаковывать дисплей с отверстием в форме таблетки в верхнем левом углу для двух камер. Как и предполагалось, на задней панели расположены четыре камеры, расположенные в форме квадрата, со светодиодной вспышкой с правой стороны.

\*\*\*

Apple имеет более половины выручки на мировом рынке умных часов. На растущем рынке умных часов Apple продолжает удерживать первое место, и ни один производитель даже не приблизился к доле рынка Apple Watch.

Согласно новым данным Counterpoint Research, на Apple Watch приходилось примерно 51,4% выручки мирового рынка умных часов в течение первых двух кварталов 2020 года. Это даже не близко, так как устройства Garmin и Huawei были следующими на очереди с 9,4% и 8,3% соответственно.

\*\*\*

Человечество исчерпало годовой запас возобновляемых ресурсов. Ученые из Потсдамского института изучения климатических изменений сообщили о том, что человечество к 22 августа уже исчерпало годовой запас возобновляемых ресурсов. Так, сейчас люди начнут пользоваться источниками энергии «в долг».

Исследователи занимаются вычислением точной даты конца ресурсов ежегодно. Несмотря на то, что в 2020 году человечество уже к 22 августа исчерпало все запасы, которые способны возобновиться в течение года, это является неплохим показателем относительно прошлых лет. К слову, в 2000 году люди исчерпали годовые запасы 23 сентября, тогда как в 2009 году это случилось уже 18 августа, а в 2019 году и вовсе 23 июля.

Согласно данным источников, связано изменение даты конца запаса ресурсов с пандемией коронавирусной инфекции. Так, введение карантинных мер позволило уменьшить потребление запасов на 10%, по сравнению с 2019 годом.



## В СУПЕРМАРКЕТАХ МАКРО ПОЯВИЛИСЬ ОНЛАЙН-КОНТРОЛЬНО-КАССОВЫЕ МАШИНЫ

Сеть супермаркетов Макро завершила процесс по внедрению онлайн-ККМ, сообщает Spot.

Онлайн-контрольно-кассовые машины и виртуальные кассы удобны тем, что выдают чеки с уникальным QR-кодом и фискальным знаком. Отсканировав размещенный код, можно перейти на сайт с информацией о дате покупки,

количестве купленного товара и сумме платежа.

Предлагаемый сервис сохраняет в базе данных электронный чек, повышает уровень защиты покупателя и обеспечивает прозрачность работы. К перечисленным плюсам можно отнести взаимодействие с налоговыми органами на момент совершения действия.


57 филиалов сети Макро

предлагают своим посетителям воспользоваться вышеперечисленными преимуществами. Это супермаркеты, расположенные в Андижане, Фергане, Намангане, Коканде, Риштане, Олтиарыке, Маргилане, Асаке, Туракургане, Шахрихоне, Бувайде, Хонабаде, Избосгане, Карши, Навои, Шахрисабзе, Самарканде, Ташкенте, Янгиюле, Зангиоте, Чирчике, Кибрае и Тойтепе.

## НАЛОГИ

### ГНК ЗАПУСТИЛ БОТ ДЛЯ ПРИЕМА СООБЩЕНИЙ ПО ВОЗМЕЩЕНИЮ НДС

Государственный налоговый комитет запускает Telegram-бот для налогоплательщиков, столкнувшихся с проблемами по возмещению (возврату) суммы налога на добавленную стоимость. Об этом сообщила пресс-служба ведомства.



орган, принявший заявление.

Возврат НДС осуществляется согласно решению государственных налоговых управлений по месту учета налогоплательщиков.

Решение о возврате НДС крупных налогоплательщиков принимает Межрегиональная государственная налоговая инспекция.

Теперь процедура рассмотрения сокращена до трех дней. Также

При отправке заявки необходимо указать ИНН, название организации и налоговый

расширен состав рабочей группы, занимающейся этим вопросом.

## ЭЛЕКТРОННЫЕ ДЕНЬГИ

### НАЧАЛИ РАБОТУ ЕЩЕ ДВЕ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННЫХ ДЕНЕГ — E-CARD И CLICK

Центральный банк зарегистрировал еще две системы электронных денег в Узбекистане, следует из данных регулятора.


Это:

● E-Card (оператор Raume, эмитент — «Универсалбанк»).

● CLICK (оператор CLICK, эмитент — «Агробанк»).

Первой системой электронных денег в Узбекистане стала OSON, которую в июне разработали одноименный платежный сервис и «Туркистонбанк».

"На сегодняшний день к оплате электронными деньгами в приложении OSON доступны 80% услуг: это все коммунальные платежи, мобильные операторы, интернет-провайдеры", — говорил в июле основатель платежной системы Фарход Махмудов.



## ТРИ СТАРТАПА ИЗ УЗБЕКИСТАНА ПРОШЛИ В ФИНАЛ КОНКУРСА ALIBABA GET CHALLENGE

Определились финалисты конкурса «Alibaba GET Global Challenge 2020», сообщает IT-Park. Примечательно, что три проекта-финалиста — из Узбекистана. Это:

### Coozin

Проект в основном нацелен на помощь безработным и нуждающимся женщинам в Узбекистане. Coozin хочет значительно увеличить занятость женщин, а также помочь женщинам, потерявшим "кормильца";

### Modme

Modme - это b2b платформа, которая помогает образовательным учреждениям создавать смешанное обучение, которое помогает работать онлайн и офлайн одновременно;

### OSTO

OSTO - торговая площадка розничных магазинов в Узбекистане, специализирующаяся на стильной и модной одежде, косметических товарах и товарах для дома. OSTO обеспечивает лучший визуальный и качественный опыт для клиентов.



Напомним, что конкурс «Alibaba GET Global Challenge 2020» в Узбекистане был объявлен IT-Park, совместно с China Campus Network (представитель Alibaba GET в Узбекистане), Стартап-инициативами, Accelerator Lab ПРООН и Центром поддержки молодёжного предпринимательства Узбекистана.

«Alibaba GET Global Challenge 2020» — это международный конкурс от Alibaba для молодежи всего мира по созданию бизнес-решений для смягчения последствий пандемии и оказания помощи во всех сферах повседневной жизни.

Цель конкурса - поделить положительным влиянием новой бизнес-парадигмы, содействовать инклюзивному развитию, вдохновлять и расширять возможности молодежи и предпринимателей, а также содействовать цифровой трансформации организаций, отраслей и обществ.

Главным призом международного конкурса являются 100 тыс. юаней (примерно \$14 тыс.) и ознакомительная поездка в сердце цифровой экономики - в штаб-квартиру Alibaba и вступление в Alibaba GET Talent Bank. Для всех участников соревнования будут проводиться тренинги и семинары для развития своего бизнеса.

# ЮРТ ҚАЙҒУСИДА БЕДОР ЎТГАНЛАР



*Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида йўл бўйида жойлашган анҳорнинг тоза, зилол суви, атрофнинг хушманзара дарахтлар билан оролангани, текис йўллар, айланма зиналар – буларнинг барчаси бу ерга қайта-қайта ташриф буюриш истагини тугдиради. Аммо сукунат ва бетакрор табиат ушбу маскандаги мудҳиш кунларни ўз бағрига яшира олмаётгандек туюлади. Уша мудҳиш кунларни, тилсимларнинг сирини билиш мақсадида ушбу масканга яна ва яна бургингиз келади. Юнусобод туманидаги Бўзсуе соҳили кўпдан-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган “Шаҳидлар хотираси” хиёбони ҳақида бугунги кунда интернет орқали жуда кўп маълумотларни олишингиз мумкин. Ҳар йили олган таассуротларимизни бу гал онлайн саёҳат орқали тўлдиримиз ва қатағон қурбонларининг ижодлари билан сизларни баҳраманд қилиш имконига эгамиз.*

Музейнинг марказида “Изириб ҳайкали” ўрнатилган. Унда фарзандини кутаётган ота-она, ўз ёрини соғинган аёл, ота меҳрига тўймаган гўдак тасвирланган. Деворларга музейни бўлимларга ажратувчи, мавзуларга оид, ўша даврларга хос лавҳа – суратлар осилган. Музей ети бўлимдан иборат – XIX аср ўрталари ва охири, ўтган асрнинг 20-йилларидаги қатағон, “қулук”лаштириш даври, 30-йилларидаги қатағон, 40-50-йилларидаги қатағон, 80-йилларидаги қатағон, Мустақиллик йилларида қатағонларни хотирлаш ва эъзозлаш. Ҳар бир бўлимда шу даврга оид ҳужжатлар, маҳфий қоғозлар, суратлар, давр лавҳалари ва экспонатлар бор.

XX аср бошларида юзага келган жадидчилик ҳаракати Ватанимиз тарихида муҳим саҳифа очди. Маърифатпарварларнинг бош мақсади юртни мустамлака кишани ҳамда асрий қолоқликдан озод этиш эди. Озодликка эса фақат маърифат ва илм билан эришишни яхши билган Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Усмон Носир каби ўнлаб хур фикрли тараққийпарварлар ана шу эзгу мақсад йўлида фидокорона курашдилар. Музейнинг биринчи бўлимида мана шу маърифатпарварларимизнинг суратлари, архив ҳужжатлари, эрк учун кураш-

ган миллатпарварларимизнинг мактублари ва ижод намуналари ўрин олган. Сал нарироқда эса ноҳақ қамалган юртдошларимизнинг турмуш ўртоқлари, онаизорларининг нолалари битилган мактублар: “Фарзандларим неча йиллардан бери отасини кўрмади, илтимос, отасининг оқланиши учун менга ёрдам беринг...”, “... Ўғлимнинг ҳеч қанака айби йўқ, буни мен онанинг қалби билан ҳис қиламан...”

“Германияда ўқиган талабаларнинг сургун қилиниши”, “Фан, маориф ва маданият ходимларининг қатағон қилиниши” каби бўлимлардаги маърифат фидойиларининг суратлари ва суратлардаги махзун қиёфалар эркизликнинг фожиа эканлигини англатиб тургандек гўё: Бекназаров Алимқул, Раҳмонов Ғиёс, Абдуллаева Баҳрийса... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин... Германиядан қайтиб қатағонга учраган ёшлар бўлимида ўзбекистонлик талабаларнинг умумий сони юзга яқин бўлгани ҳолда бугун уларнинг 15 нафарга яқини ҳақидагина ахборот юртдошларимизга етказилган. Ва улар ҳақида тадқиқотлар ҳамон давом этмоқда.

Ҳўш, талабалар Германияда қандай бориб қолганлар ва нима сабаб бўлган? Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Туркистон тараққийпарварлари, биринчи навбатда, Фарбий Европанинг энг тараққий этган мамлаката Германия эришган ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Шу боис Туркистондан 16 нафар, Бухородан 56 нафар, Хоразмдан икки нафар иқтидорли ёшлар Германияда ўқиш учун жўнатилади. Фитрат талабаларни хорижда яхши ўқишга, келгусида ўз юртларига малакали мутахассис бўлиб қайтиш ва унинг истиқболи учун фидойий ватанпарвар сифатида хизмат қилишга даъват қилади. Бухоро ҳукумати томонида шу мақсадда пул маблағи ва қоракўл терилар юборилади ва бу талабаларнинг 1924 йилгача яшашига етди.

Аммо болшевиклар ҳукумати томонида Германияда таҳсил олаётган туркистонлик талабаларга нисбатан ишончсизлик йилдан-йилга ортиб борди. Уларни ҳали ўқишини тамомламасдан турли баҳоналар билан ўз юртига қайтариш бошланади. Шу мақсадда уларнинг фаолиятига назорат кучайтирилди, назорат таъйиқ кўринишини олади.

1932 йил Урта Осиё

давлат университетига дарс берувчи, хорижда, яъни Германияда таҳсил олиб қайтган Азиз Алихўжаев устидан иш очилади. 1938 йилнинг 4-9 октябр кунлари эса Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган – илгари Германияда таҳсил кўрган талабаларнинг барчаси “жосус” сифатида отувга ҳукм этилди.

Ваҳоланки, улар Германияга йўл олганларида деярли кўпчилиги жуда ёш эдилар, жумладан, Бухородан Германияга ўқиш учун юборилган 44 нафар ўқувчи ва талабаларнинг 5 нафари 20-24 ёш оралиғида, 9 нафари 17-19 ёш оралиғида, 14 нафари 13-16 ёшларда, 15таси 11-12 ёшда, бир нафари 10 ёшда бўлган.

Музейнинг яна бир бўлимида оташин шоир Усмон Носирнинг қамоқхонада олинган сурати ва ёнида Магадандан Сталинга йўллаган мактубининг бир нусхаси: “...Мен ҳали жуда ёшман, ижод қилиш учун куч-ғайратга тўлиб-тошган вақтим ҳозир. Мен халқ душманларининг тухматига учраганман. Ҳеч қанака айбисиз қамолданман, ижод қилишим учун оқланишим керак...”

Яна бир бўлимида Андижон, Фарғонадаги қўзғолонлар, беғуноҳ одамларнинг отиб ташланиши, қишлоқларнинг кунпаякун қилиниши, кейин қатағон, пахта иши бўйича ноҳақ қамалганлар, узоқ Сибирга, Магадан, Қозон, Красноярск, Свердловск... каби одам танимас юртларга сургун қилинган оддий халқнинг хор-зорликда кун кечирганлари ҳақида сўзловчи экспонатларга кўзингиз тушади.

Ҳа, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай халқимиз ўзлигини йўқотмади. Чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг мустақилликка интилгани бунга яққол мисол бўла олади. Юзлаб фидойи, маърифатпарвар, ватанпарварларнинг ўз ҳузур-ҳаловатидан кечгани, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйгани, эзгу ишларни амалга оширгани авлодлар хотирасидан асло ўчмайди. Сабаби улардан асрларга татиғулик китоблар, асарлар қолди. Бу нодир неъматларни, уларнинг ўғитларини, даъватларини, орзуларини ҳар доим ёдда сақлаш, халққа тақдим этиш, ўрганиш, фахрлини ҳар биримизнинг энг буюк мақсадиимиз.



# “Ватан, Ватан дея жоним танимдан ўлса равон”



Усмон НОСИР

## БОҒИМ

О, у қандай фусункор!  
Нур билан тўлган бутун.  
Гуллари чаман-чаман,  
Мен уларни ичаман:  
Кўнглимда яшнар баҳор...  
Нур билан тўлган бутун.  
Баргдек узлиб кетсам,  
Унутмас мени боғим:  
Ишимни хурмат қилур,  
Гуллардан ҳайкал курур.  
Минг йиллардан кейин ҳам  
Унутмас мени боғим!  
Шеърларим янграб қолур  
– Бир умрга ўлмайман!  
Ҳаётимнинг давоми  
Келажакимга ҳомий,  
Ўрнимга боғбон бўлур  
– Бир умрга ўлмайман!  
О, у қандай давомдор!  
Нур билан тўлган бутун.  
Гуллари чаман-чаман,  
Мен уларни ичаман:  
Кўнглимда яшнар баҳор...  
Нур билан тўлган бутун.

## Юрт қайғуси


Онам! Сени қутқармоқ учун жонни керакдир?  
Номусми, виждон била имонни керакдир?  
Темур била Чингиз қони тошди томримиздан,  
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонни керакдир?  
Ёв суқғали келгач қилчичини юрагингга,  
Туш олдиға, ол кўксуми – қалқонни керакдир?  
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,  
Турон ёвини қувғали тўфонни керакдир?  
Турон, йиғитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,  
Юртда қоровул кўйғали арслонни керакдир?  
\*\*\*

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?  
Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?  
Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Уғузларнинг,  
Отилларнинг шонли бешиклари! Қани у чикдигинг  
юксак ўринлар? Қуллик чуқурларига недан тушдинг?!  
Дунёни “урх”лари билан титраткан йўлбарс юрак-  
ли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учи-  
ратурган тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун то-  
вушлари чиқмайди?  
Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир  
туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетди-  
лар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар?  
Нечун... Нечун... Нечун...? Гапур менга, эй Улуғ Турон,  
арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?  
Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадинг-  
ми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупаннинг улуғ хо-  
қонларини сен юбормадингми? Эй хоқонлар ўчоғи!  
Эй қахрамонлар туғойи! Қани у чақмоқ қақишли бо-  
тир хоқонларинг? Қани аввалги ўқ юрушли, отли бек-  
ларинг? Нечун “урх”ларинг эшитилмайди?



Абдурауф ФИТРАТ

Дунё халқини бўйсундирмаган салтанатларинг не-  
чун бузилди? Инсонлик оламини қанотлари остинда  
олган хоқонлигинг нечун кучи ўлди? Кучингми кет-  
ди? Кимсасизми қолди?  
Йўқ... Йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз эмас-  
сан, сен кимсасиз эмассан! Бугун ер юзиде саксон  
милйон боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон Чин-  
гизларнинг, Темурларнинг қонидир.  
Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!  
Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!  
Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски  
йиғитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч  
бири йўқолмашидир.  
Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишидир.




## Ватанни суймак



Авлоний

Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан хисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлур, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар. Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини, эскимулар ши-мол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бо-шқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юр-



Чўлпон

## Кўнгиш

тингда чўпон бўл”, – демишлар.  
Мен айблик эмас, эй ватаним, тоғларим,  
Бевақт ташлаб кетдим, оё, боғларим.  
Ҳижрон қилодур мени жудали,  
Дўнди ғамга рўз-у шаб-у чоғларим.  
Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовилларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳр-у маҳаб-батидур. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: “Хуббул – ватани минал имони – ватанни суймак имондандур”, – демишлар.  
Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,  
Банга на ғам, қолур авлодима уй-у ватаним.  
Губора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,  
Чароки ўз ватаним ҳоқидур гўр-у қафаним.  
Ўсан ерим ушбу ватан вужудим хок,  
Ўлурса аслина рожеъ бўлурми ман ғамнок?

Кўнгиш, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?  
Ҳақорат дилни оргитмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми,  
Қилчлар энди синмасми?  
Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан;  
Кишан кийма, бўйин эзма,  
Ки, сен ҳам ҳур туғилгансан!..

Кўшаҳифани Барно СУЛТОНОВА тайёрлади.

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ**

**Обод юртимизнинг  
қадр баланд халқини  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ  
29 ЙИЛЛИГИ билан  
самимий қутлайди!**

*Ўстидол байроғимиз  
тоабда ҳилтираб турсин!*

**Меҳнаткаш халқимизни  
ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ байрамимиз —  
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ  
билан муборакбод этамиз!**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ  
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

## ➔ ШУКРОНАЛИК ТУЙҒУСИ

# САБР, ШУҚР, ДУО ОРАСИДА



Шу ҳаётий талаблар ичра яшаб, сира афсус чекмадим, десам ишонаверинг. Яхши ниятлар билан ўқидим, ишга кирдим. Касб-кор ўрганиш машаққатларини тотган дамларда сабр қилдим. Муваффақиятларга етишганимда, бахтиёрлик қувончларида ўзимни йўқотиб қўймадим. Аксинча, ҳар қандай вазиятларда ҳам мўътадилликни сақлаб, устозларга эргашдим, улар кўрсатган йўлдан юрдим.

Яхши ният йўлдошинг бўлсин, дегувчи эдилар. Эзгу тилак-дуоларни тилдан ҳам дилдан ҳам қўймадим. Адашмадим. Минг бора шуқрлар ила камол топдим. Компаниямиз 30 йиллик меҳнатларимга юқори баҳо бериб, мукофотлар билан тақдирлаб келмоқдаки, мен бунинг учун улардан чексиз миннатдорман. Бор бўлишсин. Компаниямиз обрў-нуфузини бундан кейин ҳам ошириб бориш йўлида астойдил хизмат қиламан. Неки эзгуликларга эришган бўлсам сабр билан, шуқр билан эришдим ва фурсати экан барча ёшларни шундай амаллар билан яшашга даъват этаман.

Ҳа, шундай. Балки баландпарвоз туюлар, лекин таъкидлайманки, шуқр неъматидан фақат ва фақат яхшиликлар келтиришига умрим мобайнида ишонч ҳосил қилиб келялман. Бунга ҳаётимда содир бўлган жуда кўп воқеаларни мисол келтиришим мумкин. Узоққа бормайлик. Утган йили май ойида Марғилон шахри-

да Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил бўлганда, ўғлим Рамзбек “Дадажон, бизнинг туманимизда ҳам шунақа ўқув маркази очиладими?” деб сураганда Аллоҳга таваккал қилиб “Албатта” деб жавоб бергандим. Яхши ният – ярим давлат ҳикматининг қудратини қарангки, ниятимиз йўлдошимиз бўлди, савоби-самарасини берди.

Яқинда туман ҳокимлиги ёнгинасидаги собиқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, ҳозирги “Хунармандлар маркази” биносидан уч хона ажратилиб турибдики, ростки, улўғ айём – Муस्ताқиллигимизнинг 29 йиллигига муносиб совға бўлади, деб ёш боладай сеvindим. Августнинг 18 кунини худудий бошқармамиз бошлиғи Ҳалимжон Курбонов билан бош мутахассис Улуғбек Отажонов ҳамда туман ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Шерзоджон Валиевлар келишиб хоналарни ва шарт-шароитларни кўриб кетишди. Бу ҳам сўзимнинг исботи учун энг ёрқин ва гўзал мисол бўла олади.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаётганимиз кут-барак киритмоқда. Бир-биримиз билан ҳамisha ҳамкор, ҳамфикримиз. Зотан, мақсадларимиз ҳам муштарак – одамлар турмуш даражаси сифатини яхшилаб бориш, камбағалликни қисқартириш ва энг муҳими, ёшларнинг маънавий ва моддий ҳаётини юксалтиришдир.

Телекоммуникация ривожининг юртимиз истиқболи учун нечоғли долзарблигини теран англаган ҳолда ҳокимлик боғлама ишининг фойз-баракасини таъминлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Айниқса, техника зарур бўлганда яқиндан ёрдам кўрсатаётган туман ҳокими Дилмуроджон Солиев ҳамда фуқаролар мурожаатларини тўғри ва тезкор равишда ечимини топишда кўмаклашаётган туман халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси Файзулла Қаюмовлар исм-шарифларини хурмат билан тилга оламан. Уларга боғламамиз жамоаси номидан раҳматлар айтаман ва шунингдек, туманимиз маркази – Навбахор шаҳарчасининг қиёфаси баҳорий тарзда ўзгача чирой касб этишида биз, телекомчиларнинг ҳам камтарона улушимиз борлигини ҳам мамнуният билан таъкидлагим келади.


Беадад шуқрларким, энг улўғ, энг азиз байрамимизни хизматларимиздан фойдаланувчилар сафини кўпайтириш, даромад режаларимизни ортиғи билан адо этиш орқали кутиб олмоқдамиз. Юзимиз ҳам, дилларимиз ҳам ёп-ёруғ. Жамики ютуқларимиз яхши ниятлар билан ишлаётганимиз, ўзаро аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини авайлаб, мустаҳкамлаб бораётганимиз шарофатидан, албатта.

**Фулумжон ТУРСУНОВ,  
“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали  
Фурқат тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи**



**ИНТЕРНЕТ**

**ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДИ:  
ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ —  
178 ТБ/СОНИЯ!**



**Британиялик (Xtera) ва япониялик (KDDI Research) муҳандислар ҳамкорликда интернет тезлиги рекордини янгилашди.**

Янги тезлик 178 Тб/сонияни ташкил этди. Бу тезлик билан Netflix сервисидagi жами видеотекани бир сонияда кўчириб ола бўлади!

Рекорд тезликка сигнални 16,9 ТГц частотада узатувчи, оптик толали кабел ўтказувчанлигини оширувчи янги технология ёрдамида эришилган.


Рекорд тезликка эришиш учун ишлатилган кабеллар қўланилган. Фақат ҳар 100 километрда янгиланган кучайтиргичлар ўрнатилган.

Ҳозирги кунда оддий фойдаланувчи учун энг юқори тезлик 10 Гб/сония атрофида. Бу қўлайликдан Япония, АҚШ ва Янги Зеландия аҳолисининг бир қисми фойдаланяпти.

**СМАРТФОНЛАР**

**MOTOROLA**

**АРЗОН СМАРТФОННИ  
СОТУВГА ЧИҚАРМОҚДА —  
REDMIга МУНОСИБ РАҚИБ**



Мобил телефонлар соҳасининг асосчиси ва бир пайтлардаги етакчиси Motorola кўпчилик кутмаган ишланмасини тақдим этди — арзон ва узоқ вақт ишлаб берувчи смартфон. Ferra.ru хабарига кўра, Moto G9 номли смартфон Ҳиндистонда 150 доллардан сотувга чиқарилади.

Агарда қурилмага талаб юқори бўлса, компания уни бошқа бозорларга ҳам олиб кириши аниқ.

Нархи арзонлигига қарамай, Moto G9 техник жиҳатдан анчайин бақувват: Snapdragon 662 процессори, 6,5-дюймли IPS-дисплей (HD+, томонлар нисбати 20:9).

Смартфонга 4 Гб оператив, 128 Гб доимий хотира ўрнатилган. Аккумулятори эса 5000 мАс сизимга эга. 20 Вт кучга эга симли тезкор қувватлаш технологиясига эга. Фронтал камераси 8 Мп, асосий камераси эса тўрттали модулдан иборат!

Қурилма масофадан тўловлар учун NFC-модул билан таъминланган, Bluetooth 5.0ни қўлайди.

Смартфон савдосига 31 августдан старт берилади.

**КОРОНАВИРУС**

**GERMANYDA KORONAVIRUSNI ЎRGANISH  
MAQSADIDA KONCERT UYSHIRILDI**

Лейпцигдаги Галле-Виттенберг университети олимлари коронавирус тарқалишини ўрганиш учун поп-кўшиқчи Тим Бенжонинг концертини уюштирди, деб хабар беради DW.

22 август куни Лейпцигда кун давомида учта мусиқий концерт бўлиб ўтган. Унда турли шароитлар моделлаштирилган, масалан, концертларнинг бирида томошабинлар ижтимоий масофаланишга риоя қилган, бошқасида эса йўқ.

1,4 мингдан ортиқ томошабин ўзларининг ҳаракатини кузатишга ёрдам берадиган махсус датчикларни тақиб олган. Шунингдек, флуоресцент дезинфекцияловчи воситалари ҳам тақдим этилган бўлиб, олимлар унинг ёрдамида томошабинлар қайси юзаларга кўпроқ тегинганини кузатиши мумкин. Бундан ташқари, мутахассислар вирус тарқалиши мумкин бўлган ҳаво зарраларини ҳам кузатган.

Тадқиқот раҳбари Стефан Моринсинг сўзларига кўра, бу кўпчилик ўйлаганидек оддий концерт бўлмаган. "Бу концерт кўринишидаги тадқиқот", — дейди Моринс.



Иштирокчилар олдиндан коронавирусга тест топширган, залдаги барча томошабин FFP2 ниқобини таққан. Олимлар тадқиқот давомида коронавируснинг ёпиқ биноларда ўтказилган оммавий тадбирлардан сўнг тарқалишини кузатиш имконини берадиган математик моделни яратиш ниятида. Тадқиқот натижалари кузда тақдим этилади.

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ**

VisionLabs (Россия) компаниясининг юзни таниш тизими жаҳондаги турдош тизимлар орасида энг яхшиси деб топилди. Бу ҳақда Ferra.ru хабар берди.

**ЮЗНИ ТАНИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ  
ТИЗИМ АНИҚЛАНДИ**

АҚШнинг Стандартлар ва технологиялар миллий институти (NIST) юзни таниш алгоритмлари бўйича ўтказган мустақил тестда голиб номи аниқланди. Эътиборли жиҳати, рус тизими уч йилдан бери етакчилиكنи ҳеч кимга бергани йўқ.



Тизимнинг самарадорлиги ёпиқ базадаги миллионлаб фотосуратлар орқали текширилади, бу омил олинган натижалар ҳолислигини кафолатлайди.

NIST дунёдаги 140дан ортиқ ўхшаш тизимларни синовдан ўтказган. VisionLabs алгоритмлари натижадорлиги қолган барча вендорлар тақдим этган тизимлардан 1,5 баравар юқори чиққан.

**АЙФОНОМАНИЯ**

**IPHONE 12 NECHA PULʻ  
DASTLABKI MAʼJUMOTLAR CHIQDI**

Kotiya niki ostida faoliyat olib boruvchi taʼhili va insayder iPhone 12 turkumiga kiruvchi smartfonlarning sxematik tasvirlari va taxminiy narxlarini twitterda eʼlon qildi.

Блогерда мавжуд маълумотларга кўра, iPhoneнинг ушбу туркуми 12, 12 Pro, 12 Max ҳамда 12 Pro Max моделларидан иборат бўлади. Дастлабки икитасида қўшамаралар, 12 Max ва 12 Pro Maxда учтали камералар ўрнатилди.

Катта моделлар (12 Max ва 12 Pro Max) 128, 256 ва 512 гигабайтлик, 12 ва 12 Pro моделлари 128 ва 256 гигабайтлик хотираларда чиқарилиши кутилляпти.

Инсайдерга кўра, iPhone 12 смартфонлари нархи 700 доллардан бошланади (128 гигабайтлик қурилмалар). 256 гигабайтлик қурилмалар учун эса 800 долларнинг баҳридан ўтишга тўғри келади. Хотира сизимига қараб, 12 Max — 800/900 доллар, 12 Pro — 1000/1100 доллардан тақлиф этилади. Унинг топ-версияси (512 гигабайт) нархи 1300 доллар. 12 Pro Max флагмани эса 1100, 1200 ва 1400 доллардан сотилади (128, 256 ва 512 гигабайт).



**МЕССЕНЖЕРЛАР**

**TIKTOK ILK BOR  
FOYDALANUVCHILAR  
STATISTIKASINI ZʼLON  
QILDI**

ByteDance интернет-компанияси қисқа видеоларга мўлжалланган TikTok сервисининг фойдаланувчилари сони ҳақида илк бор статистик маълумотларни эълон қилди. Бундай қарорга АҚШ ҳукумати ва шахсан Донал Трамп томонидан қилинаётган босимлар ҳам сабабчи бўлган.

Мазкур статистикада тўлиқ бўлмаган икки йил мобайнида TikTok фойдаланувчилари сонининг ўсиши акс эттирилган. Унда айнан АҚШдаги юзерлар алоҳида ажратиб ҳам кўрсатилган.

2018 йилнинг январидagi ҳолатга қиёслаганда, америкалик юзерларнинг ойлик фаол аудиторияси нақ 800 фоизга ўсган! Иловадан мунтазам фойдаланувчи АҚШликлар сони ҳозирда 100 миллион нафардан ошади; уларнинг нақ ярми эса ҳар куни TikTok ишлатади.

Дунё миқёсида ҳам шунақа ўсишни кузатиш мумкин: 2018 йилнинг бошида TikTok аудиторияси 55 миллион кишини ташкил этган бўлса, йил сўнгида 271 миллион нафарга етиб улгурган эди. 2020 йилнинг августига келиб эса TikTokни юклаб олишлар сони икки миллиарддан ошиб кетган! Компания таҳлилчиларига кўра, жорий йилнинг июлида сервиснинг фаол аудиторияси 700 миллион кишигача ўсган.

**САЛОМАТЛИК**

**СИМСИЗ НАУШНИКЛАР ЗАРАРЛИ —  
ЭКСПЕРТ ОГОҲЛАНТИРДИ**

Симсиз наушникларда Bluetooth электромагнит тўлқинларини мияга жуда яқин тарқатади, бу эса хавфли, деб ёзмада Mk.ru.

Плеханов номидаги РИУ информатика кафедраси доценти Александр Тимофеев бу нурланишни микротўлқинларга таққослади. Инсон саломатлигига бу фақат зарар келтиради.

"Нерв тизими фаоллиги ҳам электромагнит тоқларига эга, табиатдаги магнит тебранишларидан азият чекувчилар сони эса тобора ўсиб бораёти", — деди мутахассис.

У аynиқса "оригинал наушниклар"нинг қалбакиларидан эҳтиёт бўлишга чақирди.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади



## РОССИЯ:

# НАВАЛНИЙНИ ЗАҲАРЛАШГА ПУТИН БУЙРУҚ БЕРГАН...МИ?

Августнинг иккинчи ўн кунлигида Россия яна бир шов-шув марказида қолди. Кўплаб сиёсатчилар Путинни ўзининг ашаддий танқидчиси Алексей Навалнийни заҳарлашга буйруқ берганликда айблай бошлади. Аммо расмий Кремл бу айбловларни асоссиз, дея рад этган. Путиннинг матбуот котиби Дмитрий Песковга кўра эса иддаоларни жиддий қабул қилиб бўлмайди. Кремл матбуот котибининг айтишича, Путин Навалнийни заҳарлашга буйруқ бергани ҳақидаги даъволар "қуруқ шов-шувдан бошқа нарса эмас". Германия канцлери Ангела Меркел Россия ҳукуматини Навалнийнинг заҳарланганини текширишга чақирган.



Алексей Навалний 20 август, пайшанба кунини Томскдан Москвага учиб бораётган пайт ҳушидан кетган. Унинг тарафдорлари Томск аэропортида Навалнийнинг чойига заҳар қўшиб берилган, дея гумон қилишмоқда.

Алексей Навалний заҳарланган – 24 август кунини Путиннинг Россиядаги ашаддий танқидчиси ётган Германиянинг Charite касалхонаси шундай баёнот билан чиқди. Касалхонанинг билдиришича, ўзлари олиб борган текширув натижалари унинг заҳарланганига далolat қилмоқда.

Мухолифат фаолининг матбуот котиби ва ақиллари аввалбошдан унинг заҳарланганини даъво қилиб келишган.

Аммо, у дастлаб келтирилган Омск вилояти касалхонаси шифокорлари бундай эҳтимолни рад этиб чиқишганди. Касалхона расмий баёнотида айтилишича, модданинг аниқ таркиби ҳозирча маълум эмас, уни аниқлаш учун кенг кўламли текширувлар бошланган.

Алексей Навалнийни бутун дунё Путиннинг Россиядаги ашаддий танқидчиси сифатида жуда яхши билади. У Путин партиясини "фирибгар ва ўғрилар" уяси, деб атайди. Президент тузумини "Россия қонини сўриб ётганлик"да айблайди. Қурилаётган "феодал давлат"ни яқсон қилишга ваъда бериб келади.

Коррупцияга қарши кампаниялари билан танилган Алексей Навалний Президент Владимир Путин мухолифларининг энг ёрқин вакилига айланган. У ҳукуматга қарши намоишларга етакчилик қилган. Аммо у ўзининг энг катта орузи – Путинга сайловда рақиблик қилишга эриша олгани йўқ ҳали.

Россия судининг уни ўғирликда айблаб чиқарган ҳукми асосида ҳукумат Навалнийга 2018 йилги президентлик сайловида ўз номзодини қўйишни тақиқлади. Навалний ўзига нисбатан айбловларни қатъий рад қилиб, бу ўтқир танқидлари учун Кремлнинг чораси, деб айт-

ган. Кўпчилик унинг ҳамон озодликда юрганидан ҳайратланади.

Шундай бўлса-да, 2020 йил 20 август кунини заҳарланиш гумони билан касалхонага ётқизилди. Бу мухолифат лидерининг шубҳали тарзда иккинчи заҳарланиш ҳолатидир. Ўтган йили унга қамоқда эканида "контакт дерматит" ташхиси қўйилган эди. Шифокор унинг "қандайдир заҳарли модда" билан контакт қилганини айтган эди.

Навалний бир томондан Кремл учун бир тикан бўлса, бошқа томондан, мухолифат орасида ҳам унинг ўзини танқид қиладиганлар бор. Унинг миллатчилиги учун ҳам тиғига тутадиганлар оз эмас. 2014 йили "Эхо Москвы" билан интервьюда Президент Путиннинг Украинанинг Крым ярим оролини аннекция қилишига муносабати сўралганда, Навалний гарчи Крым халқро ҳуқуқ меъёрлари бузилган ҳолда "тортиб олинган" бўлса-да, "ҳозир у Россиянинг бир қисми", "Крым бизники" деб жавоб берган эди.

Навалний Россия сиёсатида 2008 йилда – Россиядаги давлат назорат қилувчи корпорациялардаги коррупцияни танқид қилиб, блог юриштишни бошлаганида пайдо бўлди. У қўллайдиган тактикалардан бири катта нефт компаниялари, банкларнинг акциясини сотиб олиб, кичик акциядор сифатида уларнинг молиявий ҳолатидаги тешиклар ҳақида суриштириш эди. Ўз фикрини асосан ёшлардан иборат тарафдорларига етказиш учун ижтимоий медиада ўтқир, тиканли сўзлардан фойдаланиши, Путинга сadoқатлиларни масхаралаши унинг сиёсий услуби рамзига айланди.

## ОҚ УЙДАН АРАБ ДУНЁСИГА ОИД ЯНГИ СЦЕНАРИЙ



АҚШ давлат департаменти раҳбари Майк Помпео Яқин Шарқ бўйлаб турнесини бошлади. Сафар давомида у Исроил, БАА ва Баҳрайнга бориши режалаштирилган. Шунингдек, Қатар ва Уммонда тўхташи ҳам мумкин, дейилади Reuters хабарига.

Манбада келтирилишича, экспертлар Вашингтон янги сценарий тайёрлаётганини ва унга кўра "Исроилни атрофида араб давлатлари жамланган марказга айлантириш" кўзда тутилмоқда. Шу билан бир қаторда, "Фаластинга лойиҳа ва маблағ томонлама ёрдам бермоқчи ва бундан қўзлаган мақсади у ерда Эрон ҳамда Туркиянинг таъсир доирасини камайтириш" ҳисобланади.


Умумий қилиб айтганда, АҚШ ва Исроил "Сурия, Ироқ ва Ливиядаги ҳолатни яхшилаш масаласини араб дунёси ҳал қилиши керак, Туркия ёки Эрон эмас", дея ҳисобламоқда.

## СЕНАТОР БАЙДЕН ПРЕЗИДЕНТЛИККА САЙЛАНИШИДАН ХАВОТИРДА

Республикачилар партиясидан америкалик сенатор Рэнд Полнинг фикрича, Жо Байденнинг АҚШ президентлигига сайланиши мамлакатни кўплаб урушларга гирифтор қилади, дея хабар берди NBC News. "Жо Байден доимий равишда янгидан-янги урушларга чорлайди. У Доналд Трамп анча вақтгача "авлодимизнинг энг ёмон геосиёсий хатоси" деб ҳисоблаган Ироқдаги можаро учун овоз берган. Байден яна урушни танлайди деб қўрқаман. У Сербия, Сурия ва Ливиядаги урушларни ҳам қўллаб-қувватлаган. Жо Байден пулимизни сарфлаб, қонимизни тўкишда давом этади", – деган сенатор Республикачилар партиясини йиғилишида.

Рэнд Пол Демократлардан кўрсатилган номзоддан фарқли ўлароқ Доналд Трампни мисол тариқасида келтирди. "Мен Доналд Трампни қўллаб-қувватлайман, чунки у ҳам мен каби кучли Америка узлуксиз урушларни давом эттиролмайди, деб ҳисоблайди. У янги қуролли можароларни бошлаш ўрнига, уларни тугатишга интиляпти", – таъкидлаган у.

Эслатиб ўтамиз: АҚШда президент сайлови 3 ноябр кунини бўлиб ўтади. Трампнинг асосий рақиб Демократлар партиясидан номзод Жо Байден ҳисобланади. Аввалроқ Республикачилар партиясини Доналд Трампни иккинчи президентлик муддатига расман илгари сургани маълум бўлди. Амалдаги давлат раҳбари делегатларнинг керакли 1276та овозини тўплади.



## ЖССТ:


### АФРИКАДА ПОЛИОМИЕЛИТ БАТАМОМ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

ТАСС берган хабарга кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус Африка қитъасида полиомиелит бутунлай йўқ қилинганини маълум қилган.

Полиомиелитнинг ягона сақланиб қолган табиий кўзгатувчиси – ёввойи полиовируснинг 1 тоифаси Африканинг барча мамлакатларида батамом тугатилгани ҳақидаги қарор Африка сертификатлаш бўйича мустақил ҳудудий комиссияси томонидан қабул қилинди. Африканинг тўрт мамлакатини – Нигерия, Камерун, Марказий Африка Республикаси ва Жанубий Суданда полиомиелит мавжуд деган тахминлар бор эди. 2020 йил ёзи бошларида юқоридаги комиссия аъзолари ушбу мамлакатларни текширишни аяқлашди ва сўнгги ҳулосани беришди.

Полиомиелит – болаларда орқа мия фалажига олиб келувчи вирусли касаллик. Охириги марта Африкада (Нигерия) 2016 йилда қайд этилган. ЖССТ вирус батамом йўқ бўлганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун тўрт йил кутишга қарор қилди. Ташкилот маълумотларига кўра, касалликка қарши кураш бошланган 1966 йилдан бери 180 мингга яқин боланинг ҳаёти сақлаб қолинган, 1,8 миллион кишида фалажликнинг олди олинган.

Интернет материаллари асосида У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



Роалд ДАЛ  
(Британ ёзувчиси,  
1916-1990)

Америка – аёллар учун улкан имкониятлар мамлакати. Ҳозирда улар бутун миллат бойлигининг тахминан саксон беш фоизига эгадирлар. Тез орада эса улар бутун бойликини ўз қўлларига олишади. Ажралиш жараёнлари уларга катта миқдорда даромад топишнинг осон йўлига айланиб қолган. Эрнинг ўлими ҳам яхшигина даромад келтиради ва айрим хонимлар шу йўлдан бойдаланишни маъқул кўришади. Улар бир кун келиб, сабрлари мукофот билан тақдирланишига ишониларди; ортиқча зўриқиш ва қон босими ўз ишини қилади ва бечора эр қўлида дори солинган шисани ушлаганича жон беради.

Ёш америкаликлар ажралиш ва ўлим таҳдидидан унчалик ҳам ташвиш чекишмайди. Ёшлар, ҳаттоки вояга етгунча ҳам сабрлари чидамай ўлиниб олишади ва ўттиздан ошган пайтларида камида иккита собиқ хотинларига пулларини совиришга улгуришади. Соҳибжамолларнинг фаровон ҳаёт кечирликлари учун эркаклар қулдек ишлашади. Ниҳоят, камолга етгач, уларнинг қалбини зеркиш ва қўрқув эгаллаш бошлайди. Улар кеч кириши билан барларга боришади. Бу ерда виски ичиб, бир-бирларига “ҳаётий хикоялар”идан сўзлашади.

Бу хикояларнинг мазмуни бир хил. Уларда учта қаҳрамон бўлади: эр, хотин ва итвачча маъшук. Эр – содда ва буюк меҳнаткаш. Хотин – айёр ва хиёнаткор мавжудот. У итвачча билан бирга турли найранглар ўйлаб топади. Эр эса ишонувчан бўлганлиги учун хотинидан шубҳаланмайди. Наҳотки бечора умрининг охирига шундай яшаб ўтса? Шунақа бўлса керак. Лекин бир дақиқа! Кутилмаганда, эр хотинига шундай зўр зарба берадики, хотин ўзининг мағлуб бўлганлигини ҳис этади.

Биз қуйида хикоя қилмоқчи бўлган воқеа ана шундай. У сизга ёқса керак. У тахминан мана бундай:

Мистер ва миссис Биксби Нью-Йоркдаги хонадонлардан бирида истиқомат қилишарди. Мистер Биксби ўртача пул топадиган тиш шифокори эди. Миссис Биксби кўҳликина аёл эди. Бир ойда бир марта ва фақат жума кунлари у Пенсилвания шохбекатидан кундузи поездга чипта сотиб олиб Балтиморда яшайдиган холасини кўргани борарди.

У холасиникида тунаб қолар, эртасига эса Нью-Йоркка қайтар ва эрига кечки овқатни тайёрлашга ҳам улгурарди. Мистер Биксби хотинининг бу одатига қаршилик қилмасди. У Мод холанинг Балтиморда яшагани ва хотинининг бу кампирга боғланиб қолганлигини биларди. Уларни учрашувдан маҳрум қилиш адолатдан эмас, деб ҳисобларди.

– Сени кузатиб қўяйми? – дерди мистер Биксби.

– Йўқ, азизим, – жавоб қайтарарди миссис Биксби.

Лекин аслида, холаси миссис Биксби учун зўр баҳона эди, холос. Полковник лақабли итвачча пистирмада кутиб турар ва хойнимиз Балтимордаги асосий вақтини унинг ҳузурда ўтказарди. Полковник ўта бой эди. У шаҳар четидаги ҳашаматли уйда яшарди. Оила қурмаган бу кишининг бир неча нафар содиқ хизматкорлари бўлиб, у миссис Биксби йўқ кунлари от миниш ва тулки овлаш билан вақтини ўтказарди.

Миссис Биксби ва Полковник ўртасидаги алоқа узвий давом этиб келарди. Улар кам кўришишгани учун (бир йилда ўн икки марта унчалик кўп эмас) бир-бирларидан зеркишларига асос йўқ эди. Аксинча, учрашувлар орасидаги узун танаффуслар уларнинг бир-бирига бўлган интилишларини кучайтирарди.

– Жонгинам! – қичқирарди Полковник ҳар сафар уни лимузин машинасида ўтирганича шохбекатда кутиб оларкан. – Севгим, қанчалар гўзалсан! Кетдик, уйимизга... Шу зайлда саккиз йил ўтди.



(Қиоя)

## ПОЛКОВНИКНИНГ СОВФАСИ

Рождество байрами яқинлашаётганди. Миссис Биксби Балтимор шохбекатида Нью-Йоркка қайтадиган поездни кутиб турарди. Ҳозиргина тугаган висол онлари ҳар галгидан-да ёқимли бўлган ва шунинг учун унинг кайфияти аъло эди. Умуман олганда, Полковник билан мулоқотда бўлиш доимо унинг кайфиятини кўтарарди. Бу киши уни ўзини бутунлай бошқача, гўзал аёлдек ҳис қилишига сабабчи бўлар, ана шундай пайтларда у шифокор эрининг қанчалар нотавон эканлигини ўйларди.

– Полковник мана буни сизга бериб қўйишимни буюрди, – кимнингдир овози эшитилди. У ёнига ўгирилди ва Полковникнинг қари хизматкори Уилкинсини кўрди. Унинг қўлида катта картон қути бор эди.

– Ё Худойим! – ҳаждон билан хитоб қилди миссис Биксби. – Қандай катта қути! Бу нима, Уилкинс? Хат-пат ҳам бериб юбордим?

– Йўқ, бермади, – деди хизматкор ва қайтиб кетди.

Миссис Биксби поездда қутини бегона кўзлардан яширди. Қандай ёқимли – Полковникнинг совфаси. У қутига боғланган ипни ечишга киришди. – Қўйлақ бўлса керак, – деди у ўзига ўзи. – Балки, иккита қўйлақдир. Ҳозир қарамайман. Яхшиси, сийпалаб кўриб, нималигини билишга уриниб кўраман. Унинг ранги ва нархини ҳам аниқлашга уринаман.

У кўзини маҳкам юмди, қути қоққоғини очди ва қути ичидаги нарсани пайпаслади. Унинг қўлига шилдирок қоғоз урилди. Кейин эса хатжилдан ушлади. Шилдирок қоғоз остига аста кўлини тикди.

– Ё, Худойим! – хитоб қилди у бирдан. – Бўлиши мумкин эмас!

У кўзларини катта-катта очиб, мўйна палтога тикилди ва шу заҳоти уни қутидан юлқиб олди. Мўйнини бор-буйи билан кўрган миссис Биксбининг нафаси тикилиб қолди.

Бундай мўйнани у умрида кўрмаганди. Наҳотки, бу норка бўлса? Ҳа, шубҳасиз. Ранги ҳам ажойиб! Қоп-қора. Унга дастлаб шундай кўринганди, лекин ёруқча тутганида у мўйнанинг кўкмирт тусда эканлигини кўрди. У мўйнанинг ёрлигига кўз югуртирди. Унда “лабрадор норкаси” деган ёзув бор эди, холос. Унинг қаердан харид қилингани, нархи йўқ эди. Бу ҳақда, ўйлади миссис Биксби, Полковникнинг ўзи бош қотирган бўлса керак. Қари тулки изини йўқотишга ҳаракат қилган. Қойил. У неча пул тураркин? Ўйлашнинг ўзи даҳшат. Тўрт, беш, олти минг доллар. Эҳтимол, ундан ҳам қимматроқдир.

У мўйнадан кўз узолмасди. Уни кийиб кўрмасликнинг ҳам иложи йўқ эди. Ҳаяжондан зўрга нафас оларкан, у бир лаҳзада эгнидаги қизил палтосини ечиб ташлади. Мана буни палто деса бўлади!

Палто миссис Биксбига қўйиб қўйгандек лойиқ келди. Мўъжиза! У кўзуга қаради. Бойлик, салобат, гўзаллик, нафосат – кўзугадаги аёлда буларнинг барча-барчаси мужассам эди. У ўзини қудратли ҳис этади. Бундай мўйнада истаган жойига бориши мумкин,

ҳамма унинг атропофида гирдиқапалак бўлади. Буни сўз билан ифодалаш қийин.

Миссис Биксби қути ичидаги хатжилдани олиб очди ва унинг ичидан Полковникнинг мактубини олди: “Бир пайтлар сен мўйна палтони ёқтиришингни айтгандинг. Марҳамат. Менга унинг жуда зўрлигини айтишди. Буни хайрлашув совфаси сифатида қабул қил. Ута шахсий сабаблар оқибатида энди сен билан учраша олмайдим. Хайр”.

Оҳ! Қандай даҳшат!

Худди мусоффо осмонда момақалди роқ гўмбурлагандек бўлди. Энди Полковникни ҳеч қачон кўрмайди. Қандай зарба. Уни жуда соғинади.

Миссис Биксби ўйга чўмганича мўйнани силай бошлади.

Қаерда топиб, қаерда йўқотишингни ҳеч қачон билмайсан, деганлари рост экан...

У илжайди ва мактубни йиртиб ташлаш учун ўгирди, бироқ орқа томонда ҳам ёзув борлигига кўзи тушди.

“Эринга буни холанг совфа қилганлигини айтасан”.

Миссис Биксбининг табассумдан кенгайган лаблари худди резинадай йиғилиб қолди.

– Жинним у! – қичқирди у. – Мод холам бунча пулни тушида ҳам кўрмаган. У бундай мўйна совфа қила олмайдми!

Лекин агар бу холасининг совфаси бўлмаса, унда кимники?

Э, Худо! Мўйнага эришганидан қувониб энг муҳим нарсани ёдидан чиқарибди.

Икки соатдан сўнг у Нью-Йоркда бўлади. Яна ўн дақиқадан кейин эса ўйига кириб боради. Ҳаттоки, тиш ва қариеддан бошқа нарсани билмайдиган эри Сирил ҳам хотини агар эгнида олти минг долларлик палто билан кириб борса шубҳалангани тайин.

“Менимча, – ўйлади у, – менимча, лаънати Полковник устимдан қилиш учун буни атай қилган. У Мод холамнинг бундай мўйна сотиб олишга қўрби етмаслигини билган. У буни кия олмаслигини билган”.

Лекин миссис Биксби бу мўйнадан ажралишини энди тасаввув қилолмасди.

– Бу мўйна меники бўлади! – деди у овозини чиқариб. – Меники бўлади! Бўлади!

Хўп, яхши, азизим. Бу мўйна сеники бўлади. Фақат жазавога тушма, ўтир, тинчлан ва ўйла. Сен ахир ақллисанку, шундайми? Сен уни ҳар доим алдаб келгансан. Унинг ақли тиш оғриғидан бошқа нарсага етмаслигини билсан. Шундай экан, ўтириб ўйла. Ҳали вақт бор.

Икки ярим соатдан сўнг миссис Биксби Пенсилвания шохбекатида поезддан тушди. Унинг эгнида ўзининг эски қизил палтоси бўлиб, қўлида картон қути бор эди. У такси тўхтади.

– Хайдовчи, – деди у, – яқин атропофида бирорта ломбард (гаровга қўйиш жойи-Т.)ни биласизми?

Таксичи қошини чимирди, ўгирилди ва унга ажабланиб қаради.

– Олтинчи авенюда бор, – жавоб қилди у.

– Унда ўша ёққа кетдик, – миссис Биксби машинага чиқди.

Бир ордан кейин такси эшиги тегида учта мис шар ўрнатилган ломбард олдида тўхтади. – Шу ерда кутиб туриш, илтимос, – деди миссис Биксби ва ломбардга кириб кетди.

Пештахта устида катта мушук тунука товоққа энгашганича балиқ ерди. У миссис Биксбига бир қараб қўйиб, овқатланишда давом этади. Миссис Биксби атропофи кўз югуртирди: соатлар, тақинчочлар, эски дурбин, синиқ кўзойнак кўзга ташланди.

– Хўш, хизмат? – ичкаридан ломбард эгаси чиқди.

– Ҳа, хайрли оқшом, – деди миссис Биксби. У қутини оча бошлади, ломбард эгаси мушукни силади.

(Давоми бор.)

Русчадан Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси

## 28 | АДАБ, АХЛОҚ, ОДАМ

Мана, неча кундирки Бахтиёрнинг турса ҳам, ўтирса ҳам хаёлидан шу шанги овоз кетмайди. “Қандай фалокат босиб мен ўша куни оёғимнинг тагидан чиқиб қолган қизчани кўрмай қолдим, ахир у онасининг қўлидан ушлаб келаётган эди. Қизча қачон онасининг қўлидан чиқиб машина рўпарасида қандай пайдо бўлиб қолди? Оний лаҳзалар ҳаётимни остун-устун қилиб юборди-я”.

**Б**ахтиёр бу саволларни ўзига юзинчи, балки мингинчи марта бераётгандир. Аммо жавоби битта: Сен қотилсан, сен одам ўлдирдинг. Кимнинг айби кўпроқ бўлмасин, барибир бир мурғак гўдак бу оламни тарк этди...

– Бахтиёр, болам овқатинг совиб қолди, қачондан бери бир нуқтага тикилиб ўтирибсан, ахир бу кетишда ётиб қоласан.

Бахтиёр онаизорининг овозидан сергакланди. Кейин хомушланиб уф тортди. “Онам бечора бу хотиннинг тизгин-сиз талабларидан бе-

хабар – ҳаммаси тинчиб кетди, деб ўйлаб ўтирибди”.

Бахтиёр ўша муддихи воқеа содир бўлишдан сал олдин бахтдан сармаст эди.

Чунки у севган қизига унаштирилганди. Бахтиёр энди тўй учун кўпроқ пул топиш мақсадида йўлга чиққан эди. Муюлишдан

икки томонида эгизак қизчаларни етаклаб чиққан аёлни кўрди. Улар жуда узокда эди. Чорражада тўхтаб турганида онаизор қизларидан бирининг қўлидан силталаб-силталаб дўқ урди, яна бирининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Ўша пайти Бахтиёрнинг қизчаларга роса раҳми келганди. Яшил чироқ ёнғач машинани ўт олдирди, икки юз метр юрмасдан, у тушунмай қолди, ахир қизча онасининг қўлидан ушлаб келаётганди-ку... Қизчани машинасида касалхонага элтиш мақсадида елдай учириб кетди. Аммо шифокорлар ҳарчанд уринмасин гўдакнинг жонини сақлаб қолишолмади. Ўша кундан бери Бахтиёрнинг ҳам, онаизорининг ҳам юриш-туришида ҳаловат йўқ. Онанинг ўғлини уйлантириш, келин олиб, бир этак неваралар кўриш орзуси чекинди. Иккаласига ҳам, бу фалокат қаёқдан қараб турувди-я, деган ўқинчли хаёл тинчлик бермасди.

Ўша бахтсиз ҳодисадан сўнг Бахтиёрнинг оёғи жабрланувчилар хонаданидан узилмади. Гарчи таъна-маломатларни эшитиш унга оғир бўлса-да, топган-тутганининг барини қизчанинг маъракаларига сарфлади. Бошини ҳам қилиб дунёдаги бор қарғиш, дўқ-пўписаларни эшитди. Аввалига қизчанинг онаси – Раҳима муросага келгандай бўлиб “майли маърақасининг барини ўтказсанг, давоиймдан кечаман, қизим қўлимдан чиқиб ўзи чопиб борганини ёзиб бераман”, деганди. Аммо куни кеча Раҳима яна унинг йўлидан чиқиб ўдағайлади:

“Менга шаҳардан ҳовли олиб берасан, кейин давоиймдан кечаман, бўлмаса умрингни қамоқда чиритаман”.

“Ҳовли олиб берсанг давоиймдан кечаман”.

Бахтиёр шу кунгача Раҳимани тушунишга ҳаракат қилиб келди. Ахир фарзандини йўқотиш қанчалар азоб, уни ҳам тушуниш, ҳис қилиш керак. Аммо Раҳиманинги ҳовли ҳақидаги гапидан кейин ундан нафратланиб кетди. Она фарзандининг хуни учун мол-мулк сўраса-я, қандай кўнглига сиғди экан?

Бахтиёрнинг боши қотди. Ҳовли сотиб олиш учун пулни қаердан топади? Кекса онасининг пенсияси-ю ўзининг кунда топаётган кира пули нима ҳам бўларди. Қариндош-уруғлар ўзи билан ўзи овора. Бири ўғил уйлантириш керак, яна бири ўқишга кирган фарзандининг контракт пулини тўлаши шарт, яна бир туғишгани кредитга уй олган... Энди бу муаммонинг биттагина йўли бор – онаси билан яшаётган ҳовлини бўшатиб бериш. Аммо она-бола қаерга бош уриб боради?

– Бахтиёр, ҳо Бахтиёр, ким бор?

Бахтиёр юраги увушиб ўрнидан турди: яна ким бўлди?

Ташқарида кўшниси Фахриддин ака билан нотаниш кимса турарди.

У иккаласи билан ҳам қўл бериб сўрашди. Кейин ичкарига йўл бошлади.

– Мен сиз уриб юборган қизчанинг – Фотиманинг отаси бўламан.

Бахтиёрнинг ранги ўчиб кетди.

– Хўш хизмат ака, – деди тили базўр айлиниб.

– Хабарингиз бўлмаса керак. Мен хотиним билан ажрашганман. Фалокат ҳақида яқинда эшитиб қолдим. Аслида қизимнинг қотили онаси. Чунки тошбағир, фақат ўз хузурини ўйлайдиган бу хотиндан мен ажрашиб қутулдим. Кўчадан бери келмайди, дугоналари билан ҳали у кафеда, ҳали бу ресторанда,

охири пайтларда менга садоқатли эканига ҳам ишонмай қўйгандим. Ишонмаслигингиз мумкин, бирга яшаганимизда ҳатто онамга ҳам қўл кўтарган. Ўшанда онамнинг дили жуда оғриганди. Қизларимни ҳали атак-чечак қилмаган пайти ҳам калтаклаб ташларди. Аслида болага бемехр она учун бу Яратганининг жазоси. Эшитдим, сиздан уй таъма қилаётган экан. Аммо сиз ишингизга пишиқ бўлинг. Унга уй олиб берганингизда ҳам у сизни бир умрга тинчитмайди. Ҳалигача менга тўхмат қилишдан, устимдан арз қилишдан тўхтагани йўқ. Энг яхши йўли сиз адвокат топинг, сизга чиқарилган ҳукм бўйича иш қилинг. Бўлмаса бу хотиндан бир умр қутулмайсиз, ундан кўра қамалиб кетганим яхши эди, дейдиган бўласиз.

Бахтиёр машинасини сотиб адвокат ёллади. Адвокат воқеани миридан-сиригача яхшилаб ўрганди. Ўша куни Раҳиманинги ҳам айби борлиги аниқланди. Агар она қизчани қўлидан қўйиб юбормаганда, назоратсиз қолдирмаганда бу фалокат рўй бермасди. Чунки Бахтиёр йўл қоидасини бузмай кетаётганди. Буларнинг бари судда ўз исботини топди ва Бахтиёр фақатгина белгиланган жаримани тўлаб қутулиб қолди.

Аммо Раҳиманинги кунда-кунора жанжал қилиб ҳовлига бостириб келишдан безган Бахтиёр ота уйини ташлаб кўчиб кетди. Кичикроқ ҳовли, машина сотиб олди. Ҳаёти изга тушди. Тўғри тўй қилиш бир-икки йилга орқага чўзилди. Аммо ўша воқеа унинг юрагида ўчмас из қолдирди. Мен бир бегуноҳ гўдакни жонига жабр қилдим, деган аянчли ўқинч қалбини доимо тирнаб турарди. Азалдан эҳтиёткор Бахтиёр энди машинани яна ҳам эҳтиёт бўлиб ҳайдайдиган бўлиб қолди. Баъзи вақтлари худди олдидадан ўша қизалоқ югуриб ўтиб кетгандек ёки машинасига урилиб йиқилиб тушгандек бўлади. Ўша пайти юраги қинидан чиқиб кетгудек дуқиллай-

ди, қўл-оёғининг қалтироғини босолмай қолган пайтлари ҳам бўлади. Аммо тирикчилик қилиш ҳам керак-да. Қачонлардир ҳаммаси изига тушиб кетишини чин дилдан истайди.

Шундай кунларнинг бирида кира қилиб юрганида икки аёл унинг машинасига қўл кўтарди. Аёллардан бири машина эшигини очиб манзилини айтди. Атиги икки бекатлик манзил экан, Бахтиёр нарҳини ҳам суриштирмади. Аёлларнинг бири телефондаги суҳбатини машинада давом эттирди. Бирдан Бахтиёрнинг юраги орқага тортиб кетди. Аммо машина ичи қоронғу бўлгани учун Раҳима уни танимади, қолаверса, телефонда ким биландир жанжаллашаётган эди. Ўша таниш, шанги овоз: “Менга қара, агар Зухрамга бир гап бўлса ҳаммангни қамоқда чиритаман. Боланинг ўпкаси шамоллаб кетган бўлса тузатларинг, нега мен айбли бўларканман, вақтида олиб келмагансиз, деб мени айбдор қилмоқчимман, нега шаҳар касалхонасига олиб борарканман, нега туманинги ўзида тузатолмайсанлар. Сенлар тузатмасанглр нима қилиб жойни эгаллаб ўтирибсанлар. Шифокорликка ўқидингми, қизимни тузатасан. Эртага эрталаб етиб бораман. Айтиб қўяй, агар боламни тузатиб бермасанглр хонумонингга ўт қўяман, дунёга келганига пушаймон қилдираман, боламни қаровсиз қолдирган, мендан пул сўради, деб устиндан арз қиламан”...

Бахтиёр айтилган манзилга аёлларни тушириб қолдирди.

Ҳа, аёл ўз қилмишлари билан иккинчи боласини ҳам ўлим чангалига ташлаётганини тушуниб етмаётганди.

Бахтиёр қизчани шаҳар касалхонасига зудлик билан етказиш мақсадида тезликни ошириб туман болалар касалхонаси томон шамолдай етиб кетди.

Барно СУЛТОНОВА,  
“Xabar” мухбири



## ТАЪМАГИРЛИК

# ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТ

Давлат хизматчисининг малакавий қобилиятлари, билими, маънавияти тестдан ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли орган этиб белги-ланди ва давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаш, улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш вазифалари берилган эди.

Агентлик давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизда кадрлар бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мувофиқлаштириш, малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминлаш, узоқ йилларга мўлжалланган стратегик режалар орқали истиқболли кадрлар захирасини шакллантириб бориш, меритократия принципи асосида кадрларни очик мустақил танлов асосида қабул қилиш бўйича ишларни амалга оширишга киришди. Бунинг учун ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизимининг иккита (тест ва ваканциялар) модули ишлаб чиқилди ва ҳозир тест тартибда ишлатилмоқда. Бу давлат хизматчиси шахсининг малакавий қобилиятлари, билими, маънавияти ҳамда психологик ҳолатини аниқлашга ёрдам берувчи тест (<https://test.args.uz/uz>) модулидир. Ушбу модулга кирувчи шахс жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини тизимга киритса, жисмоний шахс ҳақидаги маълумотлар келиб чиққандан сўнг шахсий телефон рақамини киритади ва ушбу рақамга тизим томонидан юборилган қисқа хабардаги махсус кодни тизимга киритади ва шундан сўнг тест топширишга рўхсат берилади.

Айни вақтда мазкур тизим амалиётда синов тарихида қўлланилди ва бунинг натижасида 14та вазирлик ва идора ҳамда 12та маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жами 40000га яқин ходимлари “Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш” модулидаги махсус тўртта (ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодиёт, маънавият, сиёсий ва ҳуқуқий) соҳадан ва психологик тест синовидан ўтказилди ҳамда уларнинг ақлий ривожланиш кўрсаткичи ва билим савияси ҳамда “психологик портрети”ни шакллантиришга эришилди. Вазирлик ва идора ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларидан олинган тест натижалари таҳлил қилиниб, ҳар бир ташкилотга ходимларни қайси соҳага малака ошириши бўйича алоҳида тавсиялар ишлаб чиқилди. Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Қашқадарё вилояти филиалидаги иккита бўш вакант жойларига очик мустақил танловга 58 нафар номзод ҳужжат топширишди ва номзодларни саралаб олишнинг иккинчи ва учинчи босқичида ушбу модулдан фойдаланилди ҳамда очик ва шаффоф танлов якунида бир нафар малакали номзод Инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўлими бош мутахассислигига лойик қўрилди.

Бугунги кунгача номзодларни ҳужжатлари аънавий усулда – қоғоз шаклида қабул қилинган эди. Агентлик ваколатли орган сифатида ҳужжатларни электрон қабул қилиш тизимини йўлга қўйди ҳамда келгусида барча



давлат органлари ва ташкилотлари бўш иш ўринларига танлов эълон қилиш учун ваканция (<https://vacancy.args.uz/>) модули ишлаб чиқилди. Ҳозирда ушбу модул орқали Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлигининг бешта лавозимига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси ва унинг филиалларидаги етти лавозимга танлов эълон қилинган. Ушбу тизимга икки хил “иш изловчи” ва “иш берувчи” сифатида кириш мумкин бўлиб, номзодлар иш изловчи сифатида тизимга кириши лозим. Иш изловчи бўлиб тизимга кириш учун “One ID ягона идентификация тизими” (<https://id.gov.uz/>) орқали аввалдан рўйхатдан ўтилган “логин” ва “парол”дан фойдаланилади, иш берувчи бўлиб тизимга кириш учун эса “Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона ахборот тизими” (<https://esi.uz/>) орқали ташкилотнинг электрон рақамли имзосидан фойдаланилади.

Тизим номзод ҳақидаги асосий маълумотларни ўзида сақлайди ҳамда номзодга ушбу маълумотни янгилаш имкониятини беради. Бунда тизим асосий маълумотларни “жисмоний шахслар” ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими идораларо дастурий-аппарат комплекси” (“ЯММТ” ИДАК) маълумотлар базасидан олади. Тизим асосий саҳифида барча мавжуд бўш иш ўринларини соҳалар бўйича филтрлаб кўриш ҳамда тегишли бўш иш ўрнига электрон арiza юбориш имконини беради.

Ушбу модулни “ЯММТ” ИДАКга интеграция қилиш орқали барча бўш иш ўринларини барча учун очик қилиш ва ушбу лавозимларга очик танлов асо-

сида ишга қабул қилиш имконияти яратилади. 2021 йил 1 январдан давлат органлари ва ташкилотларидаги барча бўш иш ўринларига автоматик тарзда ушбу модул орқали очик танлов эълон қилиш режалаштирилган. Давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуқуқатни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилиб, давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш бўйича бта маълумотлар базаси, 24та ахборот тизимлар мажмуи мавжуд.

Бунда аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига идентификациялашнинг ягона тизими орқали давлат хизматларини онлайн тарзда шаффоф кўрсатиш, очик танловлар асосида ишга жойлаштириш, фуқаролар нафақага чиқишда ишлаган даврлари, ойлик иш ҳақларини маълумотини онлайн тақдим қилиш имкониятларини беради. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ушбу маълумотлар базаси ва ахборот тизимлар мажмуини амалиётга жорий қилиш натижасида Давлат фуқаролик хизмати самарадорлиги янада ошади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзини устида ишлайдиган, замонавий ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини доимий ошириб бorgan, соҳасининг етакчи ва салоҳиятли давлат хизматчилари, меритократия принципи асосида лавозимда кўтарилиши, малака ва мартаба даражаларини ошишига эришади.

**Илҳом АЛМАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Қашқадарё вилояти филиали Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш гуруҳи етакчи инспектори

## АКМ ҲАЁТИДАН

# ОНЛАЙН ФАОЛИЯТ ДАВР ТАЛАБИ

Ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўрганиб, уни иш фаолиятга татбиқ этиш муҳимлигини бугунги пандемия шароити ҳам яна бир бор исботлади. Барча давлат хизматлари каби маърифат ва маънавиятни тарғиб қилувчи соҳа – ахборот-кутубхона хизматларида ҳам масофадан хизмат кўрсатиш жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, онлайн хизматларнинг жорий этилиши ахборот-кутубхона марказлари мутахассисларига жиддий масъулият юкледи. Тошкент шаҳар Bilim ахборот-кутубхона маркази томонидан “Масофадан хизмат кўрсатиш: ижтимоий тармоқлар яратилиши ҳолати, таҳлил, танқид ва таклиф” мавзусида ZOOM дастури орқали ўтказилган вебинарда айнан шу масалага, яъни туман ахборот-кутубхона марказларида самарали онлайн хизматлар ташкил этилиши ва яратилган ижтимоий тармоқларнинг назорати таҳлиliga бағишланди.

Вебинарда Ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш хизмати раҳбари С.Худойбердие-

ванинг “Туман АКМ ижтимоий тармоқлари мониторинги, муаммо, камчиликлар ва таклифлар” мавзусидаги маърузаси тингланди. Унда пандемия давридаги фаолият бўйича ўтказилган мониторинг асосидаги таҳлилий маълумотларга, ҳар бир туманда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга алоҳида урғу берилди.

Bilim АКМ мутахассиси Д.Азимова “Масофавий китобхонлик тарғиботининг интерактив методлари” мавзусидаги чиқишида интерактивлик – бу кутубхона мутахассиси ва китобхон ўртасидаги қизиқарли тарғибот фаолияти, интерактив методлардан фойдаланиш инновацион фаолият эканлигини таъкидлади. Шунингдек, инновацион фаолиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – кутубхона мутахассиси шахси, унинг новаторлик, сермаҳсул ижодий шахс каби жиҳатлари очиб берилди.

Худудий бошқарма бош мутахассиси Б.Маҳмудов эса масофадан хизмат кўрсатишда ижтимоий саҳифаларда обуначиларнинг сони долзарб масала, уни сонини

кўпайтириш кутубхона фаолиятини кенг тарғиб қилишда асосий аҳамиятга эга эканлигига тўхталиб ўтди.

Мониторинг хулосасига кўра, ўз фаолиятида камчилик ва хатоликларга йўл қўяётган Шайхонтоҳур, Сергели, Учтепа, Яшнобод, Юнусобод туманлари АКМ директорлари танқид остига олинди. Улар, ўз навбатида, учраётган муаммолар ечими бўйича чора-тадбирлар тўғрисида фикрларини билдирдилар.

Вебинар якунида бугун интернет ўзининг кенг имкониятлари билан барча ОАВлардан устунлигини намойён этаётгани, карантин муносабати билан кутубхона фаолияти ижтимоий саҳифаларда анчагина жонлангани, аммо туман АКМлар фаолияти ОАВ саҳифаларида ёритилиши талаб даражасида эмаслиги, раҳбарлар, мутахассислар томонидан китоб, китобхонлик ва АКМлар фаолиятига оид мақолалар ёзилиши давр талаби эканлиги таъкидланди.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**  
Bilim АКМ директори



## ЎФИРЛАНГАН СМАРТФОНЛАРНИ ЭНДИ ОСОН ТОПА ОЛАСИЗ!

Жанубий корейлик етакчи технологик компания смартфонларда Find My Mobile сервиси мавжуд. Фойдаланувчи ўз қурилмасини йўқотиб қўйса, уни ушбу сервис ёрдамида интернет орқали топиши мумкин.

Samsung энди мазкур сервисга Offline finding (Офлайн қидириш) номли янги функция қўшди. Номидан ҳам англашилиб турганидек, у билан энди ҳатто интернетга уланмаган бўлса ҳам смартфонни топиш мумкин!

Интернетсиз ҳам топиш учун қидириладиган қурилмада Offline finding функцияси фаоллаштирилган бўлиши лозим. Шундагина бошқа бир Samsung Galaxy смартфонни орқали уни топиш имкони бўлади.

Мазкур янгиликка машҳур XDA Developers ресурси муҳаррири Макс Вайнбах (Max Weinbach) эътибор қаратган. Offline finding функцияси қуйидагича тавсифланган:

– Ушбу функция сизнинг смартфонингизни бошқаларнинг Galaxy қурилмаси ёрдамида топиш имконини беради, ҳаттоки у интернетга уланмаган бўлса ҳам. Шунингдек, у

йўқотиб қўйилган Galaxy девайслари яқин атрофда бўлса, уларни сизнинг смартфонингизни қўллаганча топиш имконини тақдим этади. Бундан ташқари, агар охириги марта ушбу смартфонга уланган бўлса, ақлли соат ва қулоқчинларни ҳам топиш мумкин.

Пайқаган бўлсангиз керак: Offline finding функциясининг битта “лекин”и ҳам бор. Яъни, агар бу функцияни фаоллаштириб қўйсангиз, атрофингиздаги бошқа Samsung смартфонлари эгалари сизни “топиши” мумкин. Шундай экан, бошқаларга “кўринмаслик” муҳимми ёки телефонингиз йўқолиб қолса уни топиш имконини – ўзингиз танлайсиз.

### “Телефонини ким олди?..”

Смартфонингизни код-парол ёки бармоқ изи сканери билан ҳимоялашга одатланмаганмисиз? Бирор жойда қолдириб кетиб, қайтиб келгунингизгача ёки масалан, ухлаётганингизда уни кимдир очиб кўрган, дея шубҳаланасизми? Унда сизга шунақа вазиятларда асқотувчи бир дастурни тавсия этамиз.

Android-смартфонлар учун ишлаб чиқилган ушбу илова айнан “Телефонини ким олган?”, яъни “Қто

брал мой телефон?” деб номланган. Унинг ишлаши ҳар гал смартфон блоктан чиқарилганида олд камера орқали суратга олишга асосланган.

### Дастурнинг ўзига хосликлари:

1. Илова ишга туширилиши биланоқ унинг ишлаш принципи ҳақида лўндагина маълумот бериллади.
2. Ундан фойдалана бошлаш учун бош менюдаги биринчи банд – “Экранни блоктан чиқариш мониторинги” (“Мониторинг разблокировки экрана”) опциясини ёқиб қўйиш kifоя.
3. Шуни ёқиб қўйгач, илова ишга тушади, уни ўчириб қўйсангиз ҳам фон тартибда мониторингни олиб боравереди.

Энди сиз йўқлигингизда ёнингиздагилардан кимдир телефонингизни олиб кавлаштира, буни тегишли сурат орқали аниқлай оласиз. Смартфон олд камераси орқали туширилган ушбу расмлар махсус папкада сақланади ва уларни “Телефонини ким олган?” дастури орқали кириб кўришингиз мумкин. Бошқалар кўра олмаслиги учун илованинг ўзини парол билан ҳимоялаш функцияси ҳам бор.

## САЛОМАТЛИК

### УХЛАШ МЕЪЁРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Кекса одамлар кўпроқ ухлашлари керак ва бу шифокорлар томонидан белгиланган соатлар вақтидан кам бўлмаслиги лозим. Агар улар етарлича ухламасалар – юракка хавф тугилади, агар улар меъёридан ортиқ ухласалар – ақлнинг заифлашувига дучор бўладилар, дейди кардиолог Владимир Хорошев.

Ўртача саккиз соат – одам учун уйку вақтининг энг мақбули. Бу вақт ичида тана тўлиқ дам олади. Агар ёшлиқда бу норманинг бузилишига жиддий хавф деб қаралмаса-да, кекса одамлар учун бу жуда муҳим, деб ту-



шунтиради мутахассис. “55-60 ёшдан ошган одамлар уйқунинг маълум бир тартибига амал қилишлари керак. Улар ҳар куни камида саккиз соат давомида тинч уйқуга эга бўлишлари лозим. Агар кексалар бундан кам ухласалар, таналари жисмонан тикланмайди. Барча органларнинг ишига таъсир этадиган ресурс базасини тиклаш учун вақт керак. Кам уйқудан мия, юрак, жигар ва ошқозон зарар кўради. Буни эсдан чиқармаслик зарур”, деб маслаҳат берган кардиолог.

Шу билан бирга, кекса одамлар учун жуда кўп уйку оз ухламаслиқдан кам зарарли эмас. Мутахассис уйқунини суиестеъмол қилиш ақлнинг заифлашувига олиб келишидан огоҳлантирган. “Кекса одамларда узоқ уйку ҳам зарарли. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уйқунинг 9-11 соат давом этиши мия атеросклеротик шикастланиши ёки энцефалопатия хавфини оширади. Бу касаллик миянинг когнитив бузилишига олиб келади, натижада бу ақли заифликка олиб келиши мумкин”, дейди шифокор.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ



Туркиянинг Sabah наشري мутахассисларга таяниб хом ҳолида истеъмол қилинганда соғлиқ учун зарарли бўлиши мумкин бўлган маҳсулотлар рўйхатини чоп этди.

Мақолада таъкидланишича, кейинги пайтларда маҳсулотларни хомлигича истеъмол қилиш урф бўлмоқда. Бу соғлом турмуш тарзининг бир кўриниши дейишмоқда. Бироқ ҳамма маҳсулотларни ҳам хомлигича ейиш фойдали деб бўлмайди. Айримлари ахволнинг ёмонлашишига олиб келиши турган гап. Биринчи навбатда, термик ишлов берилмаган сосискаларни ейиш тавсия этилмайди. Бундай маҳсулотлар таркибда листерия бўлиши мумкин – хавфли бактериялар ҳам қилиш тизими фа-

## СОСИСКАЛАРНИ ХОМ ҲОЛИДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!

олиятини издан чиқариб, заҳарланишга сабаб бўлади.

Хом ҳолида зарарли бўлган маҳсулотлар орасида иккинчи ўринда ловия туради. Ушбу дуккакли маҳсулотлар таркибиде зарарли токсик моддалар бўлиб, уларни фақат термик ишлов бериш орқали бартараф этиш мумкин. Тулақонли қайнатилмаган ловия ошқозон-ичак фаолиятини издан чиқариши мумкин.

Соғлиқ учун хом картошка ва креветка ҳам зарар. Креветка таркибиде кўпинча пестицидлар бўлади. Чунки уларни фермаларда етиштиришда ва инфекциялар тарқалишининг олдини олиш учун кимёвий моддалар билан ишлов беришади.

Картошкага келсак, уларнинг ҳолати ва сақлаш шароитига эътибор бериш керак. Умуман олганда, картошка мутлақо хавфсиз сабзавот. Бироқ узоқ сақланганда куртاكلарида бактериялар кўпайиб, илдизмеванинг ичига ўтиб кетади. Ҳатто, куртагини кесиб олиб ташлаганда ҳам, инфекциялар картошка ичида сақланиб қолиши мумкин.

Мутахассислар бодом, қўзиқорин, равоч, бамбук шохчаси ва маниокни (илдизмевали тропик ўсимлик) хомлигича ейишни тавсия этмайди.



# IT-Парк — ВИЛОЯТЛАР МИҚЁСИДАГИ БИРИНЧИ ЛОЙИХА

2020 йили соҳанинг мамлакатимиз миқёсидаги лойиҳаларидан бири Андижонда амалга оширилди. Тошкентдаги IT-Паркдан сўнг иккинчи, вилоятлар миқёсидаги биринчи лойиҳа Андижонда ишга тушди. Вилоятдаги ёшлар, тадбиркорлар, ҳатто фермерларгача “Рақамли шаҳар”га интилишмоқда. Мақоламизда Андижон вилоятидаги рақамлаштириш жараёнлари билан танишамиз.

## Digital City

2020 йили соҳанинг мамлакат миқёсидаги лойиҳаси Андижон вилоятида амалга оширилди. Май ойида вилоятга ташриф буюрган Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги Digital City технопарки билан ҳам танишди.

5,6 гектар майдонда қуриб битказилган, 4 қаватли 3,5 минг кв.м.ни ташкил этадиган ушбу мажмуа ахборот технологиялари ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишга қаратилган. Ҳозирги кунда бу ерга туманлардан 328 нафар мутахассис жалб этилган.

Технопаркда маҳаллий ёшлар, тадбиркорлар, янги хуна ўрганиш истагида бўлган фуқаролар учун кенг қулайликлар яратилган. Жумладан, коворкинг маркази, дата-центр, конференц-зал, кутубхона, инновацион лаборатория ва ўқув хоналари, бизнес-инкубатор, медиамарказ, киберспорт хонаси ташкил этилган. Технопарк 50дан ортиқ янги ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатадиган корхоналарни жойлаштириш учун мўлжалланган. Мазкур технопаркда корхоналарга ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур инфратузилма ҳамда офис майдонлари қўрсатилади.


Технопарк резидентлари ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро кооперация алоқалари йўлга қўйилади. Технопарк резидентлари томонидан вилоятдаги Андижон давлат университети, Қишлоқ хўжалик ҳамда Машинасозлик институтлари талабалари учун турли хил амалий машғулотлар, лаборатория дарслари ўтказилади.

Ахборот технологиялари ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган Digital City моҳиятига кўра,

Тошкентдаги IT-Паркдан сўнг иккинчи, вилоятлар миқёсида эса биринчи лойиҳадир.

Digital City технопаркида SHARDA ҳамда INHA университетларининг андижонлик талабалари ўртасида танлов ўтказилиб (инглиз тилида эркин сўзлашув ва ахборот технологиялари борасидаги билимлар инobatга олинган), 200 нафардан зиёд талабалар орасидан ҳар икки университетдан 15 нафардан – жами 30 нафар иқтидорли талабага Digital City технопаркида малака ошириш имкониятлари берилди.

Май-июн ойларида Халқ таълими бошқармасининг 60 нафар, ўрта махсус таълим бошқармасининг 70 ҳамда Мактабгача таълим бошқармасининг 60 нафар – жами 190 нафар ўқитувчи ходимлари ахборот технологиялари йўналишида ўз малака-



ларини айнан Digital Cityда оширишди.

Жорий йилнинг 27-28 июн кунлари Digital City технопаркида 20та жамоа иштирокида (7-синфларнинг 100 нафар ўқувчиси) киберспорт турнирининг 1-босқичи ўтказилган. Бундан ташқари, соҳа корхоналарида фаолият олиб бораётган ёш ишчи ходимлар ўртасида 30 июн – Ёшлар куни, Учинчи ташаббус ҳамда “Ёшлар ҳафталиги” тадбирлари доирасида июн ойининг 27-28 саналарида Digital Cityга саёҳат ҳамда 100 нафар ходим ўртасида киберспорт мусобақалари уюштирилди.

Digital City технопарки вилоятдаги олийгоҳлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, хотин-қизларни ушбу соҳа бўйича иш билан банд қилиш мақсадида жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида Women’s Week (Аёллар ҳафталиги) лойиҳасини ишга тушироқчи. Мақсад иқтидорли ва ахборот технологияларига қизиқувчи аёлларни қамраб олиш, уларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдир.

Вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда 16та умумтаълим мактабида замонавий технологиялар билан таъминланган IT – Ахборот технологиялари хоналари ташкил этилиб, келгуси Digital Cityнинг туман бўлимларини мактабларда ташкил этиш режаси амалга оширилмоқда.

## Стартаплар ва ёшлар

Андижон вилоятидаги ёшларнинг стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар келажигимиз” жамғармаси, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, Стартап лойиҳалари координатори, Ёшлар иттифоқи Андижон вилояти кенгаши ҳамда АКТ вазирлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан

Start-up Unicorns лойиҳаси доирасида 2020 йил 11 июн куни ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш учун 2 млрд. сўм ажратилган. Unicorns лойиҳасида Андижон вилоятидан 35 ёшгача бўлган барча кўнгилли тадбиркорлар ва стартапчилар қатнашади. Ушбу дастурда вилоят ёшларидан 466 нафари ўз лойиҳалари билан иштирок этиш истагини билдирган.

Бугунги кунда Асака, Шаҳрихон ва Бўстон туманларида Рақамли технологиялар ўқув маркази хоналари жорий таъмирланиб, очилиш арафасида.

## Телекоммуникациялар

Вилоятда бугунги кунда 550 километрли оптик толали алоқа линиялари тортилиб, 11776 порт сигимига эга замонавий GPON станциялари ўрнатилган.

Мобил алоқа қамровини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида мобил алоқа операторлари томонидан 1298та база станциясини ўрнатиш ва модернизациялаш кўзда тутилган.

Вилоят бўйича 1524та ижтимоий соҳа объекти (764та мактаб, 530та мактабгача таълим ва 230та соғлиқни сақлаш муассасаси)ни юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш доирасида 808та объект (406та мактаб, 271та мактабгача таълим, 131та соғлиқни сақлаш муассасаси)гача 568 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Йил бошидан бери – биринчи ва иккинчи чорақлар давомида 407 км. узунликда оптик толали алоқа линиялари тортилди, 382та маҳалла фуқаролар йиғини юқори тезликдаги интернет тармоғига уланади.

Йил якунига қадар 1062 км. узунликда оптик толали алоқа

линиялари тортилиб, 22016 портли замонавий GPON станциялар ўрнатилиши режалаштирилган.

Учинчи ва тўртинчи чорақда қолган 358та мактаб, 259та МТМ ва 99та соғлиқни сақлаш муассасасининг барчаси юқори тезликдаги интернет тармоғига уланади.

## Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида вилоятда экин ерларини таҳлил қилиш мақсадида Monterra электрон платформасини жорий этиш белгиланган эди. Бугунги кунда Monterra электрон платформаси тизимида вилоятнинг 7879та фермер хўжалиги қиритилган.

Digital city технопаркида Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан Андижон вилояти фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилмоқда. Monterra электрон платформасини жорий этиш юзасидан олтинчи маротаба ўтказилган семинарда 65 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари қатнашди.

## Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт

Андижон шаҳрида 2019 йилда Рақамли технологиялар ўқув маркази очилиб, ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, киберспорт асослари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик йўналишларида ўқув курслари ташкил этилган эди. Жорий йил январь-август ойлари дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, ҳозиргача 473 нафар ёшлар бу ерда ўқиб чиққан.

## Эълон

### Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университети академик лицейи қўйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

- 1) Рус ва ўзбек гуруҳларида математика фани ўқитувчиси;
- 2) Рус ва ўзбек гуруҳларида физика фани ўқитувчиси;
- 3) Рус ва ўзбек гуруҳларида инглиз тили фани ўқитувчиси;
- 4) Рус ва ўзбек гуруҳларида информатика фани ўқитувчиси;
- 5) Рус гуруҳларида ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 112-уй. Мурожат учун телефон: (71) 235 03 69.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали маъмурияти ва филиал қасаба уюшмаси кўмитаси меҳнат фариши

**Қўқор КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.



# UZTELECOM

Ҳамюртларимизни, жумладан, соҳанинг барча вакилларини яқинлашаётган Мустақиллик куни билан самимий табриклайди.



## Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нархда.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-857 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 8 босма табоқ.  
Адади: 3958 нусха.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мўлжал: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Навбатчи: Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99